



и 23

08

НАМ КАО

# НИГОРОН







63  
Н А М К А О

# НИГОРОН

Х И К О Я  
ВА  
ПОВЕСТАР



е/



ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ БАДИЙ  
АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1967

Въетлам халқининг асл фарзанди, оташни жаңгчи ва галантли ёзувчи Нам Као 1951 йил, 30 ноябрда бевақт фожнали ҳалок бўлди.

Ёзувчи жисман орадан кетган бўлса-да, фикран тирик. Чунки у жуда кўп ўлмас асарлар ёзиб қолдирди. Қўлингиздаги тўплам унимг ижодидан кичик бир гулдастадир.

Бу гулдаста ёзувчининг олтига ҳикоя ва икки повестидан ташкил топган.

Рассом  
В. Ходоровский

Нам Као.

Нигорон. Повесть ва ҳикоялар.

Faafur Fулом номидаги баданий адабнёт нашриёти, 1967.  
124 бет. Тиражи 15000.

Нам Као. Ожидание. (Повести и рассказы.)

И(Въетн.)  
Н23

Индекс 7—3—4

# ҲИКОЯЛАР



## НИГОРОН



Лъеу қизининг қўлига оҳистагина елпигич қистириб, уни каравотчадаги чақалоғи ёнига ётқизди. Қейин беш яшар ўғли Куаннинг каравотчасига ўгирилди. У қўл-оёқларини икки ёққа ташлаганича ширин уйқуда ётарди. Боши бир ёнга хиёл эгилган, гўё эшикка термилаётгандек эди. Лъеу ўғлиниг ёнига ўтириб, бошини ушлади. Пешонаси ҳам, соchlари ҳам нам. Она тер доналарини эҳтиётлик билан артди, шивирлаб ўғлини эркалаганча елпигич билан елий бошлади. У аҳён-аҳёнда болалари ёнида ўтадиган мана шундай қисқа дамларнинг узоқроқ бўлишини истарди. Лъеуни уйқу босиб эснади. Хонага бамбуқ парда ораларидан майни шабада кирди. Аёл енгил тортди.

Кун бўйи у атиги бир нечтагина жўяқ чопа олди холос. Чунки лаънати французлар уч марта пайдо бўлиб, ҳар гал ҳам яширинишга тўғри келди. Тинка-мадори қуриб ўзини зўр-базўр тутиб туришининг боиси ҳам шунда, бунинг ажабланарли ери йўқ. Қани энди ёта қолса-ю андек мизғиб олса! Аммо у бу фикрдан қайтди. Ахир, ётди дегунча ухлаб қолишини биларди-да. Ухламаслиги керак. Зое кетган вақт ҳиссасини чиқариши, ойдинда эшик олдпдаги жўякларни чопиб қўйиши керак, негаки, кундузи французлар яна ҳужум қилиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Одам ёлласа, албатта, ёмон бўлмасди, лекин пулни қаердан олсин? Болаларни боқиши керак.

Лъеу хаёл оғушида ўғлиниг бошини силаганича бир оз жойидан қўзгалмай ўтирди, кейин иргиб ўрнидан

турди-да, керишиб, эснаб олгач, ҳөвлига чиқди. Атроф сутдек ойдин. Банан дараҳтлари ажойиб соя ташлаб турибди. Ой шуъласи кун бўйи силкинавериб ҳориб қозгандек оҳиста тебранаётган йирик-йирик банан япроқлағи устида йилтиллайди. Сутдек ойдин ва тун аёзи униңг уйқусини ўчирди. Лъеу шахдам юриб дараҳт ёнига қолди-да, мотигасини олиб, кундузи чала қолган жўякни юпа бошлади.

Гоҳ юқори қўтарилиб, гоҳ пастга тушаётган мотига ҳавода бўғиқ нило чиқариб нам ерга қадаларди. Қўшини далалардан, диққат билан қулоқ солинса, ундан олисан ҳам чониқ овози эшитиларди. Қишлоқда ҳеч ким ухламас, ҳамма французлардан яшириниб чакалакзорда ўтказган вақтлари ўрнини тўлдиришга уринарди. Ҳар ким қўшнисидан ортда қолмасликка тиришарди. Ахир улар фақат ўзиникини эмас, душман билан жанг қилаётганинг ҳам ерлари тўғрисида қайғуришлари керак. Катта-кичик ҳаммага маълум бўлган бъир ибора Лъеуининг ёдига тушди-ю, жилмайиб қўйди. «Изилаб чиқаришни юксалтириш...» Ишлаб чиқариш! Ишлаб чиқариш! Мотиганинг ҳар бир зарбидан мана шу садо чиқаётгандек бўлларди.

Ой аста-секин қўтариларди. Атроф тун оғушига чўқкан, сукунатни мотига зарбларигина бузарди, холос.

Мана ой ҳам тиккага келди. Тун ярмидан ўтгач, тиқ этган товуш ҳам яққол эшитилади. Қаранг, бамбуқзор ўрмондан ҳатто япроқнинг шитирлаши ҳам қулоқقا чалинмоқда. Аммо бирин-сирин атроф ерларда иш тина бошлади. Зимдан кириб келган уйқу бутун қишлоқни ўз оғушига олди.

Лъеу уйқунинг элитишига бардош берса ҳам, кетмат-кет эснашдан ўзини тиёлмасди. Ҳатти-ҳаракатлари ҳам алланечук ноаниқлашди. Қўшни ердагилар эса ҳамон ишлашарди. Демак, дам олиш ҳақида ўйлашга ҳали вақт бор! Боласизларга енгилроқ албатта, улар кундузи французлар жуда яқинлашиб келгунга қадар ҳам ишлаб олишлари мумкин. Унинг эса бир-биридан кичик уч боласи бор. Ҳаммадан бурун ҳаракатини қилиши керак. Кундузи қанча иш битарди дейсиз? Шунинг учун кечалари жонни койитиб ишлашга тўғри келади. «Кундузи мизғиб оларман», деб Лъеу ўзига тасалли берди.

Бироқ қўшни ерларда ҳам иш тинди. Лъеуининг қўлларнда мадор қолмади. Вужуди эса бегонаникига ўхшаб

Йўзмидан чиқди. Мотигасини араңг кўтариб ташларди. Ўйқу зўрлик билан қовоқларини қисар, тарқоқ хаёлини бир ерга йиғишга имкон бермасди.

Биргина мотиганинг ерга урилаётган нотекис садосигина тун сукунатини бузарди. Лъеуга мадал ва далда бергудек ҳеч ким йўқ. Ёлғизлик қурсин, сиқилиб ўласан киши!

Ой қоқ тепага келди. Банан ва бамбуқ соялари қисқариб, оғир уйқу босган дараҳт таналарига яқинлашди.

Лъеу чуқур уҳ тортиб, мотигасини олди-да, уйи томон қадам ташлади. Келгач, остоңада бир оз ўтириб, нафасини ростлади, кейин кийимларини олиб ҳовузга кетди. Сувда ҳордифи чиқиб, анча енгил тортди.

Қайтиб келар экан, оҳиста айтлаётган қўшиқ эшитилди:

Мана ҳам қорайди, ўша кўм-кўк далада  
Ингит томон ошиқар, қиз бечора пиёда.  
Елкасида обкаши, шоли боғин элтади  
Жангдаги вафодорин доимо ёд этади.

Лъеу Няннинг овозини дарров таниди. Қиз тез-тез айтиб турадиган бу ашула сўзлари Лъеуга ҳам ёд бўлиб қолганди.

Тун сукунатида янграган бу майин овоз Лъеу қалбининг туб-тубигача етиб борди. Нян, сувдан чиқиб наридан-бериб кийиниб олган дугонасини ҳовли ўртасида кўриб таажжубланди:

— Ҳали ҳам ухламадингми?

— Ҳа, ишимни ҳозиргина тутатдим.

— Яшасин ишлаб чиқариш суръатини оипириш учун курашувчи зарбдор аёллар!— деб ғуур билин хитоб қилди қиз.

— Ҳай-ҳай, секинроқ ўртоқжон!— Лъеу қўли билан ишора қилди,— одамларни уйғотиб юборасан!

— Вой ўлай!— бошини ушлаб қолди қиз,— шунчалар бефаросат бўлмасам. Айтгандай, чақалогинг йиғламаяптими, кечалари опаси билан қолишга кўнишиб қолдими?

— Ҳозир ҳамма нарсага кўнишиб керак! Кўникмасанг очингдан ўласан. Дарсингдан энди қайтдингми?

— Дарс тугаганига анча бўлди, мажлисда эдим,

— Намунча шунча ҷўзилмаса?

— Ватанпâрварлик мусобақаси программасини ишлаб чиқдик.

Нян синчковлик билан Льеуга бир қараб олгач, унинг қўлтиғидан тутди.

— Қара-я, кампир бўлибсан-қолибсан. Эринг келса сендан айнаб қолиши турган гап! — деди Нян.

Льеу кулиб юборди:

— Нимадан қўрқай. Худога шукур, учта болам бор. Турмушга чиқмаганиларга қийин.

Нян уялиб кетди.

— Ол-ал Мен ҳам қўрқмайман.

Льеу меҳрибонлик билан қизга бир қараб қўйди. Нян — укасининг қаллиги. Уларни ўзи унаштирган. Уруш бошланиб қолиб, тўйларини ўтказишолмади. Укаси Дионг урушининг дастлабки кунларидаёқ партизанларга қўшилиб кетди, кейинроқ эса жангга...

— Эринг хат ёзиб турибдими? — деб сўради Нян Льеудан.

— Йўқ, у менга ҳеч ёзмайди.

— Шунаقا ҳам тошюракми у. — деди қиз ачиниб.

Льеу жилмайиб қўйди. Нян, шунингдек бошқалар ҳам унинг эрини яхши билишмасди. Киенни ҳамма ҳурмат қиласди-ю, лекин негадир оиласига яхши қарамаса керак, деб ўйлашарди.

Гап шундаки, Киен шаҳарда узоқ яшаган, маълумки, у ердаги қизларнинг ҳаммаси саводхон, сатанг. Унга «қишлоқ хотинининг нима кераги бор» деб ўйлашарди. Аслида эса, ўз хотинини Киендек севувчилар камдан-кам топиларди.

Ҳаёти мاشаққатли бўлса ҳам, Льеу ўзини ғоят баҳтиёр ҳис қиласди. Ахир эри уни севар ва ҳурматлардида. Киен ҳозиргacha бирон мартаба унга қаттиқ сўз айтмаган, озор бермаганди. Льеу эри шаҳарда нима ишлар билан бандлигини яхши тушунмаса-да, уни жуда ҳурматларди. Эри нима қиласин, Льеуга маъқул тушаверарди. Эрига ёққан нарсаларни ёқтирас, ёмон кўрган нарсасини у ҳам ёмон кўрар, бирон нарса тўғрисида у билан баҳслашмас, галига бирон марта гап қайтармасди.

Уруш бошланганидан бир ҳафта кейин Киен шаҳардан қайтиб келди. Ҳамма вақт улфатдўст кимса, кутилмаганда ўзини дўстларидан тортди-қўйди. Узининг шаҳардан қайтиб келганидан уларни хабардор ҳам қилма-

ди. «Қолган саноқли кунларни иккаламиз ёлғиз ўтказайлик»,— деган эди у ўшанда хотинига. Киен узоқ сафарга отланарди. У урушнинг узоққа чўзилиши ва мусибатли бўлишини биларди. Эҳтимол, душман уларнинг қишлоқларига ҳам бостириб кирав, Лъеу болалари билан эвакуация қилинар. Агар она тупроғидан ажратгудек бўлсалар, хотини бечора болалари билан ёлғиз ўзи қандай кун кечираркин? Пули йўқ, савдо-сотиқни билмайди. Киен ана шуларни ўйлаганида, дунёдаги барча ғам-ғуссалар унинг оиласи бошига тушаётгандек бўларди. Шунга қарамай партия чақириғига лаббай демай туролмасди. Партия унинг учун ҳаётнинг муқаддас қисми, энг қутлуғ мураббий эди. У партия буйргидан четга чиқишни хаёлига ҳам келтиролмасди. Мамлакат заҳматкаш қўлларга муҳтож. Бундай оғир дамларда кўп қурбонлар берилади, бунинг эса ўзи бўлмайди. Болалар ухлаб қолишиди, Киен билан Лъеу бўлса шу кеча мижжа қоқмай тонг оттиришиди, гаплари сира тугамасди. Мана шу сўнгги кечада Лъеу эрининг унга бўлган соғ муҳаббатини бутун вужуди билан ҳис қилди. У ғоят баҳтиёр, айни вақтда бебаҳт ҳам эди. Қаердадир узоқларда гоҳ секин, гоҳ қаттиқ отишмалар қулоққа чалиниб турарди.

Лъеу эрининг ёнида ётиб, отишмаларга қулоқ соларкан, унинг ҳароратли нафасини ҳис этар, қалбида эзгу бир нафосат ўти мавж ураётгандек туюларди. Инсоннинг баҳтли бўлишин учун кичкинагина нарса кифоя! Лекин шуни ҳам душманнинг шафқатсиз қўли тортиб олди. Ев тинч ҳаётга раҳна солди, кишиларга жудолик, хўрлик, азоб-уқубат ва ўлим келтириди!

Лъеу эрининг доимо уқтириб келган гаплари мағзини ҳеч қачон мана шу бугунгидек чақмаганди. «Тэйларни еримиздан ҳайдаб чиқармагунимизча, баҳт ҳақида оғиз очиб бўлмайди. Халқимизнинг ҳаёти итнинг ҳаётига ўхшайди».

— Эвоҳ, оғир кулфатлар бошиннинг тушмаса деб қўрқаман,— деганди ўшанда Киен хотинига ачиниб,— ёмон әрман мен. Шундай оғир вақтларда ёлғиз ўзингни уч бола билан ташлаб кетяпман. Хафа бўлмаяпсанми?

Лъеу ҳеч нарса демай, меҳрибонлик билан эрининг бошини силаганди. Киен бўлса сўзида давом этиб:

— Омон қолсак ғалабадан сўнг қишлоғимизга қайтамиз. Шундайми?— деганди.

Бир-бирларидан умрбод жудо бўлишлари мумкинилай-  
ги ҳақидаги фикр хаёлидан ўтиши билан Лъеунинг ву-  
жудини совуқ тер босиб, ҳўнграб йиғлаб юборишинг сал  
қолганди. Лекин тиншини тишига қўйиб, ўзини босганди  
ўшанда. Киен тўйларидан кейинги дастлабки күшларда-  
гидек меҳрибонлик билан оҳистагина унинг қўлларидан  
ушлади, сўнг бир-бирларининг пишкларига тиқилишиб  
ухлаб қолишиди.

Эртасига Киен жўнаб кетди. У хайрлашаркан йиғлаб  
юбормаслик учун болаларига қарамасликка ҳаракат  
қилди. Лъеу ўзини дадил тутар, ҳазиллашиар, ҳатто «Қиши-  
ки кийимларинг шунақаям эскиб кетибдики, сени чол-  
ларга ўхшатиб қўйди!» деб эрига тегажаклик ҳам қилар-  
ди. Лекин Киенни кузатиб қўйгач, ўпкаси тўлиб кетди.  
Болаларни ўйнагани чиқариб юбориб, роса йиғлади.

Нян дугонасини эридан хафа бўляпти деб ўйлаб,  
далда беришга ошиқди:

— Эй, қўйсанг-чи! Ҳозир, албатта, енгил эмас. Ту-  
шунаман, лекин шуниси борки, мустақилликни қўлга ол-  
гач, ҳаммамиз баҳтиёр бўламиз, сенинг эринг бўлса ал-  
батта катта одам бўлади...

Лъеу бош чайқади.

— Амалнинг нима кераги бор? Менинг бирдаи-бир  
орзум уруш тугаса-ю, яна бирга бўлсак, дейман. Бирга  
яшасанг ҳаёт ҳам енгиллашади. Болалар ҳам ўқишлари  
мумкин. Сенга айтсам, эрим амалдор бўлай деб уринмай-  
ди ҳам, у дабдабасиз ҳаётни яхши кўради.

— Фалабадан сўнг қишлоғимизда ишласа қани  
еди,— деди Нян,— қурилишни ҳаш-паш дегунча қотириб  
ташлаган бўлардик.

Дугоналар ойдин кечаларни, ёш-яланглар чақчақла-  
шиш ва бир-бирлари билан баҳслашиш учун уларнинг  
ҳовлиларига йиғилладиган онларини эслай бошладилар.  
Киен келажакни яққол тасвирларди: «Деҳқончилик учун  
қишлоқ яқинида канал очамиз. Юзларча гектар ер ҳо-  
силдор бўлади. Илига ўн мингларча донг<sup>1</sup> даромад ола-  
миз. Картабозлик, ичкиликбозлик, муштлашиш ва сўни-  
нишларга қатъий чек қўйилади! Ишининг кўзини билиб  
ишлаймиз, ботқоқлик ерлару, кўлларни ишга соламиз.  
Балиқлар урчитамиз, нилуфарлар ўстирамиз, йўл чек-  
каларига мевали дарахтлар ўтқазамиз, пахта майдон-

<sup>1</sup> Донг — таҳминан бир сўмининг учдан биро.

марини кенгайтирамиз. Қишлоғимиз қаддини ростлаб  
олиши учун сизларниң фикрингизча қанча вақт кетади?  
— зоги билан уч йил. Йўлларга ҳам гош ётқизиш керак,  
албатта. Яна иккита мактаб қурилса, алоҳида клуб ва  
шурустроқ кутубхона очиб, радиоприёмникни ўрнатиб  
ўйисак... Ана ўшанда кооперативимиз қулоч ёяди-  
дудъяди».

Нян эриб, ҳатто лабинни чўпиллатиб қўйди.

— Лаънати француздар. Уларниң фикри ёди фақат  
нор нарсада — қандай қилиб бўлса ҳам, ҳиқилдоғимиз-  
дан қаттиқроқ бўғишиша. Лекин қайси биримиз уларга  
бўйин эгиб ўтиракмиз?

Унинг сўзларига жавоб берадётгандек ўқ товушлари  
а қўл гранаталаришиң портлаши эшистилди.

— Айтдим-ку! — деб қичқириб юборди Нян,— ишо-  
авер, булар ўзимизниң йигитларимиз. Урушни ҳам  
ўндирадиган бўлиб қолишибди! Энг муҳими душман  
истеҳкомларини иложи борича кўпроқ нобуд қилиш.  
Шанда яшириниб ҳам ўтирай, бамайлихотир ишлай-  
расан. Барибир,— сўзида давом этди Нян,— тез кун-  
жарда француздарниң қораси ўчади. Партизандардан  
шитдим, ҳозир урушнинг иккинчи даври кетаётганиш,  
ундан асосий мақсад — душман таянч нуқталарини йўқ  
илиш.

Льеу «иккинчи давр»ни уичалик тушунмади, лекин  
шунга қарамай, жуда қувониб кетди. Курашда дастлаб-  
и ютуқлар қўлга киритилгани ва ғалаба яқинлигини  
раги сезиб туради.

— Ҳозир оғир, лекин ҳеч нарса эмас, қўникиб қола-  
миз,— деди Льеу,— бу кеча душман кўп талафот кўрса-  
дек, шундай бўлгач қасос олиш учун бу ерларда яна  
айдо бўлиши турган гап... Демак, эрталаб яна яшири-  
ш лозим! Хўш, нимаям қиларди улар? Уйларимизни  
диришадими? Ҳозир ёз, очиқ ҳавода ҳам кун кўриш  
умкин.

Аёллар жим бўлишди, кейин Льеу секингина: «Юр-  
тайлик»,— деди.

— Ҳа, эртага барвақт турилади. Мени уйғотиб қў-  
шни унугтмал Кейинги вақтда ўликдек ухлайдиган бў-  
лб қолдим.

Нян ёлғиз туради. Қариндош-уруғлари ҳам йўқ.  
Мургина бувиси бўлиб, у ҳам аллақачонлар овлоқроқ  
га кўчириб юборилган. Нян экинларга қараб туриш

учун қолганди. Кечаларни, одатда, Лъеуларникида ўтказиб, у билан бир-икки оғиз дардлашар, унга ёрдамлашиб турарди.

Улар уйга киришди. Деразадан тушган ой шуъласи каравот юзини ёритиб турарди. Катта қизи укасиинг орқасига тиқилиб ухларди.

— Буни қара! — астагина хитоб қилди Лъеу.— Нега энди унинг пинжига тиқилиб олди? Шундай димда-я!

Нян каравотга қаради-ю, кулиб юборди:

— Уни бошқа каравотга ётқиза қолайлик.

У қизчани эҳтиётлик билан қўлига олиб, ўз ўринига ётқизди.

— Оғирлигини қара! Кап-катта қиз бўлиб қолибди. Тўйига мени айтарсан?

— Шунақа дейишга уялмайсанми?

Лъеу энгашиб ўғлини ўпди, сўнг унинг ёнига чўзилди. Юзи эрининги кўрпа устида ётган эски кўйлагига тегди, юмшоқ, муздаккина ишак кўйлак хуш ёқиб, этини жимишлатди. Киенни кузатиб қўйгандан бўён бу кўйлакдан бирон кеча ажралмасди у.

Лъеу кўзларини қисиб, шивирлади:

— Бечора болагинам! Снанг сени опангга ташлаб кетдими? Онанг ёмон! Булариниг ҳаммасига лаънати тэйлар сабабчи!


У ўғлини бағрига боса туриб, хаёлан эрининги қувончи қиёфасини тасаввур қилди...

Ралаба куни, мустақиллик куни! Кепжатойи отасига пешвоз чиқиб югурап, отаси бўлса қараб, кўзларига ишонмасмиш.

— Наҳотки менинг ўғлим, шу кап-катта бола-я! Буни қаранг-а, қойил!

Қадрдон қиёфа аста-секин гойиб бўлади, фикрлар чулганади. Лъеу ухлаб кетади.

## ОЧКУЗЛИК



ампир тун бўйи ўғлини қаргаб чиқди. Ҳар гал йўқликдан ҳоли таңг бўлганида марҳум ўғлини ҳам тинч қўймас — минг-минг лаънатлар ўқиб жаҳаннамга кўндаланг қиласарди. Ахир, шу бола туғилди-ю, бирон мағотаба тўйиб овқаг ейиш насиб бўлмади-да! «Елон гапираётган бўлса, ер ютени. Ўғли туғилмасданоқ бева қолди. Унинг тарбияси бир ўзишининг зиммасига тушди. Қариганимда роҳатини кўрарман, касалга чалиниб, пайкалдан кетгулек бўлсан, асқатиб қолар, деган умидда белни маҳкам боғлади. Лекин мақсадига етолмади. Ўғлини ўстириб, уни эндигина вояга етказганида касалга чалинди-ю, оламдан ўтди.

Келиндан ёлчиса ҳам майли эди-я, қани энди қари қайнанасига раҳми келса. Қаерда дейсиз! Аза тугамасданоқ қаллиғ топиб олди. Бунисиям етмаганидек, қизчасини кампирга ташлаб кетди. Боласи тушмагур каттароқ бўлса ҳам майли экан — беш яшар. Шундай қилиб, саксонга кириб қолган кампир бошига невара боқиш азоби ҳам тушиб қолди. Ишқиллаб-синқиллаб уни парвариш қила бошлиди. Тинкаси қуриб, мазаси қочса ҳам бир амаллаб унга қаради, раҳми келди, ахир невараси-да. Энди умид қиладиган бошиқа ҳеч кими ҳам йўқ.

Кампир неварасини етти йил боқди, кейин бадавлат бир онлага қиз қилиб берди. Эвазига олган ўн донгнинг исаккизи ўғлининг қабрини янгилашга сарф бўлди, унинг лошларини бошқа дурустроқ ерга кўчиринш керак эди. Қолган икки донгни дастмоя қилди: эски-туски олиб со-

тадигаш бўлди. Кундалик ишлаб топган бир неча су<sup>1</sup> билан кун кўришга тўғри келди. Буни топиш ҳам осон иш эмас, эртадан кечгача бозор кезиши керак. Ҳаёт эмас — азоб. Унга худонинг ҳам раҳми келмайди. Ўтган йили касал бўлиб ётиб қолди. Ўшанда дастмоя ҳам киришиб кетди. Ўлиб ўлмади, лекин кучдан қолди, касаллик дармонини қуритди. Қимирлашга мадори йўқ, оёқ-қўллари қалтираиди. Ўтиреа бир нави, турса кўзи тинади. Кечалари бели зирқираб оғрийди. Бир оз юргудек бўлса, оёқлари чалишади. На иссиққа, на совуққа чидайди, қандай қилиб ҳам энди бозор қилсени.

Шундайку-я, лекин бўш қоп тик турмайди-да! Эй парвардигор! Нафс бўлмаганда, ҳаёт ҳам бунчалик оғир бўлмасмиди? Бекорга бирор сенга бир бурда ноң бериб қўймайди. Уни ишлаб топиш керак. Қампирнинг эса жуда мазаси кетиб қолган. Илгарилари ҳеч қандай иш ундан қочиб қутулмасди, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай ишларди, тиним нималигини билмасди. Энди-чи, ҳеч нарсага кучи етмайди. Қариганида оқсочлик, тўғрироги, энагалик қилишта тўғри келди: қишлоқдаги оқсоч аёллар бундан бошқа иш қилмас эдилар. Энагаликка эса, одатда, каттадан-кичик кўнаверарди, бундақа енгилгина ишни ким хоҳламайди дейсиз. Қампирни авваллари мамнуният билан энагаликка олардилар. Нима учун ҳам олишмасин. Улар ҳалол, озода бўладилар, қизлар билан кампирлар орасида ер билан осмонча фарқ бор-да. Бундан ташқари кампирлар қизларчалик фаросатсиз ҳам эмас. Кам овқатлигини айтмайсизми. Тамадди қилиб олсалар бўлгани, оч қолсалар ҳам шикоят қилишмайди. Тили бийрон қизларнинг кўнглидагидек иш қилмай туринг-чи, бутун қишлоққа ёйиб, шармандангизни чиқаришади. Лекин кампирларнинг ёмон томонлари ҳам бор, уларни энага қилиб олганлар кейин пушаймон бўлишади. Ҳар ҳолда, қизлардан олиш маъқул. Бучувриндиларнинг соchlари қирқилган. Жаҳлингни чиқарса, бир-икки тарсаки тушириб, аччинингдан тушасан. Қишлоқда ҳеч ким «хўрлаятилар» деб жар солмайди ҳам. Мункиллаган кампирдан қанчалик жаҳлилг чиқмасин, жонинг ҳалқуминингга келса ҳам, қўл кўтариб бўпсан. Лоақал авра-астарини ағдариб сўка олмайсан ҳам. Иккита нордон сўз қилгудек бўлсанг, сени қўрсликда айб-

<sup>1</sup> Су — донгнинг юздан бири.

лашади. Бундан ташқари, кампирларнинг зеҳин ҳам наст бўлади, ҳамма нарсани унугтани унугтган. Оёгини зўрга судрайди. Юрса, қоқилади, кўрларга ўхшаб дуч келган нарсага таянади. Ҳатто овқатини оғзига тўғри обора олмайди — қўли қалтирайди. Гуруч таомини сочади; қайла олса, тўқмасдан иложи йўқ, патнусдаги нарсаларни чайқатиб айқи-тайқисини чиқаради; қўлидаги болага ҳам яхши қаролмай абгор қиласди. Игна кўзидек ердан шамол кирса ёки ҳаво салгини исеб кетгудек бўйсам, дарров касал бўлади-қолади: тун бўйин алаҳлайди, войвойлайди, инграйди, худога нола қиласди. Баъзан эса овози борича бақиради ёки ўглини чақиради. Уйдаларнинг ўйқусини бузади. Бунига қандай ҳам чидаб бўлади. Мана шунинг учун ҳам кўплар бунақангি кампирлардан қутулгудек бўлсалар бошлари кўкка етади. Бир йил ўтар-ўтмас бизнинг кампир ҳам беш-олти хонадонни кўрди.

Бир хонадондан иккинчисига ўтган сайнин хизмат ҳақи ҳам камая борди. Тўғри, у ҳамма ерла ҳам тайёрига баковул бўлди. Биринчи хонадонда кампир ойнга бир донг оларди. Иккинчисида беш хао, учинчисида йилига тўрт донг, кейинроқ икки донг, ниҳоят бир су ҳам олмайдиган бўлди, қорнига ишлади, мана шунда ҳам уни оилада сифишириш учун чексиз сабру тоқат керак эди. Бир куни хўжайин кампирни икки кўза сув олиб келишга буюрди. У фақат бир кўза сув кўтара олишлигини айтди. Шунақа кампир кимга ёқади дейсиз? Шунда ҳам хўжайин ўзини босди, лом-мим демади, лекин ишшу билан тинчимади. Кампир кўприкдан эгилиб, кўзага сув тўлдири ва энди уйга қайтмоқчи бўлиб турганида, шима ҳам бўлди-ю, турсиллаб йиқилиб тушди. Кўза синди, қўли лат еди. Войвойлаган овозини эшиктган хўжайин келиб уни уйга олиб кетди. Бекорга бирорвга ким бир бурда нон беради дейсиз? Унинг нафси балосига ўрада ортиқча гуруч борми? Шу куни ёк хўжайин йигиб қўйган беш хаони қўлига тутқазиб, кампирнинг кавушини тўғрилаб қўйди. Ушандан буён уч ойдан ортиқ вақт ўтди.

Мана шу вақтлар ичи кампир оқшоқ унидан қилинган чалнак билан кун кўрди. Эртадан кечгача ейдигани учта чалнак. Кейинчалик бунга ҳам пул қолмади, сотишга ҳеч нарсаси йўқ. Энди у ҳар куни бозорга бориб, ти-ланчилик қилиб келадиган бўлди. Лекин садақани ҳам ҳадеб беришавермайди-да. Раҳм-шафқатнинг ҳам чеки

бор. Сўнгги бир неча кунлар ичи кампир туз тотимади — оч қолди. Шунинг учун ҳам у бугун яна ўғлини қарғади. Тун бўйи вайсаб чиқди, кўз ёши тўқди. Тонгга яқин жуда ҳолдан тойди, эпди йиғлашга ҳам мадори қолмади. Бўйрага мук тушганича хаёл суреб кетди. Қорни очнинг фикри равон бўлади, дейдилар. Бу тўғри бўлса керак. Кампирнинг хаёлига бир фикр келди. У ўринидан туриб ташқарига чиқди.

\* \* \*

Кампир бир оз йўл юрди, лекин дармонсизликдан ўтириб қолди. Юраги ўйнади, қулоги шангиллади, кўз олди қоронғилашди, бутун бадани увушди. Анчагача қимирламай ўтириди. Бир оз ўзига келгач яна йўлга тушди. Беш ёки олти маротаба тўхтаб дам олди ва ниҳоят чошгоҳга яқин қишлоқ оқсоқоли мувонининг хотини — неварасини «тарбия»га олган Тху хоним истиқомат қиладиган кўча муюлишига аранг етиб келди. У неварасини ёшлигиданоқ «тарбия қилишга берилган қиз» дейишга олатланиб қолган эди. Кампирнинг ҳамма меҳнати, орзуҳаваслари ўғли билан кўмилиб кетган. Фарзаиди дунёнинг ҳамма ғам-ташвишидан қутулганди, у бебахт онасилик аччиқ ҳаёт чангалида инграмасди, йўқчилик азобини тортмасди. Кампирнинг ўғлига ҳаваси келди. У катта дарахт қад кўтарган муюлишга етганида сўнгги маротаба нафасини ростлаб олишга қарор қилди. Жаноб Тхулар ҳовлисигача яна икки хонадонни босиб ўтиш керак эди. Шу ерга ўтириб, дарахтга суюнди. Бирортасини чақириши керак, лекин унинг заиф товушини ким ҳам эшитади. Қаттиқроқ чақиришга эса мажоли йўқ. Шунинг учун ҳам қулоги шангиллай бошлаган эди-да. Ҳа, айтгандай, бу ёфи ҳам бор, бадавлат хонадонларининг итлари ҳам ниҳоятда қологон бўлади. Тху хонимлар ҳовлисида ҳам боқувда ётган иккита кўппак бор. Уларни ахталашганларида жароҳатларига шиша кукуни сепишганди. Жароҳатлари битиб кетган бўлса ҳам, лекин шиша кукуни доим зирқиратиб туради. Шунинг учун ҳам улар ҳар вақт қутуриб ириллашади, бирор кимсага кўзи тушиб қолгудек бўлса, илигини узиб олгудек унга ташланишади. Ё парвардигор! Бу итлар йильтқич ҳайвоннинг ўзгинаси-я! Буларни эслагудек бўлса, кампирнинг юраги орзиқиб кетарди. Биринчи сафар, қизни олиб келганида нотаниш бир аёл уйдан таёқ кўтариб чиқиб,

уларни ҳайдаб солган эди. Буларни тинчтиб бўладими! Таёқ яна ҳам қутуртиради, ўзларини ўёқ-бу ёққа уриб сапчишади, қўйиб юборса кампирни бурдалаб ташлагу-дек. Юнгларини ҳурпайтириб кампир билан қизга қараб толпинишаркан, наштардек тишларини, такиллатганила-рича, даҳшат, солиб ириллашар, орқа оёқларида тик туришарди. Ёғоч панжарани ғажиб, уни бу бегона мәҳ-монлар устига қулатгудек бир шиддат билан силкити-шарди. Кампирининг қўл-оёғида жон қолмаганди. Қиз бу-висининг, бувиси эса оқсоч аёлнинг пинжига тиқилганди. Оқсоч бўлса қарғай-қарғай қўлидаги таёфини силкитар-ди. Нима бўлди-ю, итлардан бири панжарадан чиқиб кетди. Кампирининг оёғини узиб олай деганида, оқсоч уни таёқ билан уриб юборди. Ўшанда ҳам кўпракнинг ўткир тишлари унинг қоқ суюк оёғини шилиб ўтганди. Эсласа юраги орқага тортиб кетарди. Дарвоза яқинида бақириб бўладими? Итларнинг қулоғи динг, оёғи тез. Ўрнидан турдими, вассалом. Мана шунинг учун ҳам кампир шу ерда сабр қилишга қарор қилди: эҳтимол, невараси бола етаклаб чиқиб қолар, уйдагилардан биронтаси иш билан у ёқ-бу ёққа борадиган бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Бирор кимсанинг Тху хоним ҳузурига мәҳмон бўлиб ке-лиши ҳам мумкин, ўшанда уларга эргашиб киради... Ўнимма қилсам экан, деб ҳар томонлама ўйлаб ўтиради-ю, фақат бир наұса, у ҳам бўлса, Тху хонимининг уйидан чи-қиб келиши ёки бўлмаса бирор жойдан қайтиб қолишини ўйламасди. Шундай бўлди ҳам, Тху хоним бозордан қай-тиб қолди. Кампирга кўзи тушиши билан гадой бўлса ке-рак, деб ўйлаб қовоқ-тумшуғини осди:

— Ким бу ялпайнб ўтирган? Ҳа, итлар қани? Бир мириқиб ғажишин. Қўрқмай ўтиришини қаранг!

Кампир бошини кўтариб, хушомадгўйлик билан ил-жайди:

— Вой,вой марҳаматли бекам, бозордан келяпти-ларми?..

Тху хоним қон тўлган кўзларини чақчайтирганича кампирга тикилди. Таниди-ю, лекин важоҳатидан уни кўрай деб кўзи учиб турмаганлиги сезилиб турарди. Судралиб келишидан илинжи нима экан? Пул тилаб кўлган бўлса керак-да? Кампир энди қўли билан тизза-сіга суюниб инқиллаб-синқиллаб ўрнидан туриб олган эди.

— Қаерга кетяпсан?— деб сўради Тху хоним.

Қампир сўзни нимадан бошлашини билмай, каловланиб яна ишқиллади. Баъзи бир кимсалар уҳ тортишга одатланиб қолганларидек, қампир ҳам вақт-бевақт инқиллашга ўрганиб қолганди.

— Марҳаматли бекам, мен хокисорингиз неварамни кўрсам, у билан бир-икки оғиз гаплашсам, деб келгани эдим. Уни кўрмаганимга ҳам анча бўлиб қолди, соғинидим.

— Гапини кўринг! Соғинганинш, гаплашармиш! Бу гапга ўлайми-ю, куяйми! Қизинг хизматимни қилисин, сен билан сафсата сотишга вақти йўқ. Унга ташлаб қўйган овқат борми. Хоҳласанг, «дастмоянг»ни ҳозирнинг ўзидаёқ олиб кетишинг мумкини! Едир, ичир. Бироими, бир йилми — истаганингча олдингда олиб тур, сўнг кўнглинигга текканда қайтариб олиб келарсан. Оспилиб олмайман. Балки сен, набиранг келиши билан Тху хонимининг бошига баҳт қуши қўйди-ю, олтину кумушларга кўмилиб кетди, деб ўйлаётгандирсан ҳали?

Тху хонимининг бундай сўзларни тўкиб солишидан мақсади кампирни пул сўраш илинжидан қайтариш эди. Бека оймининг тўраларча қилган бундай дағдағасидан қора терга тушган кампир устидан совуқ сув қўйилган-дек лом-мим деёлмай, шоли хирмонида қўлга тушган ўғридек гуноҳкорона бош эгиб қолди. Бека бўлса мийнида кулиб қўйди, сўнг кеккайганича сўзида давом этди:

— Топган эрмагини кўринг! Зумрашаси бу ерга келганида бамисоли қуруқ чўп эди; исқирт, иувриндилиги ундан ошиб тушарди. Ӯшанда у билан бирон кимсанинг гаплашмоқчи бўлгани сира ҳам ёдимда йўқ! Мана энди унинг қорни тўйиб афти ангори ўнгланиб, рангига қон югуриб қолди-да, уни эслаб бу даргоҳга бурунларини сукадиган бўлиб қолибдилар. Қара-я, қандай қиммагбаҳо матаҳ! Ахир сенга айтепман-ку осилиб олмайман деби Қераги ҳам йўқ! Унингсиз куним ўтмай қолариди. Бошқа бирорвга бериб ўша хонадоннинг ювиндисини та-ма қилиш млинижидан бўлсанг, истаганингга бер! Кимга ҳам керак! Пулни чўзиб қўй, пулни!

Кампир кўзига ёш олди. Энди бу кўргилиги бормиди, бу нарсалар унинг хотир-хаёлига ҳам келмаганди! Ниҳоят, ўқинч тўла бир ибо билан сўз бошлади:

— Шафқат қилинг, хоним, сўзларингиз дилимни қанчалик вайрон қилганини билсангиз эди. Парвардигор менга шунча йил умр берибди, наҳотки энди қаригапим-

да ёлғон гапирсам? Яратганинг ўзи гувоҳ, агар мей бенбо кимса бўлсаму, қизининг бошини айлантириб, уни бошқа бировга беришни хаёлимга келтирган бўлсам, ма-на шу турган еримда тил тортмай ўлай! Сиздан илтижо қиласман, ижозат беринг, ҳеч бўлмаса неварамнинг дий-дорини кўрай, ҳол-аҳвол сўрай. Сочимнинг оқини ҳурмат қилинг, беш кунглигум борми, йўқми, рад этманг.

— Сен билан лақиллашгани вақтим йўқ. Тонгган эрма-гини кўринг! Ҳа, майли, келишга келибсан, энди қор-инингни тўйдириб қўй, лекин билоб қўй, бундан кейин менинг уйим сенга оғиз-бурун ўшишалиган жой эмас. Мен уйимни от бозори қилиб қўймайман. Үғлимиш ҳозир Ханойда ўқияпти, мен ҳам кун ўтмай олдинга югу-ришим, жамолига термилишим керак эканда. а! Йўқ, би-ровнинг қўлига келдими, иш қилсан... Тавба, шунақа ҳам бўладими, гаплашармиш!

Тху хоним гапиргандага ҳар вақт лабини чўпиллатиб гапирарди.

\* \* \*

Кампирни кўриб, қизининг қувончи кўкка етди: у ҳам кулар, ҳам йиғларди. Лекин беканинг ғазабинок назари унинг қалб тўлқинларига эрк бермасди. Бувисини ҳатто яна бир мартаба қучишга ҳам журъат этолмасди, ни-ҳоят бошини эгиб:

— Бувижон, нимага келдингиз! — деб оҳистагина сў-ради.

— Бекамдан қорнимни тўйдириб қўйишини илтимос қилиш учун келдим-да! Ҳаддан ташқари очиқдим.

Кампир ҳазиломуз бир оҳангда гапирди. Лекин, сир эмаски, ҳар қандай ҳазил ҳам ҳақиқатдан холи бўлмайди. Кампирининг ҳазил эса ҳақиқатнинг айшан ўзи эди. Невараси бека боласини қўлидан етаклаганича кампирни ён томондаги бостирма томон бошлади, у ерда уларни ҳеч ким кўрмасди.


— Нимага келдингиз, бувижон!

— Қорин тўйдириш учун деяпман-ку сенга!

Қиз бунга ишонмади, лекин ортиқча сўрамади ҳам. Бирмунча вақт сукут билан кампирга тикилиб қолди...

— Бувижон, мунча озиб кетибсиз! Нима учун шунчалик оздингиз?

— Очликдан-да, бўталогим. Бошқа нимадан ҳам бў-ларди?



- Ҳозир кимникида турибсиз?
- Ҳеч кимникида.
- Яна олди-сотди билан банддирсиз, шундайми?
- Бунинг учун менда пул қани? Бўлганда ҳам, бундан нима фойда? Илгаригидек кучим ҳам йўқ.
- Нима еяпсиз?
- Ҳеч нарса емаяпман! Сабр қилиб юрибман!
- Улар бир-бирлари билан уч-тўрт оғиз сўзлашгандарни ҳам йўқ эдикни, беканинг чинқироқ овози эшитилди:
- Бола билан қаерга гумдон бўлди йиқан?
- Қиз тезлик билан болани ерга қўйиб:
- Бувижон, бирпастга болани олиб туриц,— деди.
- У тасмасини ечди, кўйлак лифини ечиб, ичидан бир неча чақа солингган кичкинагина ҳамён олди. Уни кафтига қоқиб, тушган икки су чақани кампирга узатди.
- Мана олинг, чалпак олиб енг. Энди яхшиси тезроқ кета қолинг.
- Қаерга гумдон бўлди бу зумраша?— яна беканинг овози келди,— болани бу ёқقا олиб кел, у ёқ-бу ёқни супуриб, овқатта жой ҳозирлал
- Хўп бўлади.
- Қиз болани кампирнинг қўлидан юлқиб олиб, чопганича кетди. Кампир ҳам унинг кетидан эргашди, ахир у итлардан юрак олдириб қўйган эди-да.
- Нега энди унга дум бўлиб қолдинг!— деб бека шағиллади жиғибийрони чиқиб,— ўтиր, овқатга чақиргунча қўмирламай ўтири. Фурбат!
- Хўп, шундай қиласай,— деб инқиллади кампир.
- Кампир кўрсатилган бир хонага кириб, бурчакка оҳистагина ўтириди. Қиз бўлса, Тху хоним унинг қўлидан болани олиши биланоқ пастга ғизиллади ва бир дақиқа ўтар-ўтмас у ердан идиш-товоқ овози эшитилди.
- Пастга туш, ўша ерда қорнингни тўйдиришиб қўяди,— бека кампирга шағиллаб, боласини кўтарганича олдинга ўтиб кетди. Сезилар-сезилмас қулоққа чалинаётган дастгоҳ товуши тинди. Кампир ҳужрага кирганида беканинг ўз ва асранди қизлари катта ёғоч баркаш атрофига гир айланиб ўтиришаркан, гўё мусобақалашаётган-дек ҳаммалари ҳам шоша-пиша косаларини тўлдиришарди— бири қайнатилган гуручдан олаётган бўлса, иккинчиси зиравор, учинчиси эса балиқ қайласидан ҳуярди.
- Бутун хонадон мана шу баркаш атрофига тўпланди.

ғанди. Кампир мулозимат кутмасданоқ, неварасининг ёнига — овқатга яқинроқ жойга ўтирди. Қалтираган қўллари билан чўкани олиб, товоқдаги овқатни титкилай бошлади. Тху хонимнинг жигибиённи чиқиб, қўлидан чўкани тортиб олишдан ўзини зўр-базёр тийди. Бундай жаҳолатдан нафратланаётганини бутун қиёфаси билан инфодалаш ниятида жирканиб лабларини бурди, қовоқтумшуғини осди. Бу ҳол кампир неварасини шунақаям уялтирдик, ер ёрилмади-ю, у кириб кетмади. Кампиртан жаҳли чиқди: ахир, нега айтганини қилмади — кетмади.

Бека гуруч солинган косасини қўлига олиб, жимгина овқатлана бошлади. Бу одат тусига кириб қолган ишора эди. Қизлар ҳам буйруқ олгандек, косаларига ёпишидилар. Тез-тез ейиш керак, акс ҳолда бека таъбини шунақа ҳам тириқ қиласидики, ўла-ўлгушингча унутмайсан! Косани гуруч-пуручи билан юзга улоқтирган вақтлар ҳам бўлган. Кампир ҳайрон бўлиб, атрофга аланиглади. Сўнг у ҳам косасини қўлга олди.

— Марҳамат қиласинлар, бекам...

Кампир оғиз очиб ҳам эдики, беканинг энсаси қотганидан, юзлари бурушиб кетди.

— Жимгина овқатингизни есангиз-чи! Мулозиматга бало борми! — деб ўшқирди. Ҳеч ким чурқ этмади. Ҳаммаси ҳам овқат билан овора, чўкаларининг юқоридан пастга ҳаракатигина кўзга ташланади. Албатта, кампир қизлар билан тенглаша олмасди, чўкасига олган зираоворини ўртадаги қайлага ботириш учун қулай пайт тополмасди. Қўли қалтиради. Мана энди қайлани баркашга оқизиб юборди. Тху хонимнинг юзлари бурушиб кетди.

— Қайладан бирор идишга қўйиб, олдига қўйиб қўйинглар.

Қизлардан бири бека амрини шу опдаёқ ўрнига қўйди. Эпди кампирга анча қулай бўлганди, унга чўзилиб ўтирасди. Лекин у косасига гуручдан иккинчи бор солишга улгурмасданоқ, бека ўзиникини бўшатиб, чўкасини олдига қўйди. Бошқалар ҳам дарҳол шундай қилдилар. Қизларининг ҳар бири, одатда, уч косачадан ортиқ гуруч емасди. Уларнинг апил-тапил ҳаракатлари иложи борича кўпроқ еб қолиш ниятида эканлигидан далолат бериб турарди. Кампир бўлса умр бўйи қашшоқликда кун кўрганлигидан, гуручга сероб ва пулга муҳтожлик

шималигнин билмайдиган бой хонадонларнинг тартиб-шитизомини қаердан билсии. Уларнинг қандай овқатлашиларини туш кўрибдими? Ҳа, шуниси ҳам борки, кампир, бойлар «оз есалар ҳам соз ейдилар», деб ўйлаб юрарди. Қорни тўқнинг қорни оч билан шима иши бор? Тўқ киши қанча овқат ҳам ейди дейсиз? Очга қанча берсанг ҳам озлик қиласди. Мана шунинг учун ҳам кампир кавшанишдан тўхтамади. Ахир, умрида бирори маротаба бўлса ҳам тўйинб оленин-да. Мехмон еса ҳам, емаса ҳам, бари бир еб кетлига чиқади. Шундай экан, ийманиб ўтиришга на ҳожат? Кампир бамайлихотир овқатини тушираверди. Невараси уялиб кетди. У бўлса парвойи фалак, доиланаётган товуқдек бўйинни чўзиб, кўзларини чақчайтирганича шоша-пиша бир неча гуруч қирмочини ютди.

— Олиб е, яна егин, чирогим. Декчада гуруч қолиб кетяпти. Қосангни бер, солиб берай.

— У билан шинингиз бўлмасин! Бошқа емайди!— леб ўшқирди бека.— Үзинингиз қорнинингизга сиққанича еявенинг!

Хонимнинг шамаси кампирга эпди бориб етганди. Ҳамма аллақачоноқ ўрнидан туриб кетган. Хонтахта олдида бека билан ўзигина қолганди. Бека уни еб юборгудек назар билан кузатиб туриш учун атайлаб қолганди. Кампирнинг нафси сира ором олмасди. Азбаройи худо, декчада гуруч бўла туриб қўл артгиси келмаётгандида! Ахир бирориникига меҳмон бўлиб боришдан мақсад истаганича еб-ични демакдир! У энди ҳеч нарсага эътибор бермай кавшанаверди. Гуручни тамом қилди-ю, нафси ҳам ором олгандек бўлди, лекин декчанинг ости билан чеккаларида яна бир оз қолли. Истрофгарчиликнинг нима кераги бор! Кампир декчани тиззасига олиб, қирмоchlарга суқланганича неварасига:

— Яна озгина қолипти, бари бир қотиб ҳам қолади. Ташлаб юборгандан кўра сенга қириб. бера қолай, хўпми,— деди.

Тху хонимнинг ғазаби қайнаб, жони ҳиқилдоғига келди.

— Қотса қотиб ўлсин! Егиниз келаётган бўлса, ўзингиз ейт, уни зўрламанг. Ҳаммалари тўйишди! Тушундингизми! Қорни ёрилгунча ейиш керакми?

Ҳа, майли, ейишмаса ейишмай қўя қолишини, ўзи еб қўя қолади. Кампир декчадан нари-бери қирмочини қириб

олди ва унга қайла қўниди. Мана буниенни ҳам пок-  
покиза туширди. Худога шукур! Энди тўйди. Жуда ҳам  
тўйди. Қорин шишиб, ҳансираб қомди, белбогини бўша  
тишга гўгри келди. Бугун вужудини тер босди. Деворга  
суюниб бир оз нафаенин ростлали. Қани энди бир чўзи-  
либ олишининг иложи бўлса! Уйлагилар масхаралашади-  
да. Үзини зўр-базўр тутиб турнига ҳаракат қилди. Ё  
парвардигор! Қариллик, беқувватлик ҳам қурсин. Ема-  
санг дармоннинг қурниди, есанг лоҳаси бўласан.

\* \* \*

Кампир кулбасига кечга яқин бир амаллаб етиб ол-  
ди. «Кечроқ кетарман, шундай жазирама иссиқда йўл  
юриш осонми», деб у жойроқ отланганди. Аммо гапининг  
очигини айтганда, уни овқат босди. Үриндан қўзғалишга  
ҳоли келмади. Шунча овқат устига озмунча сув ичдими!  
Ўшанда ҳам чанқоги босилмади, юраги боргани сари ўр-  
таниарди. Қорин эса гуп бўлиб шишиб кетаверди. Кечаси  
 билан у ёнидан бу ёнига ағанаб тўлғаниб чиқди, миж-  
жак қоқмади. Қулдураб, шўлқиллаган қоринни силаб  
қийналди. Нафаси сиқилиб, ҳарсиллади. Ярим кечага  
бориб оғриқ бошлиди. Кейин санчиқ турди, қайт қила  
бошлиди. Ё парвардигор! Ёқмаган парсанни нимага ҳам  
еди! Кўз олди қоронғилашди. Ичига гўё ўт тушгандек,  
томогидан қил ўтмади. Роппа-роса ярим ой мана шун-  
дай азоб чекди. Туни кунга, кунни тунга улади. Хуллас,  
шу азоб уни олиб кетди.

Воқеани эшишган Тху хоним ҳамма қизларига қайта-  
қайта уқтириди:

— Кўрдингизми, очкўзлик мана нимага олиб келади!  
Кампир воқеаси сизларга мактаб бўлсин. Оч қолсанг  
ўлмайсан, кўп еб қўйсанг-чи, тўппа-тўғри у дунёга раво-  
на бўласан. Буни ўнг қулоқ, сўл қулогинглар билан эши-  
тиб олинглар.

## БИР ЖУФТ ЧҮЧҚА СОНИ



аажжуб, исм ҳам шунақа бўладими. Иисон фарзандига Кео, Кот ё Ҳа, ёки... ҳеч бўлмаганда Доңг деб исм қўйинш қийинимиди. Йўқ, унга Чат Ван Доан деб исм қўйиншиди. Исм эмас, нах замбарак наъраси. Қулоқни батанг келтиради.

Башараси ҳам совуқ, маймоқлигини айтмайсизми. Еноқлари қўрқинчли бир қиёфада туртиб чиқкан, ич-ичнга ботиб кетган юзларп ёноқларини яна ҳам бўрттириб кўрсатарди. Қўшалоқ қўтос шохидек каттагина қора ярим ой ҳосил қилган, гоҳ чимирилиб, гоҳ тии олувчи мўйлови устида пастга тарвақайлаб кетган бурни опичиб ётарди. Лабларини туртиб чиқкан қинғир-қийшиқ тишлари тўғри келган ерини узинб олишга шай турган итларнинг тишини эслатарди. Булар ҳам майли-я, бунинг учун уни айбситиш ўринсиз. Ким билади дейсиз, эҳтимол, доя сабабчи бўлгандир. Лекин кўзлари ҳам хунук эди-да, ахир киши қалби унинг кўзида акс этади. Кичкина ва қисиқ кўзлари дам-бадам пирираб, маккорона ялтираган ҳолда атрофга жавдирар экан, гўё кишилардан куларди, улар одамларга нисбатан шундай ҳасад билан тўлган эдикни, бундан атрофдаги бирон кимса мустасно қолмасди. У ё тап тортмай юзингизга тикилиб туарар, ё истеҳзоли нигоҳ ташларди. Унинг бу қарашнда айтгани айтган, дегани деган тўраларга хос кибру ҳаво бор эди. Бў кўзларга тик қарашнинг ўзи аянчли эди. Худо ҳаққи, аянчли эди!

Чат Ван Доаннинг соч қўйиши ҳам бошқаларнидан

фарқ қиласынан. Фаройиб мола! У бундай соч қўйиншии «олдидан прогресс, ортидан боңза» деб атарди. Бир неча узун ўрим соч пешопасидан тепа томонга тараб қўйилганди. Бутунлай қириб ташланган орқа томони эса биойнишинг<sup>1</sup> думалоқ мевасини эслатарди. Кайфи чоғ пайтлардіа «озодлик учун» деб гап бошларди тилини тақишлилатиб. Азвозийи бузуқ ҳолларда эса мутлақо бундай қилмасди. Ўзи ҳақида сўз очишни умуман ёқтирумасди. Майли, у ҳақида нима дейишса деяверишишни — билганидан қолмайди, ўзини оқлаб ўтиришга на ҳожат?

Чат Ван Доанинг ейиш-ичиши, кийиниши ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Бу ҳақида гапни чўзмасак ҳам бўйлади. Ҳар ким ўз уйида хоҳлаганича ейди, ичади. Қўйиниши ўз ҳолича, мен ўз ҳолимча. Ҳаммамизинг ҳам ўз қулбамиз бор, у ерда жонинг ором олади, бу эса ҳаётни ёнгиллаштирувчи шунчаки бир нарса, холос. Киши уйида иштаганини қилиши мумкин, бошқалар билан иши нима? Мекин кўчага чиқдингми, эркингдан ажрайсан. Ҳар ким щурустроқ кийинишига уринади. Буни у, асосан, ўзи учун ўмас, бошқалар учун қиласди. Ҳа, бошқалар учун. Бирор әрзимаган нарсада бўлса ҳам, ўзгалар кўнглини топишга интилмаган бирор кимсани кўрсатинг-чи. Борди-ю, иши бошқаларга илтифот қилиш ниятида бўлса, дангал жайтиш керакки, бунинг ҳеч қандай ёмонлиги йўқ. Тўғри, Чат Ван Доан бундайлардан эмасди. Борди-ю, унинг кийиниши устида сўз очилиб қолса, дафъатан кишишининг ҳаёлига қиш келарди. Чунки қишида кўплар дуч келганини кияверадилар. Кўркамликдан кўра кўпроқ иссиқни ўқзлайдилар-да. Доан айнан мана шулар тоифасига киради. Қиши бўйи мағор босгани кул ранг пальтоси эгнидан тушмасди. Бу пальтони у Европада аскарликдан порган вақтларида сотиб олган ва ўшандада унга ўттиз ети франк тўлаган эди. Арзийдиган мол. Ҳисоблаб кўрилса ўшандан бери роса ўттиз йил ўтибди. Астари аллақачонлар илма-тешик бўлиб кетган, авраси бус-бутун. Иситиши ҳам чакки эмас, у ўнта иссиқ кўйлакдан афзалроқ. Чат Ван Доан бу пальтони кечаю кундуз эгнидан туширмас: ейиш-ичишида ҳам, ётганида ҳам, сайру томошада ҳам, ҳатто иш вақтида ҳам уни ечмасди. Ҳаммага отнинг қашқасидек таниш бўлиб қолган бу пальтода тутма асари йўқ эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар икки

<sup>1</sup> Биой — йирик мевали цитрус дарахти.

бариға бир жуфт әшкаки әслатувчи беўхшовгина боғиң чатиб қўйилган бўлиб, далада қўш ҳайдаб юргани вақтларида орқасига тортиб боғлаб олар эди. Унинг пишиқлигини айтмайсизми, кўринини ҳам чакки әмас, росмана тасмадан ҳеч камчилик жойи йўқ. Бекорчиликда ёки динга<sup>1</sup> кетаётганида боғичини ечиб қўяркин, улар пальтосининг беўхшов этаклари орасида осилиб гўрарди. «Бу қуни вақтида кийиладиган пальто» дейишга ким журъат эта олади? Шундай дегучилар бўлса, аравасини торта-версин.

\* \* \*

Нуроний чолу кампирларининг ҳикоя қилинларига ишониш мумкин бўлса, Чат Ван Доан ишлаб топган пулни ичкиликка сарф қилган тентакроқ бир балиқчи чолининг ўғли экан. Чолнинг умр йўлдоши бевақт оламдан ўтиб, ундан бир ўғил қолган. Ўғилча отага тортиб, кагта бўлгач, у ҳам балиқчи бўлади, ичкиликка муқкасидан кегади. Ота-бала дарё лабидаги чайлода яшашарди. Кечқурилари чайла олдидан ўтилса, ҳар вақт телбаларча қийқириғу, аҳмоқона қаҳқаҳаларни эшитиш мумкин эди, демак, уларнинг кайфи тарақ. Маст одам одатда ҳамма ғам-ғуссасини унутади ва ўзини чексиз баҳтиёр ҳис қиласди.

Лекин совуқ қиши кечаларининг бирида чол нимаям бўлгану, дарёга йиқилиб чўкиб кетган. Бу ернинг оқими жуда тез эди. Ўшакдан буён дарё қирғоғидаги чайла жимжит бўлиб қолган: ҳайқириқлар ҳам, қаҳқаҳалар ҳам барҳам топган. Ўғил буларни қўмсади...

Қишлоқни ташлаб, боши оққан томонга жўнаб кетди. Въетнамни бошдан-оёқ кезиб чиқди.

Қалин ўрмонлар, баланд тоғлар ҳам унинг йўлини тўсолмади. Лаос ва Камбоджада бўлди. Сиёмгача борди. Буларнинг ҳаммаси яқин ўлкалар-ку — қўл узатса етади. У бўлса узоқ-узоқларга сафар қилиш орзусида эди. Шунинг учун ҳам кунлардан бир кун у аскарликка ёзилди-да, пилотка кийиб, Европага жўнаб кетди. Бу воқеа 1914 йили бўлган эди.

Уруш тамом бўлгач, Доанни пароходда уйига жўнатдилар. У аввалгидек соппа-соғ эди. На бомба, на ўқ уни жароҳатлай олмади. Бир вақт ўртоғи унга Тан сулоласи

<sup>1</sup> Динъ — жамоа уйи.

длаврида яшаган Чин Зиао Ким ҳақида ҳикоя қылғанди. Ана ўша Чин Зиао Ким довюрак, қўрс йингит бўлиб. Бир неча маротаба ўлим билан тўқиашган, лекин ҳар газ ҳам ўлимни даф этгани экан. Доан ўртоғидан буни эшигтгач, ўзини ўша баҳодирга айнан ўхшаш билиб, мийнида шулиб қўйди. Унга ҳам ўлим бас келолмасов. У ўзининг бахт юлдузига ишонч ҳосил қила бошлади. Ҳақиқатан ҳам, тақдиридан шикоят қилишга ўрин йўқ: олами сув босса тўпифига чиқмайди. Бошқалар билан иши нима.

Доан ёнида қаллиғ, ҳамёнида юз-юз таңга (ўша шақтда бу катта маблағ ҳисобланарди) ва чексиз кибру ҳаво билан қишлоққа қайтиб келди. Пул сарфлашиша хотамлик қилди: новвослар бўғизлатди, чўчқалар сўйидирди, дабдабали базмлар қурди. Бутун қишлоқ таҳли меҳмон бўлди, ҳаммаларининг нафси қонди, энди ў «жаноб Доан» бўлиб қолди. Дарёда чўкиб кетган шентак чолнинг ўғли, қишлоқдан гойиб бўлиб, ким биради, қаерлардадир тентирараб юргани сўққабош бирнигит, ногаҳон қишлоққа қайтса-ю, «жаноб» марта-Басига эришса. Қани айтинг-чи, жиғибийронингиз чиқмай бўладими? Доан, очигини айтганда, қишлоқнинг ҳамма қонуний ва нуфузли оқсоқоллари бошига чиқиб олди, динда фахрли ўрин кўрсатиш учун уларнинг ўзларига ҳам қисилиб қолишга тўғри келди. Отасини эплаб юмишга қурби етмаган бир бетайинни деб шунча азият чексанг-а? Алам қилмайдими? Жаноби оқсоқоллар бу амуттаҳамни тавбасига таянитиришга ва кейинроқ биратў-та унини ўчиришга тил бирпктиридилар.

Доан озмунча азиат чекмади. Жаноб оқсоқоллар унинг динъ томони келаётганига кўзи тушиши биланоқ жалака қила бошлардилар: «сувда шишиб хум бўлган». Шоши (отасининг шармандали ўлимига ишора), «балиқ-шарникидек мағор босган» исқирип пальтоси (балиқ-шарник машғулотига ишора) маъруза мавзунига айланарди. Улар Доаннинг тишлари, мўйлови, гўё атайин сурлик билан анқайган афт-ангорини ҳам назардан четда қолдирмасдилар. Шунда ҳам Доан пинагини бузмас, эшишиб, шитмасликка соларди, тоҳ-тоҳ назар-писанд қилмай зарханда қилиб ҳам қўярди. Муҳтарам оқсоқолларнинг шашараларига ва уларнинг тер ҳиди анқиб турган ипак-ибосларига Доаннинг сезгир кўзлари ортиқ термилмасди. Йўқ, Доан бундай қилмасди, фақат зимдан нопок-дилемишларга кўз-қулоқ бўлиб турарди. Ҳамма нарса-

нинг ҳам ўз вақти бор. Кунлардан бир кун у жаноб оқ соқоллардан тұрттағанни жамоа ерларини сүнністеймо? қилишда айблаб, уездга тортди. Кейин жамоа маблағи ни совурғани учун яна бир неча олий зотни шундай қылди. Күп ўтмай яна бир нечасини... яна ва яна... Бир йи<sup>1</sup> ичида оқсоқолларни олти маротаба судға чақыртириб ишини сараңжомлади. Шундай бўлиши турган гап эди. Ахир, уларниң қылмишлари сочнинг толасидан ҳам ортиб кетган эди-да. Қишлоқ аҳли гўё кўр бўлиб қолган, у эса ҳаммасидан хабардор эди. Доан жиноят кетидан жиноятни фош этар, нима қилиб бўлса ҳам оқсоқолларниң кирдикорларини очиб ташлаш ишитида эди. Ниҳоят жабоблар тавбаларига таяниллар. Доангага ён бернишга мажбур бўлдилар. Бир-пкк ёғлиқ луқма билан уни қўлга олишга ҳам уриниб кўрдилар, лекин у тузоққа илинмади — бир бор илиндими, бас, улар олдида ҳар қанча ҳақ бўлса ҳам оғиз очолмай қолишини биларди. Шунга қарамай, уларниң илтижоларини ҳам ерда қолдирмади, ҳатто бундан буён можаро чиқармасликка вайда берди. Шундан кейин муҳтарам оқсоқоллар Доан оллида зиртитрайдиган бўлдилар, у эса ҳамон оқсоқоллардан пафратланиб, умуман, бу ишларга аҳамиятсиз қарай бошлиди.

\* \* \*

Утган йили байрам кунлари қурбонликка چўчқа сўйиши, беҳисоб меҳмонлар учун, яъни «ҳазрат» оқсоқоллар учун тантанали базм ҳам уюштирилди. Ахир, авом ҳар қандай хурсандчиликни динъ атрофидаги дўконларда қилиши мумкин-ку!

Қурбонлик маросими бошланганида жаноб Чат Доан уйида ухлаб ётарди. Диний маросимларга унча тоби йўқроқ, бундан ташқари, машҳур пальтосини ечиш ва тантанали маросим зарурати — кеңгли мовий ранг ҳазлатини кийишни ҳам истамасди. «Мени холи қўйинглар, жаноблар!» — деди у маросимга таклиф этганиларга. Оқсоқоллар ҳам очиғини айтганда, зўрлаб ўтирма-дилар, чунки бу ҳазратларга уннинг нима ҳам кераги бор, байрам охиригача уйида ўтира қолсан, оқсоқоллар бундан қайтага хурсанд эдилар!

Лекин у уйида ўтирмади. Тантанали маросим тамом бўлган ҳам эдикки, мағорлаб кетган кул ранг пальтоси чўнтакларига қўлинни тиқсан ва кеккайган қиёфада динъ олдида пайдо бўлди. У узоқдан ҳам бадҳазм кўринарди.

Лекин на чора? Ҳайлаб юборишининг иложи йўқ. Жаноблар уни чор-ючор зўраки табассум билан ичкарига таклиф қилишга мажбур бўлдилар.

— О-о! Жаноби Доан! Марҳамат! Марҳамат! Кирсиллар. Йўлинигизга муштоқмиз. Йўқ демасинлар, илтифотларидан бенасиб қиласинлар!— Бундай мулозаматга жавобан, Доан қўлларини ҳатто чўнтағидан чиқармасдан силкиб қўя қолди.

Ҳаллираган пальтосининг этаклари сал кўтарилиб, эшқақсимон тасмалар кўзга ташланарди.

— Марҳамат қиласинлар, муҳтарам зотлар. Азият чекмасинлар! Марҳамат қиласинлар! Истаганиларича кўигил оченилар. Мен оддий аскарман, саир, ўйни-кулги бўлса бас; бир ерда узоқ ўтира олмайман,— деб муҳтарам оқсоқолларга кўз қисиб қўйди у.

Улардан бирни Доанга ичидагини топгандек жавоб қилди:

— Биламан, биламан... Сиз, ҳурматли жаноб Доан айтишларича, қари бўлса ҳам кўигли ёшлилардансан; бу ердаги қизлар олдида ўзингизни бозорга солиб, улар билан шакаргуфторлик қилмоқчисиз-да.

— Топдингиз. Худди шундай, ҳазратлари!— Лекин жаноб Доан қизлар билан шакаргуфторликка бормади, у ён-бу ён босди, гоҳ у ер, гоҳ бу ерда турди. Ниҳоят у «қурбонлик» чўчқа гўштини тақсимлаётган икки йигит олдига келиб, уларнинг ишига разм солиб турди-да, сўнг улар билан ади-бади айтишиб, бўлакларни ўзича тақсимлай бошлади: бу ердан бир бўлагини олиб у ерга, у ердан қиттагини узиб бу ерга қўша бошлади. Ўнинг бу суқилишини кўрган мўътабар оқсоқоллар бир-бирларига қараб имо-ишора-ла масхара қила бошладилар. Ундан нима ҳам кутиб бўларди. Фақат жаҳолатини холос. Тақсимлаш унинг иши эмас ахир. Суқилиши нимаси?

Мана энди башни яқининда қандайдир баҳс қўзгади. Бир оз вақт ўтар-ўтмас қаердандир бир эски дурбин топиб келишган болалар ўйнигина қўшилиб кетди. Зиёфат баркашлари тортила бошлагач, мўътабар оқсоқоллардан ибни жаноби Доанни қидириб кетди. Мана шундан кешигини жаноб Доан бошмоғини шапиллатиб фала-ғовурдинга кириб келди. Муҳтарам зотлар гўштини тақсим қилганинг ўраб олишган ва улардан чўчқанинг икки сошини қаерга гумдон қилганликларини сўраб-суринштирадилар. Ахир ҳаммага маълумки, ҳар қандай чўчқа-

шинг ҳам тўртга оёги бўлади. Ё шундай эмасми? Тўртга оёқ тўртта казо-казога берилиши керак. Бу — қишлоқнинг қадимий одати. Бу тўрт казо-казонинг ҳеч бирда уларга аталган сонин ғажиш учун тиши бўлмаса ҳам, табиийки, улардан бирортаси ҳам бундай улушдан маҳрум бўлишини истамасди. Бутун бошли қишлоққа бир бўлак!.. Йўқ, бу ақлга сиғмайди!.. Сон тўртта эмас, иккита экан, муҳтарам зотларининг қайси бирига берилсин? «Жаноблар» вайсашдан тўхтамасдилар.

«— Гўшт тақсимлагашлар ҳангуманг бўлиб қолганди. Мана энди улар ҳам бир-бирларини ўғирликда айблаб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашарди... «Ҳазратлари» ҳам қуриб кетсии, булардан қайси бири гуноҳкор! Ҳар иккаласи ҳам аниқайиб олдидағини олдирдими, бас, йиғилганларининг ҳаммасига ароқ қўйсин!.. Жаноб Доаингина оғиз очмади, фақат мўйловини бураб ишшайиб қўйди. У кўп ўлкаларни кезган, бошидан кўп қийинчиликларни ўтказган, бундан «силлиқроқ» ишларни ҳам кўрган. Бир жуфт чўчқа сони, шунга ҳам ота гўри қозихонами!

Ҳазратлар ароқни ичишиб, баркашлар йигиштирилгач, қизлар ашула айта бошладилар. Жаноб Доан тухфа улашувчининг ўрнига ўтириб олиб, ашулачиларга мурожаат қилади:

— Дилдорроғидан, янгироғидан эшитайлик. Еқиб қолгудек бўлса, мукофоти нақд.

Ашулачи қиз жилмайиб қўйди.

— Бош устига, ҳазраглари!

Бу икки ашулачи қиз жаноб Доанини бадавлат кимса деб ўйладилар ва унинг икки ёнинга ўтиб ашула айта бошладилар. Ашула тамом бўлгач созанида созини бир чеккага қўйди, қизлар бўлса қайроқларини.

Жаноб Доан ўрнидан турди-да, қўлинин мағор босган кул ранг пальтоси чўнтағига тиқиб:

— Ваъда қилдимми, унинг устидан чиқаман,— деди,— лекин пулим йўқ, ҳаммасини сарфлаб юборганман. Сизларга пулдан ҳам қимматроқ бир нарса ҳадя қиласман...

Жаноб Доан иккала чўнтағидан биттадан чўчқа сони чиқарди. Биттасини созандага, иккинчисини ашулачи қизга узатди. Кейин оқсоқолларга юзланди:

— Муҳтарам жаноблар! Менга ижозат берсалар...

Доан бошмогини шапиллатганича «авом» олдидан ўтаркан, ҳамма уни қаҳқаҳа садоси билан олқишлиди.

## ШАМПАНСКОЕ



шпаз Ти озодаликка қаттиқ қўллик билан риоя қиласарди. Бу ернинг иқлими ниҳоятда оғир, тропик иқлимга ўрганимаган, бунинг устига-устак, ўзига бепарво бўлган одам терлама, ичбуруқ ёки вабо касалига йўли-қиши турган гап. Бунинг учун ифлос сувдан бир қултум ичишнинг ўзи кифоя, деб ҳисобарди у. Шу сабабдан ҳам ошпаз ичиладиган сувни хотинини-бегона кўздан қизғанадиган эрлар каби эҳтиёт қиласарди. Балки ундан ҳам ортиқ, чунки зўр келса хотининг кўлидан ушлашга йўл қўйинши мумкин, бунинг ҳечкиси йўқ. Аммо тоза ҳовузга қўл тиққан ёки билмас-сан енгини тегизиб олган киши балога қоларди.

Ошпаз ҳовузни хўжайинининг бисотидаги нарсаларнинг энг қимматлиси ҳисобларди. Ҳовузнинг катталиги жудек келар, унга иккита қувур орқали ёмғир суви қўйиниб ётарди. Ҳовузнинг усти яхшилаб бекитилган бўлиб, ртасида зич ёпиладиган чоғроқ ва тўрт бурчак қопқоғи ор эди. Хўжайнилар Ханойга кетишганда ошпазнинг ли Те ҳовуз қопқоғини ёпиб, устига чиқарди-да, Вьетнам театридаги машҳур қаҳрамонларнинг от чопти-нишига тақлид қилиб, бир оёқлаб сакрарди. Ҳовуз бемидан ишланган бўлиб, Тега ўхшаган болаларнинг ректаси устида ўйин тушса ҳам ҳеч нарса қилмасди.

Тенинг онаси йўқ. У вафот этганди. Дадаси жуда кўнчлан бўлиб, ниҳоятда ўғлини севарди. Бошқа баъзи ҳаматкорлар каби хотин олиб, хотин қўймас, яллачилар, ёқ хотинлар билан алақишимасди. Хотини ўлганига уч

йил бўлган бўлса ҳам, уни ушута олмасди. Баъзан юриб юриб бирдан йиғлаб юборарди. Сабабини сўрасалар, бир вақтлар, қайси йилдадир, худди шу куни хўжайин унга қишлоғига бориб хотини билан ўғлини олиб келишга ижозат берганини айтарди. Мана хотини уни ёлғиз қолдириб кетди. У ўлгандан бери ҳар байрамда ошпаз тутатки ёқиб, хотинининг арвоҳига ис чиқараарди, кейин узоқ йиғлаб, оҳ-воҳ қиласарди. Тенинг отасига жуда раҳми келарди.

Раҳми келганидан нима фойда? Бу билан кўнгил олиб бўлмайди. Амалда кўрсатиш керак. Бунинг учун отасини ҳурмат қилиши, гапига қулоқ солиши, ишларида унга ёрдам бериши керак. Ўқитувчи ҳозиргина дарсида шундай деди. Те китобини қўлтиқлаб мактабдан қайтар экан, отасини кўриб ўқитувчининг сўзларини эслади. Отам у ерда нима қиляпти, деб ҳайрон бўлди Те. Отаси ҳовузнинг бетон деворига қорни билан ётиб олиб, ҳовузга энгашганича нима биландир машгул эди. Бошини ювяптими? Бола қимир этмай кузатиб турди. Ниҳоят, ошпаз қаддини ростлади. Яқинида киминингдир турганини сезиб, бошини кўтарди-да, атрофига аланглади. Те кулиб, оҳиста отасини чақирди. Ошпаз қўрқувдан апчагача ўзига келолмади.

— Э, сенмидинг...— деди у ниҳоят, қорайган тишларини кўрсатиб жилмаяркан. Шунда ҳам юраги гупиларди.

Те отасини чўчитиб юборганига хижолат тортиб, гуноҳкорона қараб турарди.

— Манави ташвишни қара-я,— деди ошпаз,— бир бутилка шампанскоени ҳовузга тушириб юбордим.

— Қўлингизни тиқиб қидириб кўринг.

— Қидирдим, топа олмадим.

— Нима қилиш керак?

— Билмадим! Агар ҳозир уни овқат олдидан бермасам кўрадиганимни кўраман.

Те бир оз ўйланиб турди-да, кейин тортининқираб:

— Мен тушиб олиб чиқа қолай?— деди.

Ошпаз мийғида кулди:

— Йўғ-э!

— Нега?..

— Сувни инфлос қиласан-дал

— Йўқ, дадажон, олдин совуқ билан яхшилаб юваниб, оёғимгача тозалаб артаман.

Мияси жойида-да! Ҳеч кимнинг хаёлига келмайди, гап иш бу. Ошпаз маминлик билан ўғлига қараб қўйди. Шундай бўлса ҳам хавфсираб журъатсизлик билан жилмайди. Ҳаётида биринчи марта шундай хатарли ишга йўл қўяётган эди. Лекин Те ўйлаб ўтирамай уйга югурди-да, китобларини қўйиб, ялангоч қайтиб чиқди.

— Юваниб келаман, хўпми?

— Йўқ, ўглим. Агар у билаб қолса-чи?

«У» дегани уй бекаси эди. Те бинонинг юқори қаватига қаради.

— Бека ухлаяптими?

— Ухлаяпти. Бирдан уйғониб қолса-я?

— Қўрқманг! Зинанинг эшигини занжирлаб келсангиз бас, бу ёқقا чиқа олмайди. Агар чақириб қолса, мениховуздан чиқа уйга кириб кетаман, сиз бориб эшикни очаверасиз.

Ошпаз бир оз иккиланиб турди-да, алоҳал рози бўлди. Тенинг режаси амалга ошди. Ота ўғлининг тоза ювинган, ювинмаганини кўздан кечирганидан сўнг ўғлини кўтарди-да, оҳиста ҳовузга туширди. Бола хурсанд, бундан ҳам яхши ўйин бўладими ўзи? У секин кулиб қўйди ва мана шундай усти берк ҳовузларда ўтказиладиган сув остида сузиш мусобақаларини эслади.

— Эҳтиёт бўл, ўғлим, ҳовуз анча чуқур,

— Қўрқманг. Қўйиб юбораверинг! Сузишга жуда устаман!

Те шўниб кетди. Лекин шу топда эшик ғичирлаб, ѿёқ товушни эшитилди...

— Ё худо! Хўжайнин келиб қолди!

Ошпаз ниҳоятда саросимага тушди-қолди. Бефаросатлиги қурсини.

Бекани ўйлабди-ю, хўжайнини унутибди. Энди ишашава, ахир у кўча эшигини занжирлашга улгуролмади-да!

— Тез чиқ! Эшиятсанми?

Энди улгурниб бўларниди? Хўжайнин ҳовлига кириб келди. Ошпаз ҳайкалдек турган ерида қотди-қолди. Унинг безрайиб туришини кўрган хўжайнин нимадандир шубҳаланди-да, бечорадан кўзини узмади. Ошпазнинг ўйл-оёғи қалтираб, нафаси ҳалқумига тиқилди. Бунинг остига ичкаридан беканинг овози эшитилди.

— Ти, Ти!

— Лаббай, хоним!

— La nortel la nortel<sup>1</sup>.

Бека муштуми билан эшикни дукиллата бошлади. У бир нима деб қичқирав, лекин ошпаз беканинг койиётганини фаҳмласа ҳам, сўзини англаб ололмасди. У нима қилишини билмай жуда шошиб қолганди. Хўжайин эса ҳамон жиддий, масхараомуз унга қараб турарди:

— En bien<sup>2</sup>.

Ошпаз гуноҳкорона бўйин эгди. Бирор ножӯя иш қилгани равшан. Бир нимани ўғирлаган бўлса керак. Хўжайин атрофга разм солди. Ўғирлагудек ҳеч нарса кўринмади. У ошпаз ётадиган уйнинг эшигига қаради. Эшик қия очиқ эди. Гап бу ёқда экан, деб жилмайди хўжайин, штоаткор, мўмин-қобил одамнинг хижолат тортганича борга ўхшайди. Шу топда хўжайин ошпазнинг хонасида аёл киши бор, ҳозир у шошқалоқлаб кийиняпти, деб гаров ўйнашга, ҳатто бошини гаровга тикишга ҳам тайёр эди. Нима қипти?! Гуноҳми? Ахир ошпазнинг хотини ўлганига уч йил бўлди-ку! Бироқ, хўжайин ошпазнинг шошиб қолганини кўриб, ҳазиллашгиси келди-да, атайлаб баланд овоз билан хотинига қичқиреди.

— Шошма! Ҳозир бориб очаман!

— Сен келганимидинг?— деди хотини бақириб.

— Ҳа, ҳозир,— деди хўжайин. Тушунарли бўлиши учун ошпазга бузилган француз тилида гапирди:— Moi oublier linettes bireau Lunettes (яна қўли билан ҳавода доиракча ясаб кўрсатди) бъек?<sup>3</sup>

— Ҳа, жаноб?

— Va cherehег<sup>4</sup>.

— Хўп бўлади, жаноб.

Ошпаз «ҳа», «хўп бўлади», деди-ю, лекин жойидан жилмади. Хўжайин тушунмади деб ўйлаб, яна гапини қайтарди, қўли билан кўрсатиб сўради:

— Бъек?

Тушунмайдиган ери бор эканми бунинг? Ошпаз французчани биларди. Хўжайин, идорада кўзойнагим қолибди, шуни олиб кел, демоқчи.

<sup>1</sup> Эшик!  
Эшик! (французча.)

<sup>2</sup> Хўп, яхши.  
(французча.)

<sup>3</sup> Тушундингми?  
(въетнамчанинг бузилган формаси.)

<sup>4</sup> Топиб кел.  
(французча.)

Ошпаз унинг гапига тушунишга яхши тушуиди-я, лекин кетса Тенинг ҳоли нима кечади? У ҳали ҳам ҳовузда.

— Але may<sup>1</sup>! — деди хўжайин сабри тугаб ва ошпазни елкасидан ушлаб, эшикка итарди.

— Хўп, жаноб...

Хўжайин кўриб қолмасин, деб ўйлаган ошпаз ҳовузнинг қопқоғини ёниб, югра кетди. Хўжайин унинг кетидан кулиб қараб қолди. Бориб келгунича хонасига кириб, аёлни судраб чиқаман-да, кўзойнагимни тақиб қаравотда оқ мармар ҳайкалдек чўнқайиб ўтиришга уни мажбур қиласман. Ошпаз қайтиб келганида бир изза бўлсин, хўжайинни алдаш осон эмаслигини билиб қўйсин, деган қарорга келган эди хўжайин.

Бироқ ошпазнинг хонасига кирди-ю, хўжайиннинг хафсаласи пир бўлди. У ерда ҳеч қанақа аёл йўқ эди. Гайри расмий муҳаббатдан асар ҳам кўринмасди. Хўжайин сўкиниб, хотинининг олдига кетди.

Ошпаз анчадан кейин қайтди. У саросимада, чунки кўзойнак топилмади. Айб унда бўлмаса ҳам бари бир хўжайин уришади-да. Жаҳлдор одам бўлса, бутун уйни бошига кўтаради ҳали.

Ошпаз оҳиста юқорига чиқди. Креслода талтайиб ўтирган хўжайин кўзойнак билан газета ўқирди. Ошпаз аввало ҳайрон бўлди, кейин эса қўрқиб кетди: хўжайнинг гапини тушумабди шекилли, кўзойнак эмас «люнет» деганга ўхшайди. Бошқа бирор нарсага юборган бўлса керак-да! Нега шошди! Яхшироқ сўраб олиши керак эди. Энди таъзирини беради. У бир оз тортиниб турди-да, ниҳоят журъат этиб:

— Жаноб! — деди.

Хўжайин бошини кўтарди. Ошпаз автомат каби:

— Лоонг тоонг дъек за на ба люнет,<sup>2</sup> — деди.

Хизматкор «люнетни» кўрмадим деганмиш! Оббо муғамбир ошпаз-е. Хизматкор айтганмиш-а! «Люнет» нималигининг аҳамияти йўқ. Хўжайн идорадаги хизматкорни уришаверсин дейди-да.

«Люнет» деб ҳар ҳолда кўзойнакни айтишлари аниқ. Чунки хўжайин елкасини қисиб жилмайди-да, қаншарига қўндирилган кўзойнакни кўрсатиб:

<sup>1</sup> Тез бор! (французча билан въетнамча аралаш.)

<sup>2</sup> Хизматкор кўзойнакни кўрмадим лейди (француз тилининг бузвилгани).

— Шуми? — деди.

Хайрият! Елкасидаи тоғ қулагандек ошпаз енгилтортди. У зинопоялардан тез-тез тушиб, пастга, ҳовуз томонга югурди. Атрофга аланглаб, қопқоқни очди-да, пастга қаради. Қоп-қоронги зинистон. Сув сиёҳдек қонқора.

— Те! Те! — садо чиқмади. Шунда бирдан даҳшатли хаёл юрагини ўртаб юборди. Нафаси оғзига тиқилди.

— Те, ўғлим, бу ёққа кел! Мен сени тортиб оламан, — деб чақирди ошпаз бўғиқ овозда. Жавоб бўлмади. Фақат йилтироқ қуртлар учарди. Ошпазнинг кўз олди қоронfilaшиб кетди. Боши оғирлашиб, қулоқлари шангиллади. Бутун вужудига титроқ турди, ҳовузга энгашиб зорланиб чақира бошлади: — Ўғлим! Те! Болажоним!

Қўли силлиқ, совуқ, ҳарақатсиз нарсага тегиб кетди. Бақириб юборгиси келди-ю, лекин хўжайнининг оёқ товуши эшитилди. Хўжайнин келяпти; ошпаз бутун иродасини қўлига олиб, қаддини ростлади-да, ҳовуз қопқоғини ёпиб қўйди. Худди шу топда хўжайнин кўринди. Ошпаз гандираклаб кетмаслик учун ўзини тутиб, ошхонага кирди-да, тарелкаларни арта бошлади. Таом бериладиган пайт бўлган эди. Буни эслаб ошпаз яна ваҳимага тушди:

— Шампанское-чи? Энди қаердан оламан?

Кечаси ошпаз хўжайнларнинг ухлашини узоқ кутди, Кейин ҳовлига чиқиб, ҳовуз қопқоғини секин очди-да, боланинг жасадини тортиб олди.

Эрталаб ошпаз йиғлаб, кечаси ўғли ўлганини маълум қилди.

— Вабоданми? — қўрқиб кетди хўжайнин.

— Йўқ, жаноб...

— Нимадан ўлди?

— Жаноб...

Ошпаз гапира олмади. Хўжайнинни ваҳима босди.

— Дарров кўмиб ташла уни! Қабрига оҳак сеп, уйни дезинфекция қил. Тушундингми?


— Тушундим, жаноб...

— Бўпти, жўна!

Хўжайнин афтини буриштириб, моховдан жиркан-гандек ошпазни итариб чиқарди.

Ошпаз ташқарига чиқар экан, анча енгил тортди. Ҳатто омадим бор экан, деб ўйлаб ҳам қўйди. Агар хўжайнин ўша пайтда ҳовлига тушиб, ўғлининг ҳовузда бир неча соатдан бери ётганини билса унда нима бўларди?!

## УҚУБАТЛИ ҲАЁТ



И эри Хо билан гаплашмоқчи бўлиб бир неча бор бошини кўтарди-ю, лекин сира журъат эта олмади: чунки у берилиб китоб ўқирди. Хонинг қуюқ, хиёл қайрилган қошлари қаншари устида туташган, чақнаган кўзлари китобга қадалганди. Кенг пешонасида сезилар-сезилмас майда ажинлар бўлиб, бурни сал чўзиқроқ. Ёноқ суяклари бўртган; жағи чуқур тушган, териси таранг, ҳорғин юзидан шу топда заҳар томар, унга қараб Тининг юраги ғаш тортиб кетди.

Ти ювош, кўнгилчан аёл эди. У сидқи дилдан, эгасига содиқ — вафодор итдек эрини севарди. Унга фақат эргина деб эмас, балки халоскорим деб қаради. Уйнаши уни қўлидаги боласи билан оғир аҳволда ташлаб кетганида, Хо ёрдам қўлини чўзди, дардига малҳам бўлди. Ти бутунлай умидсизликка тушганида, Хо унинг юмшоқ, нозик қўлини ушлаб, далда берди. Ти ўзининг биринчи аллангали муҳаббатини, бор вужудини риёкор ошиғига багишлаганди. Унга худога ишонгандек ишонарди, ҳомиладор бўлганини сезиб қувонганди ҳам. Лекин бу одам унга панд берди, Ти унинг ёрдамига муҳтож бўлган бир пайтда, у қабиҳлик қилди, шафқатсизлик билан уни аллади. Ти тамоман саросимага тушиб қолди. Аввал бунга ишонгиси келмади. Алданганини билгач роса йифлади. Чақалогини бағрига босиб-босиб, бир неча кун тўхтосиз фарёд чекди. Ўйда ҳеч вақо йўқ. Кимдан ҳам муруват кутсин? Унинг кўр, ҳаста онасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Қампирнинг қўлидан нима ҳам келарди? Тининг

кўз ёшларини тўкишдан бошқа чораси қолмаган, шунинг учун қизалоги билан қўшилишиб йиғларди. Шу хўрлик лар, қонли ёш тўкиб оламдан кўз юмиш тақдиримга ёзилган бўлса керак, деган холосага келарди.

Лекин шунда сира кутилмаган воқеа юз берди: Хо Тига уйланиб, уни шармандаликтан қутқарди, оиласини ўз қарамоғига олди. Қайнанаси ўлганида ўзи кўмди. У Тига кўп яхшилик қилди. Ҳар қанча меҳр қўйсам, бор бисотимни бағишласам, ҳатто, умрим бўйи унинг қули бўлсан ҳам халоскоримнинг яхшилигини қайтара олмаган бўламан, деб ўйларди аёл.

Ти итоаткор, садоқатли, жуда ҳам меҳрибон хотин эди. Бундан ортиқ ҳам баҳт бўладими кишида? Лекин Хонинг бу баҳти узоққа чўзилмади.

Ўзининг яхшиликлари учун қайноқ муҳаббатга сазовор бўлди-ю, лекин шу билан бирга бўйнига турмуши тўрваси осилди.

Хо ёзувчи эди, оғир, машаққатли ишидан келадиган озгина даромади ўзига зўрга етарди. Лекин ёлғиз одамга йўқчилик унчалик билинмайди. Ажойиб орзулар билан маст бўлган йигитга оч-яланғочлик писанд эмас! Хо улжан орзу-умидлар-ла яшарди. Турмушнинг баъзи икирчиликларига унча ҳам парво қилмас, фақат, кун сайнинггуллаб бораётган ижодини ўйларди. У куну тун мутолаа ҳилар, ўқиганлари устида фикр юритар, янги-янги ижод йўлларини ахтарарди. Унинг орзулари чексиз эди. Шу дайтларда кўзига адабиётдан бошқа нарса кўринмасди.

Мавжуд замонавий асарлардан афзалроқ бир китоб ёзишни истарди-ю, лекин...

Хо уйланиб қолди. Оилани боқиши керак. Пулнинг нималигини ҳам шунда билди, оиласи муҳтоҷликда яшаган эркакнинг қадри уч пул эканлигини ҳам тушуниди. Энди унинг вақти деярли икир-чикир нарсаларни ёзиш билан банд бўлар, чунки бусиз бари бир кун кечириб бўлмасди. Пул учун наридан-бери ёзилган нарсаларни нашр қилишга тўғри келарди. У одамлар ўқиган заҳоти унугиб юборадиган мақолалар ёзишга мажбур эди. Ҳар сафар мана шундай китоб ёки мақола кўзига кўринса, Хонинг қовоқ-тумшуғи осилниб тушар, тишларини ғижирлатиб, уларни бурдалаб йиртиб ташлар, ўз ўзидан нафратланарди. Қандай шармандалик! Чиндан ҳам у номусини йўқотган пасткаш одамнинг ўзи бўлиб қолди. Ҳар қандай ишда юзакичилик қилиш бу виждон-

ғизлилк, адабиётдаги юзакичилик эса тубанлик билан тенг. Ё, худо! Нималарни ёзяпти! Бу каби маза-матрасиз, юзаки, сийқаси чиққан асарлар ҳеч кимда чуқур таассурот қолдирмас, диди паст одамларгагина мўлжалланарди. Йўқ, у адабиётга зиғирча ҳам янги ва оригинал ҳисса қўша олмади. Демак, у омади юришмаган, кераксиз одам. Адабиётга олди-қочди асарлар тўқинидиган эпчил қаллоблар керак эмас! Ёзувчи одам чуқур фикр юритиши, ҳали ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган манбаларни тўхтовсиз қидирниши, ўзига хос янгилик яратиши лозим.

Шуларни ўйлаб Хо жуда эзилиб кетарди. Ўз-ўзига ишончни йўқотишдан хунук нарса борми дунёда? Ҳаётига мазмун бахш этувчи асар яратиш иштиёқида юрган одамга ана шундай асар яратса олмаганинги ва бор қобилияти бир бурда нон топишга сарф бўлаётганини тан олишдан оғирроқ нарса борми? Ёки оиласидан воз кечсиими? Ахир у хотини билан болаларини тақдир иxtiёрига топшириб кета оладими? Унинг бошига бир неча бор мана шундай фикрлар келди, қандайдир бир файласуфнинг айтганларини эслади: «Кучли бўлиш учун қаттиқ қўл ва шафқатсиз бўлишга ўрганиш керак». Лекин, афсуски, у бундай қилолмасди. Ти муҳаббат ва шафқатга лойиқ аёл эди. Айтайлик, муҳаббатдан воз кечиши мумкин, бу хоҳишга боғлиқ, лекин шафқатсиз бўла олмайди. Балки у ҳаддан зиёд юмшоқ кўнгил, иродаси бўш одамдир, аммо у одам-ку... Ҳайвон эмас, одам-а! У фақат ўзинигина ўйлай олмасди. Бирорга таянган эмас, балки ўзи таянчиқ бўлган одам кучли ҳисобланади, дерди у ўзига ўзи.

«Хотин, бола-чақамни боқа олмасам нима деган одам бўйлдим? Бундай одам нимага интилиши, нимага умид бөғлаши мумкин?» У ўзини ўзи юпатмоқчи бўлиб: «Майли. Бир неча йил сабр қилсан, бир оз пул йиғаман, Ти қам бирор иш бошлаши мумкин...» — деди.

Йўқ! Тида сариқ чақа ҳам бўлмайди. Турмушларининг йўқлигидан эмас-да! Биринчи бола улғаймасданоқ, кіжинчиси дунёга келди. Гўдаклар ҳар доим йиғлашар, етма-кет касал бўлишар, уларга жуда кўп дори сотиб лишга тўғри келарди. Улар хотинининг бутун вақти, бор учини олар, бошқа бирор иш қилишга имкон ҳам йўқди. Хо тирикчиликка учма-уч бўлса-да етказиш учун

жонини жабборга берар, шунинг учун кўнглига гап сиғ-  
масди. Болаларнинг йиғисидан жони ҳалқумига келар-  
ди. У бир дақиқа ҳам тинчимас, ишламай, ўқимай турол-  
масди, доим боши қотиб юрар, ўзини жуда баҳтсиз ҳис-  
қиларди. Охири у арзир-арзимасга тўнғиллайдиган, сер-  
зарда бўлиб қолди, болалари, хотини, борингки, бегоналар  
билан ҳам қўпол муомала қиласди. Уйдаги оғир аҳволга  
кўпинча бардош бера олмасди. Шундай пайтларда Хо  
ирғиб ўрнидан туарар, йиғлаб юбормаслик учун, кўзлари-  
га жиққа ёш тўлган ҳолда кўчага отиларди. Сўнг шаҳар-  
да мақсадсиз тентир, ёқимли шабада таъсиридан ҳовури-  
дан тушиб, эси ўзига келгандан кейин биринчи учраган  
қовоқхонага бурилар, у ерда бир стакан пивоми, лимо-  
надми ичиб, ошналаридан бирортасини учратарди-да, у  
билан адабиёт, янги китоблар ҳақида, яқинлагина газе-  
та мақолалари остида номлари чиқа бошлаган ёш мух-  
бирлар ҳақида суҳбатлашарди. Хо рўёбга чиқишига  
ишонмаса-да, ошнасига ўз планлари ҳақида сўзларди.  
Шундан кейин у кўп йиллардан бери ўйлаб юрган китоби  
тўғрисида хаёлга чўмиб, жим қоларди. Бундай пайтда  
Хо сургунда юрган кишидек ғамгин ва ҳорғин кўриннар,  
мусофирликда қадрдон юртини қўмсаётган одамдек па-  
пирос тутунига қараб ўтиради.

Хо жуда узоқ ўтмишни, қувноқ орзуларини эсларди.  
Ҳурмат ва муҳаббатга лойиқ йигитлик чори қани? Қани  
энди? «Тамом! Тамом бўлдим!» дерди қайта-қайта Хо  
ғамгин бош чайқаб. Ёш, ажойиб ёзувчиларнинг номлари  
ицидан менинг номим аста-секин ўчиб кетади энди, деб  
ўйларди у алам билан.

Хонинг кўнглидаги саросималик ва ғазаб ўрнини  
чексиз ғам эгалларди-да, уйига эзилган ҳолда қайтарди.

Кейинги пайтларда Хо тез-тез ичадиган одат чиқар-  
ди. Шундан кейин у қаердадир, ўйл ёқасидами, тўғри  
келган ерда чўзилиб ётарди-да, уйига қайтгач, кийим-бо-  
шини ечмасдан ҳам ўзини ўринга ташлаб, ухлаб қолар-  
ди. Болалари ухлагач, уларни уйғотиб юбормаслик учун  
ти оёқ учида юриб эрига яқинлашарди-да, ботинкасини,  
шимиини ечарди, бошига ёстиқ қўйиб, қулайроқ ётқизиб  
кўярди. Лекин Хо ҳар сафар ҳам ётиб ухлаб қолавермас-  
ди. Баъзан кўзлари чақнаб, лаблари қисилиб, уйга ван-  
жоҳат билан кириб келарди-да, Тига яқин келиб, ёш бо-  
лаларга дўқ ургандай, бармогини унинг пешонасига  
лиқтаб қиҷқиради:

— Эртага... эшитяпсанми? Эртага ҳаммалгни уйдан ҳайдаб юбораман! Биттангни ҳам, ювош Тхаони ҳам қўймайман. Бу газандаларнинг ҳаммасини ўлдириш керак. Улар овқат ейишу, йиглашдан бошқани билишмайди. Онаси ҳам яхши... Сенинг ҳам миянгга муштлаш керак... Молдай емоқни-ю, курк товуқдек болаларнинг атрофида ўралашибни биласан холос! Бирор иш қилиб, пул тошини хаёлингга ҳам келтирмайсан. Ҳаммаси менинг гарданимга!

Бақириб-бақириб, хотинига ғазаб билан жим тикилиб қоларди. Ти бир сўз айтишга ҳам журъат этолмай, гуноҳкор боладай бошини эгиб, жим тураверарди. Хо бутун аламини хотинидан олиб, ҳовуридан тушарди-да, қўйлак-шимини ечиб, ўзини ўринга ташларди. Кейин ботинкасини ечиб, дуч келган томонга улоқтирарди. Баъзан мастилик билан столдан қўлини тушган нарсани олиб срга улоқтирарди-да, уйда тартиб йўқ, деб хотинини койий бошларди. Охири чарчаб, ухлаб қоларди. Шундан кейингина Ти унинг костюмини аста қозиққа илиб, бетартиб улоқтириб ташланган нарсаларни йиғиштиришга тушарди.

Дастлаб Ти эрининг бу қилиғидан ҳайрон бўлиб қолди, нима бўлганинга яхши тушуниб етолмади, эрим қандайдир миш-мишларга учиб мени рашк қиляпти шекилли, деб ўйлади. Эртасига бўладиган сўроқ-қистовларга қандай жавоб тайёрлашни ўйлаб, кечаси билан йиғлаб чиқди. Лекин эрталаб эри ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутгани учун, тунги воқеани унуга қолди. У хижолат бўлиб қўпроқ ичиб қўйганини тан олди, кечасиги гапирган гапларини ҳазил аралаш суриштирди, кейин узр сўраб, меҳрибон оталардек гўдакларини ўпид қучди. Энди ичмасликка тантанавор сўз берди, ҳақиқатан ҳам анчагача сўзининг устидан чиқиб юрди, лекин кейинчалик яна ича бошлади, биринчи сафардагидек ғалати, шу билан бирга қўрқинчли қилиқлар қилди. Бундай ҳолат тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Ти кўнишиб, аччиқланмай қўйди: эрининг руҳан эзилаётганинга ўзини айбдор деб ҳисобларди. Шунинг учун Ти ўзини жуда баҳтсиз ҳис қиларди. Севган одамингнинг сени деб азоб чекишини қўриб туриш жуда оғир. Лекин унинг қўлидан нима ҳам келарди? Болаларни олиб кетсанми? У кўп бор бундай хаёлларга борди. Бир неча марта болаларни қолдириб, иш қидирмоқчи ҳам бўлди. Хуллас, бечора

аёл ҳар нарсага тайёр эди-ю, лекин ожиз ва тортинчо бўлганидан ботиниб бир қарорга кела олмасди. Кўпчилик аёллар каби у ҳам ўзини бироннинг хотини, болаларининг опаси деб ҳис этар, ўшаларча фикр юритарди. Ти эрини жуда севар, эрининг ҳам уни севишини, унга ўрганиб қолганини биларди. Та касал бўлса, Хо хафа бўлиб, туни билан ухламай хотинига қараб чиқарди. Болаларига ҳам жуда меҳрибон эди, агар бир неча кунга у ёқ-бу ёққа кетса, уларни соғиниб қоларди. Қайтиб келганида болалари севинч билан шовқин солиб пешвоз чиқишар, дадасига ёпишиб, уни ҳар томондан тортқилашар, шунда қувончдан кўзларига ёш қелиб, болаларини тўхтовсиз ўпарди. Хо опласиз ёлғиз ўзи яшай олармиди, деб ўйларди Ти. У қандай хаёлларга бормасин, бари бир эрини ташлаб кета олмасди. Ундан айрилиш тўғрисидаги фикрнинг ўзи ҳам кўзига ёш келтирад, ҳўнграб юборишдан ўзини зўрга тийиб қоларди. Йўқ! Хонинг муҳаббатига лойиқ бўлиш учун Та яна ҳам мулоим ва эътиборли бўлади. Аслида унинг уйи доимо озода ҳамда йиғишириқли бўларди. Пулни ҳам тежабтергаб сарф қиларди, энг муҳими, болаларининг шовқин солишига йўл қўймасди. Та эрига ортиқча сўз айтишдан ҳам қўрқарди. Бугун ҳам эрининг ўқиб ўтирганини кўриб, у жимликни бузишга журъат этолмади, тиззасидаётган боласига энгашганича ўтираверди.

Тўсатдан Хо китобдан бошини кўтариб, хаёлга чўмди. Юзида шодлик аломатлари кўринди; ўқиган сатрлари унга жуда ёқиб тушганди. Ногаҳон кўзи хотинининг кўзи билан тўқнашди, лекин унга қараб турганини дароров фаҳмлай олмади. Хо жилмайди. Та ҳам жилмайди.

— Биласанми, Та,— деди у,— очиини айтганда, мен бундай муҳтоҷликларга муносиб эмасман, лекин нима деб бўларди, чидаш керак. Ахир ўзим айборман. Бунга ҳаддан ташқари адабиётга қизиқишим сабаб. Аммо бирорта бой ўрнимизни алмашайлик деса, ҳар қанча қийналсан ҳам, рози бўлмасдим. Шундай ажойиб муаммоларни тушуниш эвазига ҳар нарсадан, ҳатто энг лаззатли таомдан ҳам воз кечиш мумкин. Бу — катта баҳт! Шундай қобилиятли одамлар дунёга қандай келаркин-а? Буни қара-я! Учта, атиги учта сўз билан қаҳрамонининг ватанини соғингани ифода этилибди. Тушуняпсанми. Учта оддий сўз билан... Аммо нақадар улутвор!

Хо ўзига ёқсан жойни товушини чиқариб ўқиди-да, таржима қилиб, Тига маъносини гушунтиришга уринди. Ти айтарли тушумаса ҳам, эрининг ҳар бир сўзига ишонар, мулойим табассумини яширишга тиришинб, жилдий қулоқ соларди. Хо ҳаммасини ўқиб бўлганида, Ти бир оз кутиб турди-да, ноҳосдан қўшиб қўйди:

— Ҳа, айтгандай, бугун ғарб календари бўйича иккинчими, учинчими?

— Ҳа, ҳа! Бугун учинчи... Агар сўрамасалг, эсимга ҳам келмасди. Ҳеч қаёққа чиқмаяпман-да!

— Шунинг учун ижара ҳақи йигадиган келган эканда,— деди вақтдан фойдаланиб Ти.

Хонинг қувончидан асар ҳам қолмади.

Ижара ҳақи, кир ювиш ҳақи, дори, балиқ сардаги... Ҳаммаси қарзга олинган. Утган ойнинг ўнинчисида пул тутаган эди. Яхшиямки қарзга олиш мумкин.

Хо, ўзи қанча пулни бекорга сарф қилганини эслади. У ҳар сафар диққати ошганда ичарди. Ти бўлса бир ойлаб болалари билан оч-наҳор яшаса-да, эрига чурқ этиб оғиз очмасди. Нонушта қилишмасди, тушда гуруч емай, сувини ичишарди, холос. Хо хижолат тортар, болаларига раҳми келарди, ортиқча чиқимдан қутулиш учун, ойликкача уйдан чиқмасликка қарор қилди. Хо кийина туриб: Ҳеч қаёққа бормайман, пулни ола уйга қайтаман, деган қарорга келди. Лекин шу пайт Ти:

— Шаҳарга борганингда бирор ерда овқатланиб ол,— деб қолди,— уйда ҳеч нима йўқ, болаларга озгина гуруч қолди, холос. Мен энди қарз олмайман, эртага ҳисоблашиб, қолганига ул-бул оларман. Шунинг учун овқатланниб кела қол.

Хонинг диққати ошди. У ресторонга киргани қўрқар, у ерда ошналарни учратиб қолса... Унда оилани ҳам, олам ташвишини ҳам унугиб қўяди... Ичинб, хаёлан қасрлар қуради, кейин ярим кечагача кўчаларда тентирайди. Хо ўйлаб туриб:

— Кўраман,— деди.— Уйга бирор нима олиб келарман. Бирга овқатланармиз.

— Овора бўлмал! Бугун болаларни овқатлантириб, барвақтроқ ухлатмоқчиман.

— Нега? Мени кутиб туринглар. Тезда қайтаман. Болалар бир ойдан бери тузукроқ овқатланишмади, бугун бир тўйинб олишсин. Мояна оламан-ку ахир.

— Доим бир нималарни ўйлаб топасан,— деди хотинин жилмайиб.

Хо унга яқинлашди, энгашиб гўдакнинг қўлидац тутди-да, уни эркалаб ўзига қаратди. Шунда юзи хотининнинг юзига тегай-тегай деб қолди, сўнг уни меҳр билан ўпди, хотини ҳам эрининг елкасидаги чангни қоқмоқчи бўлгандек қўлини қўйди. Кейин улар бир-бирларига мулойим боқишиди. Хо хотининнинг юзини силаб, чиқиб кетди...

Хо редакциядан чиқиб, тўппа-тўғри дўконга борди. У бир неча хаога қовурилган гўшт ва ион олиб, уйига қайтмоқчи бўлди. Кайфи чоғ эди. Болалариининг гўштга ёпишиб, катта-катта тишлаб оғизларига тиқиширишиларини, лаб-лунжлари ёғ бўлиб кетишини ўзича тасаввур қилди. Бу оддий, шу билау бирга кишини ҳаяжонлантирадиган манзара бўлади. Хо болаларига қараб қувонади, Тининг эса, севинч ҳамда ачинишдан кўзлари ёшланади.

Дўконга кираверишда Хо тўхтаб, атрофига аланглади: у гўшт ўралган қофозни чўнтағига солаётганида танишлардан бирортасининг кўриб қолишини сира истамасди.

Лекин яқинида ҳеч ким йўқдек эди. Дўконнинг ичкарисида чиройли бир аёлнинг мол харид қилаётганини кўриб қолди. Кутиб туришга тўғри келди. У қўлини орқасига қўйиб, қўшни уйга кириб чиқмоқчи бўлган ўртоғини кутиб тургандек қараб турди. Кимдир тўсатдан елкасига қоқди. Хо чўчиб, орқага қаради. Чунг деган ўртоғи ҳазиломуз иштайиб турарди, унинг ёнида Мао кулиб Хо-га қўлини узатди.

— Бирорта гўзалга маҳлиё бўлиб қолдингми, нима бало жуда анқайиб турибсан?

— Э, сизмидингиз!— деди саросимага тушиб Хо.

— Жононни кутаётганинг йўқми?

— Жононларга хуши йўқроқ унинг! Шоирлар сира қаришмайди, шунинг учун айши ишратга унчаям ошиқмайдилар,— деди Мао.

— Яхшиямки шоир эмасман.

— Ундаи бўлса, қизларнинг кетидан юрар экансан-да.

— Юрмайман ҳам.

— Бўлмаса йигитлар билан бўл! Юр биз билан!

Хо ошналарига қаради-да:

- Қаёққа?— деб сўради.
- Бошимиз оққан томонга!
- Ундай бўлса узр. Трамвайлар тўхтамасдан уйимга етиб олай.

Чунг Хога ажабланиб, нафратомуз қараб қўйди.

- Вой тентак-ей! Шундай ажойиб оқшомда, кўчада ўйин-кулги авжига чиққан пайтда уйда нима бор!

Лекин Хо айтганида туриб олди:

— Ҳазилингни қўй! Уйда ишим бор.

- Албатта, ундай бўлса... Нима ҳам дердик, бора-вер! Айтгандай, шошма... ҳеч гапдан хабаринг борми?

Хо яна Чунгга юзланди.

— Кюйеннинг «Қайтиш»ини инглиз тилига таржима қилишяпти. Нашр ҳақи деб адилга уч минг донг пул ҳам беришибди!

Хонинг кўзлари олайиб, саросимага тушиб қолди.

Бир оздан сўнггина ҳушини йиғиб:

— Ростданми?— деб сўради.

— Рост! Кюйеннинг ўзи шартномани кўрсатди.

Хо ҳамон ишонмасди.

— Йўғ-э... Мен ахир яхши биламан... Юринглар, бир стакандан пиво ичайлик!. Қаёққа ҳам ошиқамиз.

Хо уйдагиларнинг кутиб ўтиришганини тамом унуди. У Чунг айтган янгиликни батафсил билиб олишга ошиқиб қолди. Хоанг Қием кўли олдидаги пивохонага етгуналарича, Хо йўлма-йўл ошналарига тўхтовсиз савол бериб борди, бир оз ичилгач, унинг кўзлари қизариб, юзлари бўртди, қовоқ-тумшуғи осилиб, пиво бутилкаси билан столни тўқиллатиб уриб гапира бошлади:

— «Қайтиш»ининг фақат битта қизиқ томони бор, биласизми? Унда турли мамлакатларнинг урф-одатлари кўрсатилган, шунинг учун ҳам уни таржима қилишашётган бўлса керак. Лекин очигини айтганда, бу асар юзаки ва ўртacha даражадаги асар, унда жиддий масалалар ҳал қилинмаган. Ҳақиқий бадиий асар тўсик ва чегараларни билмайди, ҳамма уни севиб ўқииди. У шундай кучли ва улуғвор бўлиши керакки, ўқиган одам ҳаяжонлансан ҳамда ундан илҳом олсин. Асар инсон-парварлик руҳи билан сугорилган бўлиши керак, у одамийликни ва адолатни мадҳ этиши керак. Ҳақиқий асар мана шундай бўлади! Мен ҳали ишончимни йўқотганим йўқ. Мана кўрарсиз! Майли, умрим бўйи атиги

битта китоб ёзай, лекин у Нобел мукофотига сазовор бўлади, дунёдаги барча тилларга таржима қилинади.

Чунг бошини сарак-сарак қилиб, товуш чиқармай куларди. Мао хандон ташларди. Фақат Хогина жиддий эди, у тобора қизишиб сўзлар, гапи бир-бирига қовушмасди. Кўчаларда чироқлар ёнганида Чунг билан Мао кетмоқчи бўлиб ўриниларидан туришди, лекин Хо уларни тўхтатди:

— Тўхтанг! Қаёққа шошасиз! Яна вино ичамиз... пулим бўлса бор.

Эрталаб Хо уйғонганида, роса калтак еган одамдек аъзойи бадани қақшар, бошини кўтара олмас, оғзи какра эди. Томоги қақраб, ташналик қийнарди. Хо столда турган чойнакка қўл чўзди. Чойнак лиқ тўла, суви ҳали илиқ эди. Хотиним қўйинб кетган бўлса керак, деб ўйлади Хо ва кўнгли ғаш тортиб кетди. Ти жуда ҳам меҳрибон-да! У кечаси маст бўлиб қайтганини, жанжал чиқариб, Тини урганини, уни кўчага ҳайдаб, эшикни қулфлаб қўйганини зўрға эслади. Хо қўрқиб кетди, ўринидан сакраб туриб, хотинини қидира бошлади. Хайрият, у уйда экан... Қаттиқ маст бўлгани учун эшикни яхшилаб қулфлай олмабди шекилли.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлганди. Эри ухлагунча Ти боласини кўтариб кўчада турибди, сўнг уйга кирибди. Ҳозир у тўр беланчакда, боласини бағрига олиб ётарди. Одатда Ти барвақт уйғонарди, бу кеча безовта бўлиб, анча вақтгача ухлай олмагани учун ҳануз уйқуда эди. Боши ён томонига эгилган. Мадорсиз, нозик қўли оснлиб турибди. Ти ниҳоятда чарчаган, юзидан изтироб чеккани кўриниб турарди. Хо ниҳоятда хижолат тортди. Е, парвардигор! Бу бахтсиз аёлга боқиш қанчалик оғир. У умри бўйи азоб чекди. Ҳатто уйқусида ҳам юзидаги ташвиш аримайди. Хо хотини баъзан унинг кўзига хунук кўриниб кетишини эслади. Бунаقا ҳолат унга узоқ, синчиклаб қараганида содир бўларди. Шу топда унинг Тига жуда ҳам қарагиси келди. У оёқ яланглигича, тўр беланчакка аста яқинлашди-да, беланчак олдига чўнқайиб ўтирди. Нафас ҳам олмай, хотинига тикилиб қаради. Юзида қон қолмабди, лаблари оппоқ, қовоқлари шишиб, кўкаринқираган, кўз ости салқибди. Юзлари чакак-чакаклигидан ёноқ суюклари бўртиб кўринарди. Хо хўрсиниб, ғамгин бош чайқаб қўйди. Қейин Тининг оғрин қўлинини авайлаб ушлади. Рангсиз, юпқа териси

остидан томирлари шундай кўриниб турарди. Билаклари ҳам болаларини каби ингичка эди. Бу нозик, ожиз ва сахий аёлининг қисматига қанча ғам-алам, кулфатлар тушганини Хо шу топда тушуниди, хотинининг кўнглини кўтариш, уни юпатиш, меҳрибонлик қилиш кераклигини фаҳмлади.

Турмушни енгиллатиш учун унга нима ёрдам қилди? Буларни эслар экан, кўнгли эзилиб, кўзидан ёш чиқиб кетиб, пиқиллаб йиғлаб юборди. Ё, парвардигор! Хотинининг жажжи қўлини бағрига маҳкам босганича, унсиз йиғларди у. Бирдан Ти уйғониб, эрига қаради-да, нима гаплигини дарров тушуниди. Унинг ҳам хўрлиги келди, ҳеч нарса демай, эрининг бўйнидан қучоқлаб, унинг бошини кўксига босди. Хо тобора қаттиқроқ йиғларди:

— Мен... Мен... пасткан... ярамас одамман!


— Йўқ! Сен бебаҳт бўлдинг! Бунга мен айбордман.— Ти эрини яна маҳкамроқ қучоқлади. Ҳаяжондан нафаси тиқилди. Энди эрининг бошини елкасига олмоқчи бўлганди, боласи қаттиқ йиғлаб қолди. Ти эрини қуҷоғидан бўшатиб, боласиг энгашди-да, йиғи аралаш уни юпата бошлади:

— Шу ердаман, ёнингдаман ўғлим! Нега қўрқиб кетдинг? Бўлди, бас қил... Онанг сенга гиргиттон.

Хо беланчакни тебратишга халақит бермаслик учун ўзини нари олди... Ти эса алла айтиб, ўғлини тебрата бошлади:

Тутунларни ҳаволатган.  
Ерга ёмғир думалатган,  
Мамлакатни қоқ ажратган,  
Одамларни қон қақшатган  
Қайси номард, ким бўлди?

## КҮЗЛАР



Шлоқлик йигит кўриниб турган чоғроқ  
ғиштин дарвозани кўрсатиб мен томонга  
ўгирилди:

— Мана шу сўқмоқдан бораверасиз. Ўша  
кўриниб турган уй жаноб Хоангнинг ҳовли-  
си бўлади.

— Раҳмат. Яна бир учрашиб қолармиз.—  
Йўл кўрсатгани йигитнинг елкасига қоқиб энди кета бош-  
лаган ҳам эдимки, у мени тўхтатиб қолди:

— Шошманг! Сизни ўзим бошлаб бормасам бўлмай-  
ди. Келаётганингизни уларга олдинроқ билдириб қўйиш  
керак. Бўлмаса жуда катта қопогон итлари бор.

А! Шу заҳотиёқ ҳайратдан оғзим очилиб, Хоангнинг  
Ханойдаги уйига борганларим ёдимга тушди. Ҳар бор-  
ганимда эшик тепасидаги қўнфироқ тугмачасини босар-  
дим-да, итни зинанинг остига олишгунча кўчада кутиб  
турадим. (Ит ҳам Европа итлари зотидан бўлиб, ўзиям  
бузоқдек келарди.) Шундан сўнг жон ҳовучлаб меҳмон-  
хонага ўтиб олардим. Ўша лаънати овчаркадан шундай  
қўрқардимки... Бир куни Хоанг хафа бўлиб итининг  
ўлганини айтганида, кўринишдан унга ачингандек бўл-  
сам ҳам, ичимда росаям қувонгандим.

Ит очарчилик йилларида ўлиб қолди. Бу очарчилик-  
ни авлодлар ҳали икки мингинчи йилларгача гапириб  
юрсалар керак. Лекин ит очликдан ўлгани йўқ. Чунки  
Хоанг фақат ёзувчигина эмас, балки чайқов бозорининг  
корчалонларидан бири ҳам эди. Шунинг учун ҳам биз  
китобларимизни ҳеч қаерда пашр қилдира олмай,

очликдан силламиз қуриб юрган ўша кезларда, унинг бичоги мой устида эди. Ўшанда очликдан шишиб ўлгандарининг жасадлари шундоққина күчаларда чўзилиб ётарди. Хоангнинг ити ҳам ўлимтик заҳарининг таъсиридан ўлган бўлиши керак. Аччиқ қисмат итга ҳам раҳм-шафқат қилмабди!

Буни қараганки, Ханойдан юзлаб чақирим нарига кўчирилган Хоангни кўргани келиб, ногаҳон яна қопотон ити борлигини эшитиб турибман. Жуда қизиқ ҳол-а!

Мен кулиб қўйдим. Кулиб юборганимнинг сабабини билмаса-да, ҳамроҳим ҳам сўйлоқ тишларини кўрсатиб қўшилишиб кулди. Биз дарвоза олдига етиб келдик. Ҳамроҳим кимнидир чақирган эди, шу заҳотиёқ ғишт ётқизилган йўлакчада ёғоч сандалнинг тарақ-туруги эшитилди. Олдимизга қора шапкали, кул ранг свитер кийган бола чиқиб, чақноқ кўзларини менга тикди.

— Ота! До амаким келибди! До амаки!— Хоангнинг ўғли Нги мен билан кўришмасданоқ бақирганича ичкарига қараб чопди.

— Нима? Нима бўлди?— деб жаҳл билан сўради. Хоанг. У ўғли билан бундай оҳангда гаплашишга одатланган бўлса ҳам, бошқаларга қизиқ туюларди.

Бола отасига алланарсаларни тез-тез тушунтирди. Шундан кейин Хоанг хонимнинг жарангдор товуши эшитилди.

— Нги, итни занжирга солиб, панароқ жойга боғлаб қўй!

Ниҳоят, Хоангнинг ўзи кўринди. У ҳамон ўша-ўша семиз, аввалгилик гавдасига номуносиб калта қўлларини сувда сузаётганга ўхшаган ғалати ҳаракатга солиб оҳиста юриб келарди.

Хоанг Ханойда семиз гавдасини бир оз яшириб турувчи европача костюм-шим киярди. Ҳозир эса эгнидаги иккўн шаровари, қорнини сириб турган жун свитери унинг «семизлигини ошкор қилиб қўйганди. Свитери баданига шундай сирилган эдикни, ҳатто бемалол нафас олиш ҳам амри маҳол эди.

Хоанг дарвоза олдига чиққаҷ, бошини хиёл орқага ташлаганча бир оз анграиб турди-да, кейин семиз қўмини менга узатди. Унинг афтидан ҳайратланаётганини ҳам, қувонаётганини ҳам билиб бўлмасди. У мўйлов ҳам қўйган эди.

— Ё алҳазар, ўзингизмисиз! Бизни жуда хурсаф қилдингиз-ку! — деди у ҳаяжонли товуш билан бақриб.— Ҳой, хотин! Бу киши ростданам До-ку! Бун қара-я! Шунча олис йўлдан бизни кўргани келибди!

Даҳлизда гишт ранг газмолдан кўйлак кийган Хоан хоним пайдо бўлди. У кўйлагини энди кийган бўлсекерак, йўл-йўлакай у ёқ-бу ёғини тўғрилаб келарди.

— Очигини айтганда, биз сизни доим кутардик. Лекин бу сафар эрим, ўғлим яхши танимай довдираяпти, деб ҳеч ишонмади. Ахир сиз бу ердан ўп беш, йигирма чақирим нарида турасиз-да...

Биз қўл олиб кўришганимиздан кейин Хоанг менинга орқамдан итариб хонага бошлади. Хотини бўлса столни йиғишириб, стулларни тартибга келтириш учун илдамроқ чопиб кетди. Қанчалик одамохун кишилар-а... Умумжамият қўзғолони<sup>1</sup> вақтида бу одам ҳақида ёмон хаёлларга борганимдан ўзим уялиб кетдим.

Умумжамият қўзғолонидан кейин Хоанг менга бўлган муносабатини бирдан ўзгартириб юборди. Мамлакатимизда бўлиб ўтган бу буюк ўзгариш унга қанчалик таъсири қилганини билиш мақсадида уйига кўп марта келдим, лекин уни учрата олмадим. Ҳар келганимда хизматкор бола менга синчиклаб тикиларди-да, сўнг кимлигимни суриншириб бўлгач, уйга кириб кетарди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб чиқиб, Хоангнинг уйда йўқлигини айтарди. Бир неча марта келиб-кетганимдан кейин, бекорга шундай қилмаётган бўлса керак, деб шубҳалана бошладим. Охирги марта келиб, қўнғироқ тугмасини босай деб турганимда ҳовлидан эр-хотиннинг овозини эшилдим. Бу гал ҳам хизматкор бола «Улар ўтган куниёқ далага чиқиб кетишган» деган жавобни қилди. Шундан маълум бўлдикни, Хоанг мен билан учрашини хоҳламаётган экан. Нега? Бунинг сабабини билолмадиму, лекин унникуга бормай қўйдим. Баъзан кўчада учрашиб қолгудек бўлсак ҳам, ноҳушгина кўришардик-да, кўнгил учун у ёқ-бу ёқдан озигина сўзлашган бўлиб, ўз йўлимизга кетардик. Мен учун бу ажабланарли ҳол эмасди. Чунки унинг ғалати одатлари борлигини кўп марта эшилганиман. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, яқин оғайниларидан ҳам айнаб кета берарди. Балки

<sup>1</sup> Умумжамият қўзғолони — 1945 йил Вьетнам Демократик Республикасининг вужудга келтирган август қўзғолони.

бунинг сабаби бордиру, лекин уни Хоангнинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди. Агар унинг асарларини тақиқид қилган киши сизнинг асарнингизни мақтаса ёки сиз Хапойга кўчиб келиб, ёзувчилар билан дўстлашиб, марказий газеталарга аввалгидек почта орқали мақолалар юбориш ташвишидан қутулган бўлсангиз, сиз билан ҳам юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин. Афтидаи, Хапойдаги адабий тўгараклар Хоангнинг асарлари ҳақида қандай фикрда эканликлари ўзинга ҳам аёи эди.

Шундай бўлса ҳам нима учун кўплар уни ёмон кўришларини дарҳол тушиуна олмадим. Гоминдан қўшиллари келиб японларни қуролсизлантираётганида енгилтак қизлар меҳмонлар дидига мослаб европача кийимларини хитойча кийим-бошига алмаштиргап эдилар. Лекин менинг оғайним учун гоминданчилар ҳам, японлар ҳам барибир эди. У ҳамёни тўлаларнинг кўнглини оларди-ю, ҳамёни бўшларни газета орқали бадном қиласди. Хоанг ҳеч айблари бўлмаса-да, миллий озодлик ҳаракатининг газеталари мақтаган эски дўстларни пролетар ёзувчилари деб атаб, энди бизнинг давримиз келди, хоҳлаганимизни қилаверамиз, дейдиганчувриндилар, деб қораларди.

Уша кезларда газеталарни ўқиб, ачинганларим ҳамон ёдимда.

Вьетнамда баъзи жуда тубаплашиб кетган ёзувчилар борлиги менинг учун ачинарли ҳол эди. Лекин Хоангнинг бўхтонларига келгандай, уларга ҳеч эътибор бермасдим, чунки Хоанг ўтакетган мутаассиб, ҳар қандай янгиликка тиш-тириноғи билан қарши турувчи одам эди. Шунинг учун менинг орамиздаги дўстлик йўқолди, деб ҳисоблардим. Лекин нега у менинг келишимдан шунчалик қувондийкин? Халқимизнинг қаҳрамонона кураши унинг ҳам дунёқарашини ўзгартирганмикан? Унинг ҳар бир сўзини ҳаяжон билан тинглардим.

— Сизни эсламаган кунимиз бўлмади. Бир куни газетани кўздан кечираётib мақолангизни кўрдиму, сизни бу ёққа ташвиқот қилиш учун юборишган бўлишса керак, деб ўйлаб қолдим. Кейин шу қишлоқдаги сизга ўхшаган ташвиқотчи одам билан тасодифан учрашиб қолиб, қўлингизга тегишига қатъий ишонмасам ҳам, хат бериб юбордим. Бундан ташқари, ишнингиз бошингиздан ошиб ётган бир пайтда бу томонларга кела оларнидингиз дедим ўзимча. Буни қарангки, барибир

шина топишдик! Чарчаганга ўхшайсиз. Наҳотки яёв келган бўлсангиз? Ахир бизнинг қишлоқни топиш унчалий осон гапмас. Мен бу ерга то ўргангунимча неча марта адашиб қолай дедим. Баъзан далага чиққанимда, қәйси сўймоқ билан қайтиб келишини билмай қолардим. Сўймоқ лар жуда кўп. Тағин ҳаммаси бир-бирига ўхшайди.

\* \* \*

Хоанглар оиласи кўчиб келган ҳовли сараижом-сариншта ва каттагина бўлиб, леворлари бўялган учта хона, кенг даҳлиз ва тош ётқизилган ҳовлидан иборат эди. Ўйнинг олдида салқин боғ ва чоғроқ томорқа ҳам бор эди. Булар ҳаммаси кишининг баҳри дилини очарди. Бунинг устига, Хоангнинг айтишича, энг кўнгиллиси оиласи билан ҳамма ўйни ўзлариники қилиб олишган эди. Ўйнинг эгаси, ханойлик савдогар, авваллари Хоангдан ижара ҳақи оларкан, отасининг ёнидан бошқа жой олиб кўчиб кетгач, ўйни бутунлай унга ташлаб кетибди.

— Бу ўйнинг топилиши ҳам бизнинг баҳтимиз, бўлмаса, ҳолимиз нима кечарди... Сиз, бу ерга кўчирилганларининг қай аҳволда яшаётганларини билмайсиз. Сизга бир воқеани сўзлаб берай. Акаси укасиникига оиласи билан кўчиб келган экан. Келиш ойисининг ой-куни етиб, дард туваётганида қайниси ўйдан ҳайдаб чиқарибди. Бечора келин ойиси бориб томорқанинг этагидаги чайлана туғишига мажбур бўлибди<sup>1</sup>.

Хоангга бу ердаги деҳқонларининг урф-одатлари бошқача эканлигини тушунтирудим.

— Шундай ҳам бўла қолсин.—Хоангнинг овози қалтирарди.—Майли, шундай бўлсин. Лекин ҳамма вақт ҳам ярамас урф-одатга ёпишиб олишга ҳожат борми? Бунда фақат урф-одатниям айблаб бўлмайди. Одамлар бераҳм бўлиб кетишган. Акасининг аҳволи оғирлигини укаси кўриб турнбди-ку, шундай бўлса ҳам бармоғини бигиз қилиб: «Пулни пўчоқча санамай юрган кезларингда, қора кунимга ярар деб жамғармаган экансан-да! Шаҳарнинг ҳавоий ҳаётида яшаб, товуз гўшти-ю, ит гўштини ейишдан бўлак нарса хаёлга кел-

<sup>1</sup> Вьетнамликларнинг одатича, мазкур ўйда турмайдиган аёл шу ўйда туғаслиги керак. Чунки у ўша ўйга баҳтсизлик келтиратмийи.

мабди-да. Мана энди ўша тўқликинг... Ер сотиб олганнингда-ку... Йўқ, буларга шаҳарнинг тараалабедод ҳаёти бўлса бас! Ана энди хоҳлаганингча яшайвер», деб ўдагайлади. Бу ахир ўтакетган инсофсизлик-ку. Нега энди бу ёғида бор бўлгандан кейин кўнгилдагидек яшамас экан? Кечаю кундуз эшакдек ишлаб, ер сотиб олиш учун бир тийинни ҳам туғиб қўядиган одамлар кўп деб ўйлайсизми?

— Гўё бирор айб қилгандек, бизни ёмонлаши яхши кўрадилар,—эрининг гапини илиб кетди Хоанг хоним,—ахир юз кишидан тўқсон тўққизтаси тэй<sup>1</sup>ларнинг уруш очишига ҳеч қачон юраги дов бермас, деб ғафлатда қолди-да. Бизни кўчиришлари ҳақида буйруқ чиқунга қадар мен ўзим ҳам, бу ҳаммаси оғзаки миш-мишлар деб юрувдим. Қарабензки, уруш! Зўрга бошимизни олиб қочдик, мол-дунё ҳақида ўйлашга ҳам фурсат бўлмади. Яхшиямки, бир оз пул олиб, баъзи бир нарсаларни шаҳар ташқарисидаги боғимизга яшаришга ултурган эканмиз. Агар тежаб-тергаб ишлатсанк бир йилга этиши мумкин, кейин биз ҳам бошқалар қатори қашшоқлашиб қоламиз. Ростини айтганда, ҳозирги кунда товуқ гўшти ейишга ҳам қурбимиз етади-ю, қўни-қўшилар билиб қолишса гап-сўз қилишади-да. Одамларда инсоф қолмаган!

Хоанг кулиб қўйди.

— Сиртдан қараганда буларнинг ҳаммаси иш билан бандга ўхшайди. Қандай қилиб бирорнинг ишига тумшук тиқишига вақт топишаркин, ҳайронман! Бугун товуқ сўйсанг, эртасиnga бутун қишлоқ билиб турибди. Мана, мисол учун ҳозирни олайлик... Сизни менинг уйимга келаётганингизни кўриб, берк жойга пусиб олиб кузатадилар-да, эртага бу ерга келганингизни жар солишади. Исмингиз нима эканлиги ҳам, ёшингиз ҳам, қаддикоматингиз ҳам, юзингизда қанча холингиз борлиги ҳам, шимингизнинг чап почасида қанча тешик борлиги ҳам — ҳаммаси қишлоқда аён деявернинг...

Мен жилмайиб, унга ҳарбий ҳолатда қишлоқда пайдобўлган ҳар бир нотаниш одамни синчниклаб текширилиши одат эканлигини айтдим. Улардан шубҳаланинг ўрни йўқ, чунки улар қишлоқ комитетининг аъзо-

<sup>1</sup> Тэй — французлар (вьетнамча).

си ёки ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядининг жарчиси б  
лишади.

— Мана шу «жаноблардан» бизга кун йўқ-да! Бил  
майман, бу аҳмоқликми ёки кишининг жигига тегиши  
Ҳомиладор аёлни кўришса ҳам кўйлагининг остиг  
граната беркитган деб гумонсрай беришади. Ҳар би  
қофозини ҳижжалаб, чорак соатда аранг ўқишади-ку, яна  
хужжат текширишади. Баъзан сўроқ ҳам қилишади  
Кимсан? Қаёққа кетяпсан? Нега кетяпсан? Уйдан чиқ  
санг ҳам сўрашади, қайтсанг ҳам сўрашади. Мабодо  
шапкангни унутиб қўйиб изингга қайтсанг ҳам яна  
хужжатинги текширишади. Бир қараганда худди май-  
набозликка ўхшайди.

Хоанг тиржайиб, бошдан-оёғимгача синчковлик билан  
қараб чиққач, мендан сўради:

— Мана сиз қишлоқда кўп яшагансиз. Айтинг-чи,  
уларнинг бундай хулқ-атворларини билармидингиз?  
Нега улар шундай майда гап, қитмир эканлар-а? Ҳа-  
нойда яшаганимда, мен деҳқонлар ҳаётини фақат  
сизнинг ҳикояларингиздан билардим. Лекин уларга  
қўшни бўлиб яшаш дўзах азобидан ҳам баттар  
экан!

У қалампир чайнагандек, афтини буруштириб, лаб-  
ларини қийшайтирди. Унинг турқи тароватидан қаттиқ  
нафратланаётгани билиниб турарди.

Эр-хотин бири олиб бири қўйиб деҳқонларни ерга  
қориширишга тушдилар. Нодонлар ҳам улар, қўпол  
муомалалилар ҳам улар, ҳасислар ҳам улар, қисқа-  
сини айтганда, деҳқонлар ўтакетган муттаҳам бўлиб  
қолишли, деҳқонлар ҳатто қавм-қариндошларини қан-  
дай ҳурмат қилишни ҳам билмайди. Айниқса, хотинлар  
билан ёшларни айтмайсизми! Ҳатто қўл қўйишнинг  
уддасидан чиқолмайдилару сиёsatdon бўлиб қолганлик-  
ларига ҳайрон қоласан киши. Бу гапларга ўласанми,  
куясанми. Шундай ҳар хил: «қарор», «талабнома»,  
«танқид», «оогоҳлантириш», «колониализм», «фашизм»,  
«реакция», «социализм», «демократия», яна ундей-бун-  
дай эмас, билиб қўйинг. «янги демократия» каби «ақл-  
ли» сўзларни ёғлиришадики... Бир кишига ёпишишди-  
ми, тамом, осонликча қўйиб юборишмайди. Соатлаб  
ташвиқот қилишади. Эҳтимол улар бизга ўхшаган ша-  
ҳарда яшаган кишиларни ўтакетган қолоқ, ҳеч нарсанни  
билмайди деб ўйласалар керак, имкон бўлди дегунча

насиҳатгўйликка ўтадилар. Қиладиган насиҳатлариниң бир эшитганинги зда эди!..

Хоанг менга синовчан назар ташлади.

— Мен ҳозир сизга содир бўлиши хаёлингизга ҳам келмаган бир воқеани сўзлаб бераман! Агар алдасам, шу ердаёқ тил тортмай ўлай. Бир куни Ҳюйен бозорини айлашиб келишга аҳд қилдим. Бозорга бориш йўлни ўзим ҳам билардим-ку, айрилишга етиб борганимда, бирорта ўткеничидан аниқлаб олмоқчи бўлиб тўхтадим. Анча вақт туриб қолдим. Ахийри бир қучоқ бамбуқ орқалаган баланд бўйли йигит кўринди. У билан саломалик қилдим-да, ҳурматини жойига келтириб: «Ҳюйен бозорига қайси ўйл билан борилишини айтиб беролмайсизми?» деб сўрадим. Йигит бир оғиз сўз демайнетмай менга бақрайиб қараб қолди. Мен унинг мақсадини англаб, ҳужжатимни узатдим-да, илтимосимни тақрорладим.

Шундан кейин у менга йўлни тушунтира бошлади: «Жаноб, мана бу сўқмоқдан катта банъянигача етиб борасиз-да, олдин чапга, кейин ўнгга буриласиз. Дала-ни кесиб ўтгач, Иго қишлоғи келади, ундан ўтиб, яна ўнгга бурилсангиз, худди бозорнинг ўзидан чиқасиз».

Гапини оқизмай-томизмай айтиб бера олганимга ка-фил бўла олмайман-ку, лекин йўлни тушунтириши мана шу тарзда борганди чоги. Шуниси ёдимдаки, у ҳадеб «чапга», «ўнгга» деяверганидан, гангиг кеггандим. Кейин у менга бошқа йўловчини кутиб туришимни масла-ҳат берди. Мен ҳам шундай бўлишини афзалроқ билиб, дарров кўна қолдим. Йигит жилмайиб: «Бўлмаса, мен кета қолай. Сизни кузатиб қўя олмаганим учун узр. Жуда шошаётувдим... Бу бамбуқларни Тхионгга тезроқ олиб бориш керак. У ерда диверсияга тайёргарлик кўриляпти, душманнинг механизациялашган қўшинини тўхтатиб қолиш зарур. Бизнинг Қаршилик кўрсатиш урушимиз уч даврга бўлинади: актив мудофаа, кучларнинг тенг келиши, барча фронт бўйлаб қарши ҳужумга ўтиш. Актив мудофаа жангидан мақсад шуки...» У бар-ча билганларини дарсни ёд олган мактаб боласидек айтиб берди.

Хоанг хоним шарақлаб кулиб юборди. Мен ҳам унга ўхшаб кулмоқчи бўлгани эдим, лекин улдалай олмадим. Хоанг буни сезиб қолди:

— Агар алдаётган бўлсам ўлай! — деди у куйиниб.

ва яна бояги ичган қасамини тақорлади.— Лекин б—  
ласизми, ўша топда бу гапларни эшишиб лол бўлиб қо—  
дим, ҳатто бу гапларни шунчали кулгили экани хаёлим—  
га ҳам келмабди. Кулгили эканини билганимда ўш—  
ердаёқ кулиб юборган бўлардим. Яхшиси бундайла  
билан алоқа қилмаган маъқул экан. Шундан кейин хо—  
тинимга эшикни занжирлаб қўйишини тайинладим-да  
эртадан-кечгача уйдан чиқмасликни одат қилиб олдик

Мен зўрма-зўраки жилмайдим. Бир кўнглим Хоанг  
билан баҳслашмоқчи бўлдиму, бефойдалигини англаб,  
жим ўтира бердим. Ахир у мен сингари она сути оғзи—  
дан кетмаган болаларнинг гапини диққат билан эшишиб  
ўтиармиди. Ҳатто у бутун қишлоқни айланиб, у ердаги  
ҳаётни ўз кўзлари билан кўриб келганида ҳам, барибир  
унинг одамларга бўлган муносабати ўзгармаган бўлар—  
ди. Чунки у умр бўйи одамларга бир хил қарааш билан  
боқарди. Хоанг қишлоқ йигитини «уч этап» таълимоти—  
ни ёд олгани учун масхара қилиб кулди-ку, лекин йигит—  
нинг бамбуқ богини Тхионгга, душман армиясини тўх—  
татиб қолиш учун орқалаб кетаётганига аҳамият ҳам  
бермади. Ўз билганлари билан фахрланувчи ёш қишлоқ  
йигити Хоангга ўта аҳмоқ бўлиб кўринибди. Ахир йигиг—  
даги ўзларишларнинг ўзи янгиликка томон интилиш-ку.  
Афтидан Хоангга ўҳшаганларнинг ҳаёт билан чуқурроқ  
танишуви уларни умидсизлантирас ва аянчли тушкун—  
ликка соларди. Бундан ташқари, мен Хоангнинг назари—  
да эндиғина адабиётга қадам қўяётган ёш бола эканли—  
гимни ҳам билардим. Шундай бўлгандан кейин у билан  
баҳслашиб ўтиармидим? Мен фақат, оҳистагина шун—  
дай дедим:

— Ҳаётда чалкашликлар кўп экан. Мана масалан,  
биз деҳқонларни яхши билмаймиз. Мен ўзим кўпинча  
деҳқонлар билан тўқнашиб қоламан. Шунда уларнинг  
нодонлигини, қуллардек камситилганини кўриб хафа  
бўлиб кетаман. Шунинг учун «халқ кучи» тўғрисида гап  
боргудек бўлса, унга ишонмай, мамлакатимизда деҳ—  
қонларнинг сони кўп бўлса ҳам, инқилоб қилиша олмай—  
ди деб ҳисоблардим. Ўзимча, Ле Лой<sup>1</sup> ва Куанг Чунг<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ле Лой — Ле династиясининг асосчиси, 1433 йилда ўлган.  
Мамлакатдан Хитой феодалларнинг қўшинларини ҳайдаб чиқар—  
ган қўзғолончиларнинг раҳбари.

<sup>2</sup> Куанг Чунг — Тайшон намойиншининг (1771—1801) раҳ—  
барларидан бири.

давлари аллақачоң ўтиб кетган, тарих энди орқа-  
га қайтмайды, деб ўйлардим. Лекин мана Умумжамият  
қўзғолони бошланди. Мен деҳқонлар билан ёнма-ён  
туриб, уезд шаҳарларидан бирини штурм қилиб олиш-  
ларида қатнашдим. Улар билан Нам-бо<sup>1</sup> ва Чунг-бо<sup>2</sup>  
фронтларида жаңг қилдим. Кўзлари шилпиқ, тишларига  
тишов солиш одатини тарк этмаган кишиларни, «грана-  
та» сўзини тўғрироқ айта олмайдиган, сафда айтилади-  
ган қўшиқларни, қуръон сураларини тиловат қиласётган-  
дек маъюсона куйлашган шу деҳқонларни қандай  
жаңг қилганларини бир кўрганингизда эди. Урушга  
фидокорлик, довюраклик билан кириб боришганини-чи!  
Мен ўшанда ҳайратда қолганиман. Улар уйидагиларини  
жуда-жуда соғинишарди, лекин ҳеч кимга ҳеч қачон бу  
ҳақда гапиришмасди. Бор-йўги бир неча ойгина аввал  
худди шу кишилар нафрат ва ҳақоратларга бош эгиб-  
итоат қилгандилар.

Хоангнинг лаблари асабий пирпираб кетди.

— Сиз уларни ўтакетган нодон деганинга қарши-  
эмасдирсиз, албаттال Мен мудофаа отрядининг жангчи-  
ларини кўрганман. Баъзилари ҳатто болалардек қизиқ-  
синиб гранатанинг у ёқ-бу ёғини ковлашар, оқибагда ё  
шеригини, ё ўзини ҳалок қилишарди. Янги системада-  
ги милтиқни-ку, ҳанузгача қандай отилишини билиш-  
майди. Уларнинг беҳуда жонбозлик қилишидан нима  
фойда, айтинг-чи? Қелинг, бу ҳақда гапни бас қилайлик!  
Ахир авваллари бизда милтиқнинг ўзи бўлмагандан  
кейин, отишни қаёқдан ҳам билсиллар. Лекин буни ўр-  
ганиб олгунларича озмунча фурсат керак бўлмайди!  
Улар-ку француزلар билан жаңг қилишаётган экан-а,  
лекин ўзингиз айтинг-чи, бошқаларнинг баҳтига завол  
бўлиб нима учун раҳбарларни бир комитетдан иккин-  
чисига ўтказиша беришади? Мана масалан, Ханойдаги  
бизнинг район комитети раисини олиб кўрайлик. Бу  
йигит урушгача ошхонага бошчилик қилиб, ўзи ҳам  
иҷак-чавоқлардан яхшигина шўрва қайнатиб юради.  
Уни жойидан олдилар-да, район комитетига раис қилиб  
қўйдилар. Нима учун? Ахир у бу лавозимда сира ишлаб  
кўрмаган-ку! Бу ердаги раисни айтмайсизми? Бир куни

<sup>1</sup> Нам-бо — революциядан кейин, Вьетнамнинг жанубий қисми.  
Нам Ки шундай деб атала бошланди.

<sup>2</sup> Чунг-бо — Вьетнамнинг марказий қисми. Чун Ки револю-  
циядан кейин шундай атала бошланди.

у хотинимнинг ҳужжатларини текшира бошлади. Қараса, унинг фамилияси бу ердаги аёллар фамилиясига ўхшамас эмиш. Шундан кейин бу ҳужжатлар биронта эркадаи олинган бўлса керак, деб гумонсирабди.

Хоангнинг хотини шундай кулдикি, бечорани йутал тутиб кўзларидан ёш чиқиб кетди. Уни рўмолчаси билан артди-да, лабларини чўччайтириб, менга қаради:

— Агар бу ерда яаш сизга ҳам насиб бўлганида борми, сиз ҳам роса кулган бўлардингиз. Бир ўйлаб қаранг-а, ўша раис эримдан халқ мактабида дарс беришликни ёки бўлмаса «ташвиқот» ишлари билан шуғулланишини талаб қилса бўладими.

— Очиғини айтсан, мен бу ерда ҳеч нарса билан машғул эмасман,— деди Хоанг,— ҳатто верикиб қоляпман ҳам. Қани ўзингиш айтинг-чи, ахир шундай одамлар билан бирга ишлаб бўладими? Йўқ, ундаи кўра мени реакционер деганларида маъқулроқ бўларди.

— Шунча бўш вақтингиз бор экан, бирор нарса ёсангиз бўлмасмиди?— деб сўрадим ундан, гапни бошқа ёққа буриш мақсадида.

— Афсуски, ҳеч нарса... Ахир бу ерда ижод қилиш учун шарт-шаронт йўқ, ҳатто дурустроқ ёзув столи ҳам. Лекин қандай бўлганда ҳам, бизнинг вазифамиз ҳозирги даврни ўз асарларимизда акс эттиришдир. Агар бир оз тер тўкилса, Бу Чонг Фунгнинг<sup>1</sup> «Бахтлилар тақдирри»дан таъсирчанроқ бирор нарса ёзиш мумкин. О, агар у ҳаёт бўлганидами, буни ўзи болаган бўларди.

Соат тўртда тамом бўлган тушликдан сўнг Хоанг кўчирилиб келинган таниш-билишларининг уйига боришини таклиф этди. Кейин билсан, бири истеъфога чиққан чиновник, бири кичик вилоятнинг собиқ губернатори, бири ўқувчи қизларнинг номусига теккани учун ҳайдалган ўқув юртлари нозири, бири ўғри ва порахўрликда айланган собиқ давлат хизматчиси каби кишилар экан. Хоангга улар жамияти унча ёқинқирамасди. Улар адабиётдан ҳам, санъатдан ҳам ҳеч нарсани билишмас, туни бўйи қартабозлик қилишгани қилишган эди. Гаплашиш ҳам зерикарли эди улар билан. Лекин улардан бўлак ким билан ҳам учрашиш мумкин бу ерларда! Хоанг булар ҳақида менга шивирлаб гапириб бераркан, баъзи-баъзида қулогимга энгашиб ўз таниш-

<sup>1</sup> Бу Чонг Фунг — Вьетнам ёзувчisi (1912—1939).

ларининг ахлоқу одатидан хабардор қиларди. Биз ошхонада ўралишиб қолган Хоангнинг хотини стиб олсин учун оҳиста одимлаб борардик.

У ошхонанинг иссигидан юзлари қизарған ҳолда бизга етиб олди-да, шоша-пиша уй ишларидан сўзлай кетди:

— Димланган батат<sup>1</sup>ларга ҳам қараб қўйишга тўғри келди. Кечқурингача пишиши керак-да. Бу ерда фақат мева-чевалар билан куп кўришга тўғри келянти. Эртага ҳурматли меҳмонимиз учун шакарқамиш сотиб олиб яхшигина қайла тайёрлаб бераман.

Печакгул билан қопланган катта ғиштни дарвозага етиб келганимизда Хоанг қўнғироқ тизимчасини тортди. Уйдан бир бола югуриб чиқди-да, сертакаллуфлик билан саломлашди:

— Жанобларига саломлар!  
— Сизга ҳам жаноблари! Жаноб Фам уйдамилар?  
— Кечирасиз... У жаноб нозирнинг уйига меҳмондорчиликка кетган эдилар.  
— Менга, нозир эрталабдан беришу ерда дейишди-ку.  
— Кечирасиз, у киши бугун бизнинг уйга келганлари йўқ.

Эгри-бугри сўқмоқдан юриб бошқасиникига келдик. Бу ҳам печакгул билан қопланган ғиштни дарвозали уй өди. Эшик олдида энага бир болани кўтариб ўтиради.

— Жанобларга саломлар! Хонимларига ҳам саломлар!  
— Ташаккур айтамиз.  
— Жаноб нозир уйдамилар?  
— Кечирасиз... У киши губернаторнинг уйига меҳмонга кетган эдилар.

— Губернаторнинг уйидагилар уни бу ерга келган дейишди-ку!

— Йўқ, йўқ, кечирасиз, жаноблари.  
У ердан бир оз узоқлашганимиздан кейин Хоанг хотинига секингина:

— Булар яна картабозликка муккасидан тушишган кўринади. Хоним Иен Ки ҳам, ўғли ҳам, албатта, уйда йўқ. Ахир ўғли ўтакетган қартабоз-ку. Шу ерга ёки жаноб Фамнинг уйига тўпланиб олиб хизматкорларига ҳеч кимни киритмасликини тайинлаб қўйишган бўлса ажаб әмас,— деб шивирлади.

Хотини индамади. Хоанг бўлса елкамга қоқиб:

<sup>1</sup> Батат — ширин картошка.

— Кўнгилсиз воқеалар, тўғри эмасми? Оқ-қоралтанинг зиёлилар шундаи қилгандан кейин, оддий ха.т тўғрисида нима ҳам деб бўларди.

Бу гап менга қаттиқ ботиб, Хоангга раҳмим келди. Нега энди у олий жамиятимиз учун ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган бу ифлослар билан дўст тутинаркин? Нима учун армияга бориб, ёзувчиларнишаг агитбригадасиг ёзилмаганинкин? У сурда солдат формасини кийган студентларни, хизматчиларни кўради, клиника ва госпиталларда ишлаётган шифокорлар билан бирга бўларди. Халқ орасида яшаб, энг қизғин дамларни бошидан кечираётган, халқдан равиқали ижодлари учун кўп нарсалар ўрганаётган ҳамкаслари: ёзувчилар, рассомлар билан бирга бўларди-ку.

— Гапларингизни эшишиб одам хафа бўлиб кетади,— деб жавоб бердим нохушлик билан,— агар аҳвол шударажада ёмон бўлса, урушда сингилишимиз муқаррар экан-да?

Хоанг менинг сўзларимга сичқонга ёпишгаш мушукдек ёпишиб олди:

— Ҳа, ҳа, мен пессимистман... Ҳаётни синчилкаб ўрганиб ғам-аламга ботишинг ҳам ҳеч гап эмас. Лекин ҳали тамоман руҳим тушган эмас, бу президентга қаттиқ ишонганимдан бўлса керак. Агар август инқилоби ва Қаршилик кўрсатиш уруши ғалаба билан тугаса, фақат президент туфайли бунга эришилди дейиш мумкин. Хо Ши Миннинг қобилияти ҳар қандай мамлакатни ҳалокатдан қутқаришга қодир, аммо бизда ҳам унга осон бўлаётгани йўқ. Буни қарангки, қандайдир де Голль жаҳондаги тўрт буюк мамлакатнинг бири бўлмиш Франциядаги озодлик ҳаракатининг символига айланаб қолса-я!

Мен француз Қаршилик кўрсатиш армиясининг де Голлдан кўра кўпроқ хизмат кўрсатган қаҳрамонларини Хоангнинг ёдига солган эдим, у қатъий бош чайқади:

— Улардан ҳеч қайсисини Хо Ши Мин билан тенглashingтириб бўлмайди! Бу чолнинг хизматлари беқиёс,— сўзида давом этди у,— шунга яна ҳам қатъий аминманди, Хо Ши Мин ҳатто биздек қолоқ ҳалқни ҳам озодликка олиб чиқа олади. Олтинчи март шартномасидан<sup>1</sup>

<sup>1</sup> 1946 йил ВДР билан Франция ўртасида тузилган яраш шартномаси.

кейини америкаликтарнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди, чунки бизнинг чолни алдаш осон эмаслигини сезиб қошлиши-да. Уларнинг олдидаги французлар ким бўлибди! Бир тишинга арзимайдилар. Агар америкаликлар уларни тезламаганда шартномани бузишга журъат қила олишмасди. Сирасини айтганда, бу улар учун кутилмаган бир баҳт бўлмадими? Агар французлар ўрнида мен бўлсан, бунга икки қўллаб ёпишиб олардим? Тўғрими?

Кечқурун, димлашган бататни еб бўлгач, чой ичдикда, шу ваҳоти ухламоқни ихтиёр қилдик. Хоанг менга, олис йўл юриб келгансиз, бунииг устига узоқ суҳбатлашдик, энди яхшилаб дам олишингиз керак, деди. Унча уйқум келмаса ҳам иссиқ қўрпа орасига кириб, паشاҳонага жойлашиб олсан ёмон бўлмасди.

Иккита узун каравот шундоққина ёнма-ён турарди. Қордек оппоқ, нафис пардалардан қандайдир хушбўй атири иси тараларди. Хоанг иккимиз биринчи бўлиб ётиб олдик. Каравот ёнидаги столчада бир пачка хушбўй сигарета, бир қути гугурт ва кулдан турарди. Усткин кийиниммни ечишга шошилмасдим. Чунки мен шаҳарда босмакхона ишчилари билан бирга ётиб юрганимдан кўйлакларимга ўтиб олган «ҳашарот»ларни мана бу хушбўй атири иси таралиб турган кўрпаларга ҳам ўтиб кетишдан хавфсирадим.

Хоанг хоним ҳамма ёқни тартибга солгач, эшикни ёпди-да, оёқ томонимизга чироқни қўйиб, бутилкани олди.

— Катта чироқни ёқмоқчимисан? — деб сўради эри ундан.

— Ҳа, ҳозир лампа мой соламан.

— Сиз «Уч шаханшоҳлик»ни севасизми? — деди менга қараб Хоанг.

Мен ҳали уни охиригача ўқиб улгурмаганимга иқрор бўлдим.

— Мана бу ишингиз чакки бўлибди. Дуниёдаги романлар ичida ўзиям энг қизиқарлиси «Уч шаханшоҳлик» «Шарқий Ҷоу князлигининг тарихи»<sup>1</sup> саналади-да! Хитойлар жаҳондаги энг зўр романчилар бўлишса ҳам, лекин энг яхниси шу иккала роман ҳисобланади. «Дарё гирдобрари» ҳам қизиқарли-ку, барибир улардек эмас. Қолганларини бўлса бир марта ўқиб чиққанингдан ке-

<sup>1</sup> Хитойнинг ўрта аср романлари.

йин бўлди, бошқа ўқигинг келмайди. Аммо «Уч шахан шоҳлик» ва «Шарқий Чжоу князлигининг тарихи»нг эса ўқиб тўймайсан киши.

— Сиз шу китобларни бу ёққа ҳам олиб келган мисиз?

— Биттаси Ханойда йўқолиб қолган. Ҳали-ҳали афсусланамиз. Бахтимизга «Уч шаханшоҳлик» шаҳар ташқарисидаги боғимизда эди, уни ола келдик. Агар бу китоб бўлмагандан, зерикиб ўлармидик?

Хоанг сигаретасининг кулинни қоқиб, қўшиб қўйди:

— Ҳар куни ухлашдан олдин ундан бир неча бобини ўқиймиз. Бу бизнинг одатдаги ишишимизга айланаб қолган. Шунинг учун ҳам сиздан сўраяпман да. Мабодо жуда уйқунгиз келаётган бўлса, ҳар кунги одатимизни бугунчалик тарк этишимиз мумкин.

Мен улардан бугун ҳам одатларича китоб ўқий беришларини илтимос қилдим. Хоанг суюниб кетди.

— О, яхши бўлмаса, рухсатингиз билан ўқишини бошлиймиз. То уйқу босиб келгуннча ўқиймиз. Сиз жуда чарчагаисиз, дарров ухлаб қоларсиз. Фақат мана бу чироқнинг ёруғи кўзингизга тушиб, ухлатмайди да. Ё ўчириб қўя қолайликми?

Унга, кўпинча босмахонада, лампочкалар ёруғида, машиналарининг шовқин-суронида ухлаб қолишими, бу ердаги юмшоқ ўрин-кўрпада бўлса, ухлаганимдан кейин замбарак отиб ҳам уйғотиб бўлмаслигини айтдим.

Хоанг хирилдоқ овози билан кулиб юборди:

— Майли. Бошлиймиз. Хотин, китобни бу ёққа олиб кел.

Хоанг хоним буфетдан қалин, яхши муқоваланган, чарм корешокли китобни олди да:

— Ким бошлайди? — деб сўради.

— Сен бошлай қол.

Хоанг хоним чироқни юқоририоққа олди да, кўйлагини ечиб, аллақачон кўрпа орасига кириб уйқуни ураётган ўғлининг ёнинга ётди.

— Кечака қаерга келган эдик? Менимча...

— Барибир эмасми сенга. Цао Цао қандай қилиб Гуань Гуннинг қўшинларини тор-мор қилганини қайтадан ўқий қол. Сизнингча қандай? — деди яна менга қараб Хоанг, — Цао Цао истеъоддли ोдам бўлган а?

— Шундай дейишади, — деб жавоб бердим мен гапни қисқа қилиш учун.

— Бўлмасам-чи! Учала шоҳ ичида энг ақллиси ҳам шу-да. Билмадим бундай талантли кишилар қаердан пайдо бўлар экан-а?!

Хоанг хоним китобдан қидиргани бетини топди-да, майин, жарагандор овоз билан ўқий бошлади. Хоанг сигаретасини узоқ-узоқ тортиб, тинглаб ётар, ўқтинг ўқтинг ҳаяжонланиб букилган тиззалирига уриб қўярди:

— Мана бу истеъод! Мана бунга қойилман! Эҳ, бу Цао Цао нақадар ақлли-а!

# П О В Е С Т Л А Р

## МОМАҚАЛДИРОҚ



НИНГ ИСМИ алоҳида дикқатга сазовор исмлардан эмас эди. Ҳамма исмлар сингари оддийгина Жи, Ле Вап Жи эди. У қишлоқ қоровулхонаси нинг бошлиғи эди, шунинг учун ҳам уни бошлиқ Жи ҳам деб аташарди. У ўғирлик билан шуғуллана бошлаганидан кейин унга «Момақалдироқ» лақабини қўйишди. Бу шундай бўлган эди. Ўғрилар ҳар га маслаҳатга тўпланишганларида, Жи овқат билан винога муккасидан кетиб, индамасдан ўтиради. Еб-ичиб бўлганидан сўнг; кўзларини чақчайтириб, тишларини ковтаб ўзига бирон юмуш буюришларини кутиб ўтиради. Ӯшандада у тишкавлагичини ташлаб, ўрнидан турар ва липасини кўтариб, буюрилган «ишга» кетарди. Ривоятларга қараганда, Момақалдироқ руҳи осмондан буйруқ бўлмагунча ҳеч кимни ўлдирмасди. Жи ҳам буйруққа биноан ўлдирниш кераклигига амин эди. Шунинг учун ҳам аллакум ҳазиллашиб унга «Момақалдироқ» деб ном қўйган эди. Ӯшандан бери бу лақаб унга шунчалик сингиб кетдики, ҳатто Ву Дай қишлоғи аҳолиси унинг ҳақиқий исмини тамомила эсдан чиқарип юборди. Унга бу лақаб нима учун қўйилганини ҳеч ким билмасди. Бирорлар лақаб унинг қўрслиги, қизиққонлиги, бошқалар эса гулдураган, қаттиқ овози учун берилган деб ҳисоблашарди. Ҳақиқатан ҳам, у гапира бошлади дегунча, ҳамма бенхтиёр момақалдироқнинг гумбурлашини эсларди. Бунинг устига у худди момақалдироқнинг руҳидек ҳар доим аччиқланар, қичқирава анчагача ўзига келолмас эди.

Жи ўзининг бу ваҳимали лақабини ёни ўттииздан ошганда орттириди. Унинг боши кўмирдек қоп-қора, юзи гирт чўтири, ёноқлари туртиб чиққан, пешонаси ҳам жуда тор эди, бароқ қопи, калта бурни танқайниб турарди. Унинг соchlари пахмайган, бойқушиникидек кичкина, чақчайған кўзлари олазарак, жаги туртиб чиққап, тишлари эса сап-сариқ ва қийшиқ-қинғир эди.

Хуллас, у одам эмас, олабўжининг худди ўзи эди.

Болалар уни кўришлари билан худда бирор бўғизлаётгандек додлардилар. Жи улар учун ажинадан ҳам даҳшатлироқ эди. «Учир овозингни, бўкирма, бўлмаса Момақалдироққа бериб юбораман сени!..»—дерди боласини қўрқитмоқчи бўлган она. Жининг қаердан, қандай қилиб келганингини ҳеч ким билмасди. Унинг ота-онаси ҳам ҳеч қачон бу ерларда яшамаган. Уни жуда кичиклигида меҳрибонлиги билан ҳаммага машҳур бўлган Тхит исмли ёшгина, ўзига тўқ бева хотин асрар олган эди. Кунларнинг бирида холанинг олдинга қўлида чақалоқ кўтарган бир киши келади. «Бу бола, гадойчилик билан кун кечирадиган жуда баҳтсиз бир жувоннинг фарзанди»,— дейди у бевага. Ўзи боқа олмаганидан менга ташлаб кетган эди. Бир савоб иш қилинг, уни ўз тарбиянгизга олинг. Ахир сиз бефарзандсиз — Тхит хола ҳам дарров рози бўла қолди. Баъзи бирорлар боланинг отаси одам ўлдирганлиги учун қамалиб кетган, онаси бошқа бирорга эрга текканмиш, деган гап тарқатган бўлсалар ҳам, Тхит хола болани худди ўз фарзандидек севиб ардоқларди. Улар боланинг уйни шу қишлоқдан бир неча кунлик йўл холос, десалар-да, Тхит холанинг бу гапларга ишонгиси келмасди. Ахир одамларга қўйиб берсанг, нишмалар дейишмайди!

У болани жуда яхши кўрарди. Боладаги қўполлик ва тажанглик қанчалик тез ошса, ўзи ҳам кишини ажаблантирадиган даражада тез ўсади. У холага сира меҳр шўймади. Болалигида у дам-бадам йиғлар, аммо унинг шифиси бошқаларниңга ўхшамас, кўзларнда ёш ўрнига шазаб акс этарди. Катта бўлганида эса, худди душманнинг елкаснга қандай қилиб пинчоқ санчишни ўйлагандек, жун бўйи хўмрайиб ўтиради. Кейин унинг босқинчиларни ўлдириш учун соқчи бўлгиси келди. У бу мақсадига етди ҳам. Лекин бу романлар, шеърлар ёзиш ёки қарта ўйнаш билан баравар бўлиб, бу билан тирикчилик ўтмасди. Мен ҳали бойиб кетган босқинчи, соқчи ёки шонрини

кўрмаганиман. Буларнинг ҳаммаси шунчаки охири вон бўладиган бир ишқибозлик холос. Уз-ўзидан маълумки инсонга ҳақиқий касб керак. Шундай мақсадда Мома қалдироқ қушхонага борди. Бу аяничи ниш унга жуда маъқул тушди. У пичоқ остида жон берниб, қонлари тизиллаб тогорага тушаётган, жон талвасасида типирчилаётган жониворларни ҳузур қилиб томоша қиласади. Бунинг устига қушхонада парча-пурча гўштлардан қайнатилган шўрва истаганча бор эди. У ана шундай хунрез бўлиб вояга етди.

Шуниси ажабланарли эдикни, бу одам гўзалликни яхши кўрарди. Демак гўзалликнинг маъносига етиш учун ҳис-туйғуга тўла қалбининг ҳожати йўқ экан-да! Жи ҳамма эркаклар сингари чиройли қизга уйланнишни истарди. У уйланди, тўғриси, ипак сотувчи бир беванинг ёлғиз, гўзал қизини зўрлик билан тортиб олди. Жи қизни бозор йўлида кўриб қолди ва ўйлаб-нетиб ўтирмасдан уйига борди.

Қизнинг уйида қўйндаги мазмундаги гап бўлиб ўтди:

— Сизнинг жуда чиройли товуғингиз бор экан. Ушани менга беринг!

Бева хотин қўрқиб кетиб ўзича: «Унга нима керак экан! Эҳтимол пул сўраётгандир, винога бир неча доңг берай, даф бўлсин, ишқилиб галва чиқармаса бўлгани». деб ўйлаб, қўйнидан бир неча қофоз пул чиқарди, текислаб, патнисга қўйди-да, мулоҳимлик билан жилмайиб Жига узатди:

— Товуқ боқмаймиз, жаноби бошлиқ, мен ўзим қарини бир бева бўлсан, қизим эса етимча, ҳеч кимимиз йўқ. бир умидимиз сиздан, шунинг учун кам бўлса ҳам иўрнида қўрасиз.

Жи хахолаб кулиб юборди.

— Менга пулингиз керак эмас, товуқни чўзинг.

Бу сафар бева гап нима ҳақда кетаётганинги сезсан ҳам, сир бой бермади. Шунинг учун қандай жавоб қилишни билмай жим туриб қолди. Жи тағин хахолаб кулди.

— Вой бефаҳм-э! Майли, очиқчасига айта қолай: мен кўроғизман, ўзим учун товуқ қидириб юрибман!

Бева хотин ноилож шундай деди:

— Аттанг. Сизга маъқул бўлган товуқни бирорвга сотиб қўйган эдим-ку!

Унинг жони ҳалқумига келди.

— Билганингни қил! Фақат эсигдга бўлсинки, менга бир нарса ёқса — сотиб оламан, сотиб ололмасам — ўғирлайман, ўғирлай олмасам — зўрлик билан оламан. Ўйла, қайси бири сенга маъқул. Аммо айтганимдан қайтмайман, шунин билиб қўй.

Жи шундай деб чиқиб кетди. Орага шайтои оралаб қолди. Бечора қизнинг пешонасига ёзилгани шу экан. Тақдирда боридан қочиб бўлмайди. Кўз ёши тўкишдан бошқа илож йўқ.

Эртаси куни бева хотин Тхит холаникига келди. Иккала хотин ҳам жуда ёш бева қолганиларидаи бир-бирларини яхши тушунишарди. Аммо энди нима ҳам қилиб бўларди? Тхит хола юрагида минг алам билан таъна сўзларини эшилди, бечора бева эса тақдирига таш бериб, Жининг таклифига рози бўлди. Улар икковлон ўзларининг ва соғдил, меҳрибон, яхши ёрга лойиқ гул-гул очилиб келаётган ёш қизнинг аччиқ тақдирига роса йиғлашади. Аммо аёлларнинг кўз ёшлари анави ярамас, тошбагир ёвузга сира таъсир қилмади. Эндинча йигирма баҳорни кўрган бу бебаҳт қиз ўзининг бутун гўзаллиги ва ёшлигини қонхўр йиরтқичга бахш этишга мажбур бўлди.

Аммо унинг азоб-уқубати узоққа чўзилмади, чунки эрга текканидан бир оз ўтгач, бечора жувон ҳалок бўлди.

Ўша куни эндинча овқат пишган ҳам эдики, эри қаердандири бир шиша вино кўтариб келиб қолди. Хотини мазали чўртсан балиқ шўрвасини тарелкаларга сузаётганди. Жи уларни кутиб ҳам ўтирумай, стаканни винога тўлғазди. Тхит хола ва келинчак Жи сўкинмасин, уриш-жанжал қилмасин деб тезроқ ёнига ўтириб олишиди. Тарелкасидаги балиқ бўлагига таёқчани тиқиб кўргач, бирдан бақири бошлади. Балиқни синчиклаб текшириб кўрди: ҳа, балиқнинг калласи. Одатда қишлоқ оқсоқолига чўчқа калласини беришади. Аммо оқсоқол балиқ калласини емайди, чунки турган-битгани суюк. Бу бефаҳм хотин эса бунаقا бемаза нарсани олдимга қўшишга қандай журъат этди экан. Демак, мендан ҳазар қилларкан-да! Жи машъум балиқ калласини стол устига ирғитди-да, бўкира бошлади:

— Бу каллани отангга бер! Менга кераги йўқ!

Тхит хола уни тезда ўз тарелкасига солдии.

— Отаси ўлган. Сен манавини ея қол,— деб хола ўзининг олдинга ўз тарелкасини сурниб қўйди.

— Демак, иккалангнинг тилинг бир экан-да! Ол-а, ойимтиллага бир нарса деб ҳам бўлмайдими ҳали, тушунарли. Ўзимният қўлларим қичиб турибди. Яна бошини ердан кўтармайди, қараб турсанг йиғлайдилар ҳам. Ҳафа бўлдилар шекилли. Башараңг қурсин! Тарсаки билан бир солсанг!

Хотини ҳақиқатан ҳам йиғлаб юборди. Жининг баттар жаҳли чиқиб кетди. Худди оч қолган йиртқичек хотинига ташланиб, сочидан ушлаб олди-да, ерга энгаштириб бўға бошлади.— «Одамлар, қутқарниглар, у мени ўлдириб қўяди!» — «Ўлдириб қўядими? Ажаб бўпти! Ана энди қўнглингдаги бўлади». Хола унинг кийимидан тортиб ажратишга ҳаракат қиласди. Жи кампирни зарб билан итқитиб юбориб, жаҳл билан хотинининг юзи демай, кўзи демай ура кетди, қорнига, кўкрагига, елкасига тепди, ўймалаб, эзфилай бошлади. Баҳти қаро аёл ҳомила-дор эди. Ниҳоят, Жи уришдан тўхтаганда хотини эзғиланган, мажақланган ҳолда қонга ғарқ бўлиб ётарди. Хотин бу махлуқ билан икки йил азоб чекканидан сўнг шу кўйда ўлди. Ёшгина умри ана шундай тугади.

Бу даҳшатли хабар аста-секин оғиздан оғизга кўчиб, қишлоққа тарқалди. Момақалдироқ бўлса аввалгилик вино иchar, қассоблик қилас, гоҳ-гоҳда ўғирликка ҳам бориб турарди. Қишлоқ оқсоқолининг ўзи ҳам безори эди — одамларнинг устидан ҳукмронлиги, уларнинг молмулкларини босиб олгани етмагандай, юракларини ҳам шундай олиб қўйгандики, бирон киши чурқ этиб оғиз очолмасди. Ҳамма қўрқарди, қўрқанларидан ҳам оқсоқол қилиб сайлашганди-да! У қўнглига келган ишни қиласарди. Қишлоқ катта, унда уч хутор, уч минг солик тўловчи бор эди. Яхши ҳам, у бошқа бошлиқлар сингари аҳолининг уч қават терисини шилиб олмас эди, аслини олганда шилгудек нарсанинг ўзи йўқ эди.

Ўғриларининг тили бир бўлади. Жамоа бошлигининг ўзи қотилликни бости-бости қилмоқчи бўлди. Ҳечқиси йўқ, бўлар иш бўпти. Қишлоқ аҳолиси жанжал-тўполонни ёқтиримайди: нима, ўлдирса ўз хотинини ўлдирипти-да, бегонани ўлдирманти-ку. Аммо ўзига тўқ синчков кишилар анча ташвишга тушиб қолиши: мабодо оқсоқол билан Момақалдироқ бирлашсалар нима бўлади унда? Ҳеч юз хотир қилмай, ҳамма ёқни хонавайрон қилишади.

Аммо Момақалдироқ ҳамон озодликда юрар эди.

Шундоқ бўлса ҳам одамлар унинг қотиллигини унутмадилар. Уни жазолашмаган бўлсалар ҳам, барнир бундай ваҳшийликни унтиб бўлармишми! Шундай қотилга тегадиган аҳмоқ топилармикки? Буни қаранг-а, топилди. Бу — ёшгина, кўхлиkkина, бириничи хотинидан қолишмайдиган қиз эди. Ваҳшийлик даврида одамлар қурбонликка ўз оёқлари билан борганларидек, бу қиз ҳам Жининг уйинга ўз оёғи билан кириб келди. Бу қиз ногаҳон ўлимдан жуда қўрқарди. Нима бўлса ҳам майли, факат ўлмасам бўлгани, бир неча йилгина яшасам майли эди, дерди.

Худонинг қудратига ҳайрон қоласан киши. У жуда ҳам ижодкор, баъзи ёзувчилардек бир нарсанни ҳадеб қайтаравермайди. Иккинчи хотин ҳам азоб чекди, аммо бошқачасига. У ҳомиладор бўлса-да, ўлмади. Бу гал Момақалдироқнинг ўзи ўлди. Уни сўйишмади ҳам, турмада чиритишмади ҳам, кўпчиликнинг кўнглидагидек осишмади ҳам, у ўз тўшагида, хотинининг қўлида жон берди. Унга аза тутиб йиғлаганлар ҳам бўлди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ўлим ҳамманинг тақдирда бор нарса. Ўлганларни ҳурмат қилмоқ керак, чунки уларнинг эиди ҳеч кимга зиёни тегмайди. Ўлим олдида ҳамма оқиздир, у ҳатто қотилларни ҳам аямайди. Шунинг учун марҳум ким бўлишидан қатъи назар, унга мотам тутиб, йиғи-сиги қилишади. Момақалдироқ ҳам йиғлашди. Асранди ўғлига ўлим тилаган Тхит хола ҳам, эри тириклик вақтида қанча лаънатлар ўқиган хотини ҳам мурда устида дод-фарёд қилдилар. Чиндан ҳам кўз ёшига тушуммайсан киши!

\* \* \*

Уч ойдан сўнг, Момақалдироқнинг бева қолган хотини ўғил туғди. У ҳаром нарсадан халос бўлгандек ёнгил ҳис этди ўзини. Аёл ҳаётини янгидан бошлишни, ҳақиқий, соғ муҳаббатни зориқиб кутарди. Қовжираб қолган қалби бамисоли најот ёмғиридан баҳра олиб гуркираб кетадигандек туюларди унга. Бева эндиғина йигирма уч ёшга кирган, чиройликкина, ҳали соғ муҳаббат лаззатини тотиб кўрмаган эди. Унинг олдида майли, машақ-қатли бўлса-да, бутун бир ҳаёт турибди, ахир қандай қилиб танҳо яшаши мумкин? Уларнинг ёш бир қўшниси бор эди, у бечора жувонни пинҳона севар, йиғлаганда

раҳми келарди. Энди эса, кўнглини очадиган пайт келди. Йигит уни бу қафасдан қутқариб олиш пайида юрганинг унинг айтди. Аммо эри ўлмаса йигит бу кунга ҳеч қачон етишолмаган бўларди. Жувон буни яхши тушунарди, шунинг учун йигитга ҳеч нарса демади. Чунки унига ишонарди. Ахир жувон умрида биринчи бор севиши, бунинг устига боласи ҳам бор. Уларнинг бу муносабати фақат романлардагина тасвирланадиган севгидан эди. Балки йигитга тикувчилик фабрикасида ишлаб юриб ўқиган китобларининг таъсири ургандир. Тез орада ошиқ-маъшуқлар болани тақдирга ҳавола қилиб, Сайгонга ишга ёлланиб кетишиди.

Аммо Тхит холанинг гўдакка раҳми келди, унинг қалбида яна умид учқуслари пайдо бўлди. У гўдакни отасидан ҳам яхши кўриб қолди. Чунки бола ювош, мўмин-қобил эди, ниҳоят, хола ўзини жуда баҳтли ҳис қила бошлади. Назарида болада отасига ўхшаш ҳеч қандай хусусият йўқдек эди. Аммо беш ойлик чақалоқининг жажжи юзида ҳатто ўхшашлик бўлганда ҳам, қирқ яшар кишининг қўпол аломатларини биллиб бўлармишми! Хола туну кун худога ёлвориб гўдакнинг яхши бўлиб ўсишини тиларди ва худо дуоларини ииобатга олишига ишонарди. Қариганида бу бола унинг юпанчи бўлади. Қампир болани катта қилмагунча оёқ-қўлларини узатиб ўлолмайди ҳам. Айни пайтда холанинг ёши олтмишда эди.

Шу вақтга келиб хола батамом қашшоқлашиб қолди. Оддий қишлоқ аёлида қанақа ҳам бойлик бўлиши мумкин. Орттирган бойлигининг ярмидан кўпини асранди ўғли кўкка совурди, унинг ўртоқлари ҳам холани ўз ҳолига қўйиншади, қолган-қутганини эса фарзандининг душманлари тортиб олишди. Ана шундагина Тхит хола бағритош ўғил билан туриш ёмон, усиз туриш ундан ҳам ёмонлигини пайқади. Бу қишлоқда адолат йўқ, бева бўлгандан кейин қари ва камбағал бўлган тузук экан.

Холанинг кун кўриши учун боғдан бошқа бойлиги қолмади. Боғ ҳеч қандай даромад келтирмасдию, аммо егулик сабзавотлар чиқиб турарди. Хола боғида шундай ишлардики, ҳар қандай ёш жувонининг ҳам ҳаваси келарди. Кекса ва жуда заниф одамлар кўпинича иш қобилянятларини сақлаб қоладилар. Эҳтимол, бу уларнинг ҳаётдан оладиган ягона ва сўнгги лаззатларидир. Ёки бундай одамлар қариганида бутунлай нажотсиз қолмасини деб оллоҳининг ўзи уларга куч-қувват ато қиласми-

кан? Чарчашдан кўзлари тиниб, қулоқлари шангиллаб, бели оғрий бошлаганида, холани қўрқув босарди. Ахир мана бу бир парча ерга бор куч-қуввати кетиб пишиб етилган бандандек узилиб тушадиган, кейин ўриидан туромайдиган кун келади-да ахир. Унда унинг боласи, бечора мўмин-қобил Дикининг<sup>1</sup> ҳоли нима кечади! У бу исмни бола отасига ўхшамасин, қўли очиқ ва баҳт-саодатли бўлсин деган умидда қўйган эди. Момақалдироқнинг ўғлини тарбияга оладиган бирон инсофли киши топилармикин? Ҳар куни у болани кўтариб эмизикли хотинлардан сут тилаш учун кўчага чиққанда, томирнида қотилнииг қони бўлган бу баҳтсиз болани ҳамма ёмон кўришини сезарди. Баъзи бирорлар уни эмизишдан бош тортишар, баъзилари раҳмлари келиб рози бўлишар, аммо эмизиб бўлишлари биланоқ дарҳол кўкракларини ювив, яхшилаб артишарди. Ҳал Кўплар унинг оғзидан гўё заҳар чиқадигандек ҳазар қилишарди.

Тхит хола жуда кўп изтироб чекарди. Олам кўзига тор кўриниб кетарди. Баъзан у ўғли ўлганлигидан хафа бўлар, ҳеч бўлмаганда гуноҳсиз мурғак фарзандини ўз ҳимоясига оларди-ку, деб афсусланарди.

Баъзан энг очиқ кўнгилли, меҳрибон кишилар ҳам жуда шафқатсиз бўлиб кетишади, шунисига шукурки, бунақалар кўп эмас. Бўлмаса аллақачон қиёмат-қойим бўларди.

Дик ўз онасини эмган болалардан кўра ҳам бақувватроқ бўлиб ўсади. У оппоқцина, ёқимли, дўмбоқ бола эди. Жуда ювош ҳам эди — камбағал оиласаларда ўсган болалар кўпинча шунақа бўлишади. Эрталаб хола Дикка сут ичириб, каравот устидаги корзинага ўтқазиб кетарди. Дик у ерда чувалчангдек ўрмалай-ўрмалай ухлаб қоларди, уйғонганидан сўнг тағин у ёқ-бу ёққа ўрмалар эди. Тушда хола келиб унга овқатни чайнаб едиради. Ўола жуда иштаҳа билан овқатланар, хола унинг оғзига осолиб улгурмас эди. Бир тақсимча пишган гуручни еб солгач қорнини коптоқдек қилиб, кўзларини сузиб, ухлаб қоларди. Болалар кўпинча катталарнинг диққатини ўзларига тортиш учун йиғлайдилар, қарашмаса жонларига ттеккунча узоқ йиғлайдилар. Дик бу жиҳатдан ҳам бошкка болаларга ўхшамас эди, бир оз ҳиқиллаб, сўнг тўхтаб қколар эди. Хола қувончи ичига сиғмай худога шукурлар

<sup>1</sup> Дик — ҳимматли, саховатли демак (*вьетнамча*).

қиларди. Ахир шунақаям қобил бола бўладими! Дик ка-сал бўлмади ҳисоб. Икки марта бир оз оғригандек бўлди-ю, ўшандаям биринчисида ўзи соғайиб кетди, иккинчисида хола уни отқулоқ ва бамбуқ иовдаларининг шарбати билан даволади.

Бола дараҳт куртаги сингари тез улғая бошлади. У кунлаб эмас, худди соат сайни ўсаётгандек эди. Аммо ақлдан дарак йўқ эди. Ёши тўртга кирди, чопқиллаб юриб кетди, ҳамои гапиришини билмасди, ҳатто «буви» ҳам дсёлмасди. У ҳеч қачон кулмасди, йиғламасди, овқатини еб дарров ухлар, ўйғонганидан сўнг атрофга маъносиз қарап, эснаб, тағини ухлар ёки овқат ер эди. Одамлар, бу бола тентак бўлади, отаси унинг баҳтини таг-туғи билан олиб кетган, дейишарди. Бола отасига сира ўхшамас, ниҳоятда ювош эди.

Вақт жуда тез ўтарди. Дик ўи беш ёшга кирди, аммо кўрган одам йигирма ёшда дейиши мумкин эди, кўз қарashi эса аввалгидек маъносизлигича қолаверди. Гапиришни бир амаллаб ўрганиб олди-ю жуда камгар эди. Кун бўйи хола билан бир неча оғизгина, фақат овқат устида гаплашарди. Хола жуда кексайиб, қари мушукка ўхшаб қолди. Овози ҳам минғиллаб чиқар, афт-башараси ғижимлаб ташланган қофоздек бужмайиб кетган эди. У оёғини зўрга сургаб босар, аммо полизда беҳасса ивирсиб юради. Камбағалларнинг ошқозони бот-бот бўш қолаверганидан қаригунларича бақувват туради. Қўллари ҳам бақувват бўлиши керак, ахир бир амаллаб овқат топиб ейиш керак-да. Хола энди жуда секин овқатланар, чунки чайнашга тишлари йўқ эди, ҳар бурдан ивитиб ерди. Ишлашга мадори қолмади. У энди ерни чопмас, юзагина юмшатиб қўя қолар, шуни ҳам аранг қилар эди.

Набираси ўрнини босди. У жон-дили билан ишларди. Тонг сахардан, қуёш ботгунча чарчаш нималигини билмай, молдек ишлар эди. Кўз боқишлиари, юзи яна ҳам маъносиз бўлиб кетган эди. Ишни тамомлаб ётиб ухлар ёки ўтириб атрофга маъносиз алангларди. У ҳеч қаёққа чиқмасди, бир ёққа боришининг қанчалик хавфилигини ўз тажрибасидан биларди. Дик ўн яшарлигида бир куни секин кўчага чиқди ва бутхона ёнига бориб болалар билан ўйнамоқчи бўлди. Болалар уни кўришди-ю тумтарақай қочиб кетишди, якка ўзи қолди. Момақалдироқ-шинг ўғли билан ўйнаш болаларга ман қилинган эди..

Оламлар ҳамон қўрқишарди. У отасига қараганды албатта анча ювош, аммо жуда ғалати, ким билади нималарни эҳтиёр қиласди бу бола? Тағин болаларни уриб, майиб қилиб қўймасин. Бир кун болалар Дикнинг жаҳлини чиқаришди:

— Момақалдироқ, момақалдироқ, қоринга тепар поқ-поқ! Момақалдироқ, момақалдироқ, қоринга тепар поқ-поқ!

Дик кулиб юборай деди-ю, лекин шу он ўзини ма-зах қилаётганиларини пайқаб, юзини бекитиб олди. Юзи бужмайиб, кўзи жиққа ёшга тўлди. У уйга чопиб бориб, бувинини қучоқлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Холага биринчи марта шундай эркалиқ қилиши эди. Холанинг болага юраги туздай ачиган бўлса ҳам, ўзини жуда бахтли сезди. Ҳеч қачон Дик хола учун бу қадар қадрдан бўлмаган эди! У кампирнинг эркалашини шундай кутган эдикк, асти қўя беринг. Хола Дикни овутиб, ўнга бу болалар билан ўйнамасликни маслаҳат берди. Ўшаидан бери Дик бутун вақтини боғда ўтказар, банаи гулларини ўйнап, барглардан корзинка ясар, уларга туроқ солиб, гўё апельсин дарахтларига «сотган» бўларди. Хола ҳам боғда ишлашга ўрганавергани тинч дерди. Ўн беш ёшида Дик холанинг оғирини енгил қилиб, бодаги ҳамма юмушларни қойилмақом қилиб бажара бошлиди. Тўғри, илгариги бойликлари қайтиб келгани йўқ, аммо энди аввалгидек қашшоқ әмасдилар. Улар бир кунда камида икки марта овқат ейишар, қайнатилган батат ва бошқа мевалар бўлса баъзан кечқурун ҳам оватланишарди.

Нимасини айтасиз! Энди улар анча яхши яшашарди. Холанинг кўнглини фақат бир нарса ғаш қилиб турарди, у ҳам бўлса набираси ҳамон камгап эди. Баъзан уҳ тортиб қўярди. Хола унинг юрагида нима борлигини билиш учун ҳатто ярим умрини бернишга ҳам тайёр эди. Ана шуларни ўйлаб у кўпинча сиқилар ва ўзини ёлғиз ҳис қиласди.

Кўз очиб юмгуича Дик ўн саккиз ёшга кирди, лекин ҳануздагача камгап бўлиб, ўқтин-ўқтин хўрсишиб қўярди. Унинг кўзлари қўтосники сингари мудрар, қарашлари эса ҳозиргина яхши туш кўриб, нималигини эслай олмай турган кишиникига ўхшарди. Дик ихтиёrsиз ҳаракат қиласа ҳам, яхши ишларди. Сира ажабланарли жойи йўқ. Бунақа ишда ўйлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ,

билак бақувват бўлса бас. Ажабланадиган жойи шуки, ана шу ҳиссиз одамда ҳам юрак бор экан.

Қўшинилар Дикин ёш боладек ақли қисқа деб ҳисоблашарди-ю, аммо жаҳлини чиқаришга кўркшинарди. Ахир ювош ҳайвон ҳам қутурини мумкин, яхшиси, у билан ўйнашмаслик керак. Йигит жула бақувват, соғлом эди, уни жон деб ҳар хил ишга чақиришар, бундан холанинг қувончи ичига сиғмас эди. Майли, ҳеч бўлмагандан одамларга аралашади-ку. Унинг набираси қандай ишлашини, қандай мулоим, мўмин-қобил йигитча бўлганини билишени, балки келни ҳам топилиб қолар. Бошний иккита қилиб қўйса ҳам бўлади энди. Аммо қишлоқда ўз қизини ана шу аҳмоққа, бунинг устига Момақалдироқнинг ўғлига берадиган одам топиларминкин? Бошқа қишлоқлик қизга унаштиришга пул йўқ. Наҳот унинг Дики бўйдоқ ўтиб кетса? Ышқилиб, биронтаси, бундайроғи бўлса ҳамки, кўна қолса эди, хола тўйға бир амаллаб пул топарди. Унинг набирасини қандайдир бир маҳлуқ деб ҳисоблашлари кампирга жуда алам қўларди. Майли, ҳар кимларникида ишлаб юра турсин-чи, бирон яхши, одобли қизни учратиб қолар балки. Хола Дикка ҳар қандай ишга ҳам рози бўлиб бораверишни буорарди. Шуниси ҳам борки, у бувисининг сўзини ҳеч қачон иккита қилмас, сўзини бўлмас, хурсанд ҳам бўлмас эди.

Вақт ўтиб борарди. Холанинг нияти рўёбга чиқди. Дик бир қизни учратди. Аммо, эй худойим! Бундан нима чиқди. Уша машъум кундан сўнг ҳамма нарса барбод бўлди-қўйди. Йўқ! Аслидаки бошқаларга ўхшаб туғилмадими, бирорни севмаслиги ҳам керак экан. Хотин киши ғайрн оддий зот, уни бошқариб туриш керак, у гўё бир вагон демак, изда кетаётганида ҳамма нарса жойида бўлади. Издан чиқдими, йиқилади, пачақланади, ўзига ҳам, баъзан бошқаларга ҳам зарар етказади.

\* \* \*

Ҳамма бало шунда эдики, Дикин қизининг ўзи топди. У йигит билан қўғирчоқ ўйнагандек ўйнамоқчи бўлди. Бу телбашамо йигитда ҳам қалб бор, деб ким ўйлабди дейсиз. У ҳам ҳамма сингари севиб, севги азобини торта билар экан. Шундай қилиб Дик севиб қолди.

Қизининг номи Ни эди. У камбағал онладан бўлиб,

Дик кўпинча ишлайдиган бой хонадонида тарбияланарди. Хизматчи қиз билан тарбияланувчи қиз орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат хизматчи ўзини бир неча йилга сотади, иккинчини эса бир умрга сотишади. Ота-оналари қизнинг бадалига маълум миқдорда пул олишади ва қиз бирорвнинг шахсий мулки бўлиб қолади...

Ўн тўққиз яшар Ни хунук, ҳатто бадбашара бўлса-да, бадани оппоқ, момиқдек, тўлагина қиз эди. Қўл ва оёқлари семизлигидан уни оғирлаштириб юбораётгандек туюларди. Юзини ёғ босиб кетган, бурни шу қадар катта эдики, гўё бурун катаклари мутлақо йўқдек, кўзлари шунчалик кичкиниаки, юзида кўзи учун жой ҳам йўқдек эди. Қовоқлари лаблари сингари қалини, оғзи бўлса нақ қулоғига етарди. Аммо шунга қарамай, Ни хушчақчақ қиз эди, ҳатто қарғаганида ҳам кулиб турарди. Қиз Дикка жуда ёқиб қолди, бу самимийлик кундан-кунга кучая борди.

Тушки овқат вақтида Ни мардикорларга чой ва бататлар олиб келганида улар танишиб қолишиди. Биринчи марта улар бир-бирларига ҳеч шарса дейишмади. Ни чойнак-пиёслаларни, бир неча бататни уларнинг ёнига қўйиб индамасдан кетди. Дик қўлинни қоқиб, енги билан пешона терини артди, бир пиёла чой ичди, батат еди, тағин чой ичиб, ишга киришиб кетди. У, ҳатто, Нига тик қарашга ботинолмай, тез-тез яширинча қараб қўярди, холос. Ўзи ҳамиша шунаقا бўлади. Бир куни Ни овқатини боққа олиб келди-ю одатдагидек қайтиб кетмай, шу ерда қолди. Ўша куни улар уйда икковлон эдилар шекилини, бир оз дам олиб ўтиrsa ҳам бўларди. Дик уялганидан, ҳатто ўзинга чой ҳам қуя олмади. Ни кулиб юборди ва ёғ битиб кетган йўғон томоғидан зўрға чиқаётгандек чарчоқ товуш билан:

— Чой ич. Шунча ишлаганинг ҳам етар,— деди.

Дикнинг юрагидан қандайдир бир нидо аралаш хўрсиниши эшитилди, у ён-атрофга қараб қўйиб, Нининг олдидаги чойнак ёнига келди. Қиз оёғини чўзиб ерда шундай энгашиб ўтирадики, худди чойнакнинг устини ёпиб қўйгандек эди. Дик ўзини йўқотиб қўйди, у ўтиришини ҳам, бататни туриб ейишини ҳам билмас эди.

— Ўтир, ҳали ишларсан. Барибир кўп пул бериншмайди, кунбай ҳақингни олаверасан. Яхшиси чой ич. Бунақа зўр беришнинг нима ҳожати бор. Барибир ҳеч ким миинатдор **Сўлмайди**.

Дик нима деб жавоб беринин билмай уұ тортди. Уининг афти шу қадар ғалати эдикі, қызы бенхтиёр кулиб юборди ва у билан ҳазиллашмоқчи бўлди.

— Ҳа, нега ўтирмаюпсан?

Дик ўғирнилди, ижириганиб, бататдан кўзини узмаган ҳолда ерга ўтирди, қызы эса кулгисини зўрға тўхтатиб, уни кузатиб туради. Ниҳоят, Дик қизга қўрқа-писа қарди-ю, дарҳол ундан нигоҳини олди. Охири Ни чидолмай сўради:

— Нега бунақа камгапсан, Дик!

Дик кулиб юборди. Умрида биринчи марта кулиши ёли. Ҳар ҳолда Ни уининг кулишини сира кўрмаган эди, бу кулги қизга жуда ёқиб кетди.

— Ўйлансанг бўлмайдими яхши йигит! — таклиф қилиди у.

Дик бошнин орқага ташлаб, кўзини Нидан яширган ҳолда яна кулди. Ҳақиқатан ҳам у қиз боладан ҳам уятчан эди! Ни қотиб-қотиб кулди.

— Ювошлигингни жуда яхши кўринб қолдим. Менга уйланасанми, Дик? — бидиллади у.

Дик, кулиб юзини яширди. Ни бутун боғни бошига кўтариб хаҳолаб кулар, у ҳеч қачон бугунгидек кулмаган эди.

Бугун у ўзини бу даражада эркин ҳис қилганидан ниҳоятда хурсанд эди. Шу кундан бошлаб Дик ўзгара бошлади, эпчилроқ, кўзларида ўт чақнаб, баъзан аста куладиган ҳам бўлиб қолди. Хола Дикдаги бу ўзгаришларни сезиб, хавотирланди: охири баҳайр бўлсии-да. Бир куни Дик холадан, ҳатто қандай қилиб бой бўлиш мумкинилигини ҳам сўради. У ишлаб, пул йигади, кейин ижарага кичкина бир ер олади. Ахир одамлар ери ижарага қўйишади-ку. Ўз ери ва бошқаларникини ҳам ҳайдаш учун албатта қўтос олиш керак. Ўшанда улар тезда бойиб кетишади. Чўчқа сотиб олинса яна ҳам яхши бўларди. Хола энди қариб қолган, боғда ҳам, далада ҳам ишләётмайди, чўчқа сотиб олса... ҳалиги...

Тхит хола муғамбирона кулиб қўйди-да:

— Ҳалиги, чўчқаларни семиртирадим. Кейин эса ўзинигга хотин топасан-а? Бай, бай, тентаккинам-е!

Дик кулиб юборди.

— Ўйланарман ҳам, бўлмаса чўчқаларни сотиб юбориш мўмкни. Пул ҳамма вақт ҳам керак бўлади.

— Ўйланма деяпманни сенга! Ахир менинг ҳам бир

оёғим тўрда, бир оёғим гўрда, уйлаиссанг хотининг, бола-чақанг бўлади, бемалол оёғимни узатиб ўлардим. Кўз тагига олиб юрганинг борми ўзи?

Дик бир ҳиринглади-ю, индамади. Бу пайтда Ни унинг қалбини батамом мафтуни қилиб олган эди, Дик қўз билан учрашишга ва гаплашишга қулай фурсатини сира бой бермасди.

Бу ҳақда ҳеч ким сезмагуича ҳамма иш жойида эди. Аммо қишлоққа бу ҳақда овоза бўлиши билан аввалинга ҳеч ким ишонмаса-да, кейин катта шов-шув кўтарилди. Ниҳоят, бу янгилик Нини асраб олган чиновник жаноб Хоанинг ҳам қулоғига етди. Ҳамма вақт шундай бўлади. Уз оиласидаги воқеаларни одамлар кўпинча кўчадан эшитадилар. Шуниси ҳам яхши, бўлмаса ишонга берилиган оғиз фақат икки нарса: ейишу, ичиш билан банд бўлиб қоларди.

Жаноб Хoa қачонлардир ўнбоши бўлиб хизмат қилганди, ўша кунлари ҳали ҳам димогидан кетмай, уйида солдатчасига тартиб ўрнатган эди. Қишлоқнинг фийбатчиларидан бирни Ни ва Дик ҳақида гапириб берганда у пешонасига бир уриб, хитоб қилди: «Бон!»<sup>1</sup>

Бу билан Хoa ҳамма нарсани тушундим демоқчи эди. Жаҳли чиққанидан қип-қизариб, бўртиб кетди. Гандиреклаб уйга кирди, шляпасини каравотга улоқтирди ва хаёл суріб энсасини қашиди. Сўнг, худди ток ургандек бақирди:

— Ни, қаердасан?

Ошхонадан:

— Шу ердаман,— деган овоз эшитилди.

Нининг юраги орқасига тортиб кетди. У нега бақираётганикин?

Идишларни синдирмаган бўлса, мебелларни-ку артиб қўйди, уйларни супурди. Ни уйга ҳали кириб улгурмаган ҳам эдики, боқиб олган отаси унинг юзига шапалоқ туширди, шу қадар қаттиқ урдики, қиз чайқалиб кетди. Жаноб Хoa уриб-уриб сўқинарди:

— Ҳайвон! Ярамас!

У қизни ўлгудай савалади. Қиз ҳаммасига чидаш берди. У боқиб олган отасининг феълини яхши биларди. Агар бақирса, баттар жаҳли чиқарди.

<sup>1</sup> «Бон» — французча «bien» яъни, яхши деган сўзининг бузиб айтилгани.

Ниҳоят, жаноб Хоанинг қўли толиб, уришдан тўхтади. Яхши ҳамки Ни жуда соғлом, бақувват эди, бўлмаса оғзи-буринидан қон келардиёв! Юзи мўматалоқ бўлиб кетди. Қиз титраб, жимгиниа кўз ёши тўкарди. Хoa стулга ўтириб, бир қўлини столга қўйди, бир қўли билан қизининг иягидан ушлаб, шағиғиллади:

— Нима иш қилиб қўйганингни билассанми?

Ни индамасди.

— Ҳали билмайсанми? Уидай бўлса қулоқ сол, мени бекорга урмайман. Сен жуда бузилиб кетган экансан. Билмай қолибмаи. Ким рухсат берди бундай қилишга? Ганир!

Шундан кейин Хоа овозини пасайтириб, ҳозиргина эшигларини қизга бирма-бир айтиб берди. Қиз чурқ этмай тураверди. Чунки у ўзини гуноҳкор ҳисобламас эди, аммо гап қайтармасликининг афзаллигини тажрибадан биларди. Яхниси, бир йўла жазолаб қўя қолсин. Додини кимга айтади? Хоа жаҳлини зўрға ютиб: бу қизни ўлгунча савалаш керак, деган ўйда эди.

— Сен ифлос маҳлуқ!— деб бақиради у.— Уйнигда турганингда нима помаъкулчилик қиласанг бўлаверар эди. Аммо менинида бунақа ишга йўл қўймайман. Ҳалойиқ олдида мени шарманда қилдинг. Тағин уялмайди-я? Сенга қиласан яхшиликларимнинг мукофотими бу?— Жаноб Хоа бир оз жим турниб, бирдан сўраб қолди:— Қани ганир-чи, нима учун бунақанги бузуқсан?

Ни ҳамон индамасди.

Шу пайт уй бекаси келиб қолди.

— Нима гап ўзи?

Эри қўпол сўқинди:

— Ҳеч нарса бўлгани, йўқ! Манави таъвия фоҳиша бўлиб кетибди.— Уй бекаси гўё мўъжиза кўргандек қўзларини бақрайтириб қолди.

— Нақадар даҳшат! Қани азизим, бир бошдан айтиб бер-чи?

Уй бекаси «азизим» сўзини уларниг қишлоғига кўчиб келган шаҳарликтарга тақлид қилиб айтарди.

— Нақадар bemazagarchilik! Қандай бебошлик! — деб бидирларди у.

«Онагинасининг» вайсаши ва ҳазар қилиб лабларини чўччайтириб, афт-башарасини буришириши Нининг сабр косасини тўлдириб юборди. Қиз ҳўнграб йиғлади, ҳамма эшигсини дегандек бақирди:

— Мен ўйлабманки... Ҳалиги, мен ўйлабманки, ҳам-  
ма ҳам шунақа қиласи деб!

Үй бекаси ўрнидан ирғиб туриб кетди. У қизга ёпиши-  
дил, унинг соchlаридан ушлаб, юзларини юмдалади. Қақ-  
шаб Нини қарғар, юзига устма-уст шапалоқ туширас-  
тади ўзини бирор ураётгандек бақирар эди. Хўжайин тиши-  
ларини ғижирлатарди.

— Бас қил! Қўни-қўшилар чиқиб қолмасин!

У шундай деди-ю, ўрнига ётиб, йўталди, гўё уни бў-  
ғаётган ғазаб томоғига тиқилгандек бўлди. Хотини эри-  
нииг йўталишига сира тоқати йўқ эди, ҳозир эса инда-  
масликка қарор берди. Бўлмаса шу қадар жаҳли чиқиб  
кетадики, ана унда тинчтиб кўр-чи уни.

— Энди менга керагинг йўқ сенинг. Шу бугуноқ жў-  
наб қол,— деди уй бекаси оғир нафас олиб Нига. Нининг  
кўпдаш бери кетгиси бор эди-ю, аммо эрга чиққач кетар-  
ман деб қарор берганди. Роппа-расо ўн йил чидади, яна  
иқки-уч йил чидайди. Кетдингми, гап-сўздан қулоғинг  
тинчмайди. Аммо энди ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.  
Ни ошхонага қочиб кирди-да, бурчакка тиқилди, юзини  
тиззасига қўйиб, ҳўйнраб йиглади.

Үй бекаси эрига кўз қирини ташлаб, унинг ҳамон  
жаҳлидан тушмаганини кўрди-да, пичирлади:

— Вой қўзинг тешилгур-ей!

Эри энди уни тун бўйи эговлаб чиқишини биларди...

\* \* \*

Дикнинг ғамгин ва сержаҳл бўлиб қолганини хола-  
дарров сезиб қолди. Унинг башарасидан заҳар томиб  
турас, остки лаби доимо керилган, қошлири чимирилиб,  
иқўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўларди. Дик яна ин-  
дамас бўлиб олди, аммо баъзан сабр косаси тошиб кет-  
гандай пишқириб юборар, шунда у ўз заҳрини нима  
кўринса шунга: итгами, мушукками, саватгами, сабзавот-  
лиаргами, томгами, кетмонгами, ҳаммадан кўп холага  
соҷар эди. Дик қўлига тушган нарсани парча-парча қи-  
либ ташлар, унга қараб туриб кампир дағ-дағ титрар ва  
отасининг хулди ўзи-я, дер эди. Аммо начора... Хола ҳам  
индамас эди. У Дикнинг отасини яхши эсларди. Алдаб,  
уялтириб муддаога сира етиб бўлмасди, агар йўлига  
жон бўлсанг ўлдиради. Хола қочгани жой тополмай

қолди. Унинг ювош, индамас Дикига нима бўлди-я? Охири нима бўларкин? Қарғишига қолди. Ахир у ёшлигиданоқ балиқ сингари тилсиз бўлди, кейин ҳакка сингари қақилдоқ, энди бўлса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қутуряпти. Йўқ, бекорга шунақа қилмаса керак.

Кимдир уни қаттиқ хафа қилган. Бечора кампир! У наверасидан ҳам соддароқ бўлиб чиқди-я! Наҳотки, ҳеч нарсани билмаган ва эшитмаган бўлса-я?

Жаноб Хоа Нининг сочини қиришилаб олиб, бошига оҳак суртди-да, уйндан ҳайдади. Шундан бери Нини қишлоқда кўришмади. Рост, баъзи одамлар, уни ҳеч ким ҳайдагани йўқ, унинг ўзи қочиб кетган, негаки, ҳомиладор бўлиб қолган экан, дейишарди. Бундай бўлиши жуда қийин — округдаги ҳамма одам хўжайнинг таниш, уни дарҳол ушлаб, қишлоққа олиб келишар эди. Ушласа борми — терисига сомон тиқарди-да, ҳазил гапми? Ахир бу қиз учун пул тўлаб қўйилган. Тасаввурни кенгроқ одамлар гўё Хоа Нини негрга эрга бергану, ота-онаси билмасин, деб қочириб қўйган, дейишарди.

Бу воқеа баъзи кишиларни жуда қизиқтириди. Улар ҳам ўз қизларини негрга беришни, бу билан фарзандларини баҳтли қилиб, икки юз кумуш тангани чўнтакка солишини орзу қилишарди. Биргина солдат Тао бу нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон ва уйдирма бўлиб, негрлар ким тўғри келса ўшанга уйланиб кетишавермайди, деб гаров бойлашга тайёр эди. Шаҳарда қанақа қизлар борки! Ясанган-тусанган, пардоз қилган гўзаллар, фаришталардан бир туки каммас, французча гапиришни ҳам билишади, ҳатто ана шуларга ҳам қарашни истамайди-ку негрлар.

Хуллас, турли хил миш-мishлар тарқалди-ю, ҳеч ким аниқ бир нарса билмади. Аммо шуниси аниқ эдикни, қиз жаноб Хоанинг уйида йўқ эди. Чунки у янги хизматчи ёлладди. Жаноб Хоа билан хотини бир оғиздан: «У жуда ахлоқсиз чиқди, унинг қаердалигини билишни ҳам истамаймиз» дейишар ва гапни бошқа ёққа буриб юборишарди.

Дик ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйган, айни пайтда ғазабланарди ҳам. Хайрлашиш учун бир оғиз сўзини аяди-я! Ҳаммаси муғамбирлик! Хотинларга сира тушуниб бўлмас экан-да! Одамлар Момақалдироқнинг ўғли билан топишибди, деб устимдан кулишади деган-да, уялаганидан қочган кетган. Дик туғилганида отаси ўлиб кет-

тан эди-ку. Уни сира кўрмаган бўлса гуноҳи нима? Бир куни Ниннинг Дикка айтган гапи ёдига тушди: «Мен сенга мулойим бўлганинг учун тегаман. Бошқа бирор инг сенинидақа ота-онаси бўлганда устимдан тилла тўйса ҳам тегмаган бўлардим. Жаҳлинг чиқмасин, гапга қўлоқ сол: отаси қотил, онаси бузуқнинг боласига ҳеч қандай қиз эрга чиқмайди: ҳали сен туғилмасинингдан, эрининг гўридаги тупроқ қуримасданоқ, онанг бошқа киши билан қочиб кетган-а! Аммо сен унақа эмассан, шунинг учун сени ёқтириб қолдим,— Дик жимгина тинглаб, оғир хўрсинарди. Дикнинг жаҳли чиқаётганини кўриб, қиз шоша-пиша қўшимча қилганди ўшанда:— Кўрқма, мен албатта сенга тегаман! Керакли нарсаларни тайёрлайвер. Хўжайнлар рози бўлишса бўлгани, ахир улар мени боқиб олган ота-онам ҳисобланишади. Бирор бирон нарса деса ўзим боплайман! Кўрқма!»

Шундан кейин Дик тинчланди. Кейин нима бўлди? Нега қиз қочиб кетди? Эҳтимол, эл оғзига элак тутиб бўлмаслигини тушунгандир, ёки одамлар рост айтишади, бу йигитга тегиш яхшиликка олиб келмайди, деб қарор қилгандир? Бу ўйлар Дикка жуда азоб берди ва унидаги ҳамма нарсани тилка-пора қилиб ташлади. Шундан кейингина гўё ўзини енгил сезгандек бўлди-ю, баттарроқ тумшайиб олди. Истар-истамас ишлар, жаганини зўрға қимирилатиб овқатланар, кўзини бир нуқтага тикиб хаёл сурарди. Бир кося гуручни егуンча худо билади, қанча вақт ўтаркин. Дик овқатланиб дарҳол ундан чиқиб кетар ва ярим кечагача санқиб юради. Оғзига бир увоқ солмаган кунлари ҳам бўларди. Уймуси ҳам қочди. Кечалари инграб уҳ тортарди. Озиб кетди.

Нихоят, Тхит хола набирасига бир гап бўлганини пай-  
қаб қолди. Одамлардан хафа бўлди. Бошқа дард-касал-  
тиарий ўйқумин-а? Бирорларининг ишига нега аралашар  
эжанлар? Дикнинг отаси тирик пайтлар яна холанинг  
шинга тушди. У пайтда ҳеч ким ифво қилолмас эди. Бир  
ножӯя гап айтиб кўришсин-чи, тишларини суғуриб  
тардиди. Жи ўтакетган тараққос эди-ю, унга бир-биридан  
шаройли, гулдек хотинлар учради. Ўзлари келишмасди,  
шурлаб оларди. Дик ҳам шундай қилса бўларди. Тегмай-  
ман деган қизларнинг адабини бериб қўярди. Ҳа, зўр-  
таиса истаган қизини олиб кета оларди! Бу дунёда шун-  
дан бўлак йўл қолмаганга ўхшайди, ҳамма ерда ҳам

куч ишлатиш керак. Шунда ҳеч ким чурқ этиб оғиз очолмайди, қўлингни чўзиб, ёлворсанг ҳеч ким бермайди.

Бир куни хола Дик билан гаплашмоқчи бўлди.

— Уйланмоқчи эканлигинги ўзимга айтиб қўя қолсанг бўларди, сенга ўзим хотин тонардим, ўз қишлоғимиздан эмас, бир оз нарироқдан.

— Учир овозингни! Бекорчи гапларинг жонга тегди,— уининг сўзини бўлди Дик.

Хола хафа бўлди-ю лекин бехосдан келган кўз ёштарини артиб, индамай қўя қолди. Шундан кейин неварасини уйлантириш ҳақида оғиз очмай, тирикчилик ғамида куни бўйи боғда ивирисиб юрадиган бўлди.

Кечаларнинг биринда хола бехосдан уйғониб қолди, қараса, тепасида Дик турибди. Кундузи у қаёққадир кетган эди, ҳозиргина қайтиб келибди чоғи. Дикинг бирон гапи бор шекилли, деб ўйлади кампир ва нима дейсан дегандек унга қаради. Аммо Дик ҳеч нарса гапирамай, кампирга тўрт донг қофоз пул узатди, хола сўзлашишга оғиз жўплаган эди, у пулга имлаб, қайтиб чиқиб кетди. Эртасига кимдир холага Дикни гўё ишга ёлланиш конторасида кўрганини, у Сайгонга қора ишчи бўлиб кетганини айтди.

Шундай шов-шув бўлдики, асти қўя беринг. Бирорларнинг айтишича, гўё Дик Нини қидириб топган эмиш ва улар маслаҳатлашиб Сайгонга кетишмоқчи бўлганимиш. Бошқалар эса уларни ишга ёлланиш конторасида бирга кўрганларини айтардилар. Учинчи бирорлар, Дик ўз онаси олдига кетяпти, онаси у ерда бой бўлиб кетганимиш, ўғлини олиб келишга одам юборипти, деб онт ҳам ичдилар. Хуллас, ҳар кимнинг гапи ҳар хил эди. Фақат бир нарсагина аниқ эдики, шу кундан бошлаб Момақалдироқ авлодидан Ву Дай қишлоғида ном-нишон ҳам қолмади.

— Ўзим ҳам ҳеч нарса билмайман. Уйининг куйгур маҳмадоналар! Лаънати бекорчилар!— деб жаҳли чиқарди холанинг.

Қампирнинг юраги сиқилиб, жоҳил бўлиб қолди.

У қашшоқ бўлиб, суннадиган кимсаси қолмади, ҳеч бўлмаганда тобутнга етадиган етти донгни тўплаш учун бор кучи билан ҳаракат қилишга тушиб кетди. Хола ўлим ҳақида кўпроқ ўйладиган бўлиб қолди; яккалик қурсин. Боғ ҳам, уй ҳам бўм-бўш. Ўлганида обориб кў-

мадиган жонкуяри ҳам йўқ. Унинг руҳини дўзах азобидан қутқариш учун энди ким ибодат қиласди?

\* \* \*

Аммо холанинг тақдиррида ёлғиз ўлиш битилмаган экан шекилли. У инқилаб-сийқилаб, бетобланиб қолди, ўзига тобут ҳам ясатди-ю, аммо ўлмади. Унинг ҳаёти шам чироқдек гоҳ ўчиб, гоҳ милтиллар, шамолнинг ҳар галги хуружидан титрар эди. Йўқ! Кекса, оқиз, бунинг устига ёлғиз одамга яккаликда ҳаёт кечириш қип-қизил азобининг ўзи...

Дик ғойиб бўлгандан буён қанча сувлар оқиб кетди, қишлоқда уни эсадан чиқара бошлаган эдиlar ҳамки, қўққисдан пайдо бўлиб қолди, у ўзи билан хотини ва катта бир сандиқ олиб келди. Дикка нима бўлганинг? Аввалига буни ҳеч ким билмади. Озиб, қорайиб кетган, юзлари салқиган. Ич-ичига тушиб кетган кўзлари ҳар томонга жавдирайди, бу кўзлар аввалгисига сира ўхшамайди. У анча озгаи бўлса ҳам, кўринишидан пишиқ, бақувват эди. Олифтанамо кийинган: қайтарма ёқали қип-қизил кўйлак, қора шим, сариқ, европача бичилган битта тугмали костюм, қора шляпа, таги каучукли ботинка, ҳаммасидан ҳам оғзи тўла тилла тишини айтмайсизми. Хотинида эса оқ кофточка ва қора шим, соchlар турмакланган. Қишлоқ хотинлариники сингари бошида на рўмоли, на эгнида узун кўйлаги бор. Бойвучалиги шундоққина кўриниб турибди: ҳар бир бармоғида биттадан узук. Дик ҳам унинг бойлигига учган-да, бўлмаса нега қари, хунук хотинга уйланарди? Бундан кўра Нининг ўлса ўлиги ортиқ эди, бу хотин эса қилтириқ, баджаҳл, ёқимсиз, аъзойи бадани сувга чўкиб ўлган одамнинг бадани сингари доғ-дуғ, кўзлари чақчайган, сурбет.

Эр-хотин холага ҳурмат билан салом беришди, Дик эса:

— Сизни тирик кўролмасман деб ўйлаган эдим, худога шукур, кўрдим...— деди.

Келин ёқмаса ҳам, хола ўзини бахтиёр сезди. Дик ўша пайтда бу ерда жуда сиқилганини, Сайгондан баҳг топарман, деб кетганини айтиб берди. У ерда каучук

плантациясида ишлабди, кейин пул тўплаб, савдо билан шуғулланибди. Эр-хотин ҳаракат қилиб, озгина пул йиғишибди.

— Эрим сиз йўқдирсиз деб кимсасиз уйга қайтиб келишини истамади. Мусофиричилликда нималар бўлмайди дейсиз, ўз уйнинг ҳар ҳолда тинч бўлади...

Хола келишини мақтаган бўлди. Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди, шунда келишининг ҳам плантацияларда ишлагани мъълум бўлди. У сарашжом-саришта хотин эди, энг муҳими — одамига қараб муомала қилишини биларди: холага у кийим-кечак ҳам, ҳар хил ширинликлар ҳам ҳадя қилди. Эр-хотин маслаҳатни бир жойга қўйишиди. Эри аввалгидек боғ юмушини қиласди, хотин эса савдо билан шуғулланади: корзина билан обкаш сотиб олади-да, ҳар хил майда-чуйда олиб, бозорга қатнайди. Шуидан кейин ишлари юришиб кетади. Лоақал ўлар олдида хола тинч яшайди-ку ахир!

Бечора лақма хола! Орадан бир ҳафта ҳам ўтмасдан, кампир ҳамма умидлари пучга чиққанини пайқади. Бир куни эрталаб қандайдир шовқин-сурондан уйғониб кетди: қараса, Дик хотини билан уришаётитти. Холанинг жаҳли чиқди: қани энди уларни кўрмай қўя қолса. Қолган умри шундай азобда ўтар экан-да. У секин-секин инграб жойида ётаверди. Билганларини қилишсин. Аммо келиннинг гаплари тепа сочини тикка қилиб юборади:

— Лаънати қароқчи! Қотил! Қани тегиб кўр-чи, қамоқда чиритиб юбораман!

— Ўзинг қотил!

Ҳақорат, кийимларнинг йиртилиши, ағанаётган буюмларнинг шовқини. Улар бир-бирларининг кийимларини йиртишар, қўлларига тушган нарсани улоқтиришар, идиш-товоқларни синдиришар, хола эса ётган жойида йиғлар эди.

Эр-хотин кун бўйи тумтайиб юришиди, хола бўлса оч-наҳор ўтираверди. Бундан кўра келмаганлари ҳам яхши эди, деб ўйларди ўзича у. Аммо кечга бориб улар тинчланишиди, келин вино олиб келгани кетди, кейин тоувқ сўйди, эр-хотин тинчгина овқатланишиди.

— Мени кечир,— деди келин ширин суханлик билан.— Жаҳлим чиққанда ақлим қочади, оғзимга келганини қайтармайман. Ўзинг ҳам қизишиб кетдинг.

плантациясида ишлабди, кейин пул тўплаб, савдо билан шуғулланибди. Эр-хотин ҳаракат қилиб, озгина пул йигишибди.

— Эрим сиз йўқдирсан деб кимсасиз уйга қайтиб келишин истамади. Мусофиричиликда нималар бўлмайди дейсанз, ўз уйнинг ҳар ҳолда тинч бўлади...

Хола келини мақтаган бўлди. Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди, шунда келининг ҳам плантацияларда ишлагани маълум бўлди. У сарангом-саришта хотин эди, энг муҳими — одамига қараб муомала қилишин биларди: холага у кийим-кечак ҳам, ҳар хил шириниликлар ҳам ҳадя қилди. Эр-хотин маслаҳатин бир жойга қўйишидди. Эри аввалгидек боғ юмушини қиласди, хотин эса савдо билан шуғулланади: корзина билан обкаш сотиб олади-да, ҳар хил майда-чўйда олиб, бозорга қатниайди. Шундан кейин ишлари юришиб кетади. Лоақал ўлар олдида хола тинч яшайди-ку ахир!

Бечора лақма хола! Орадан бир ҳафта ҳам ўтмасдан, кампир ҳамма умидлари пучга чиққанини пайқади. Бир куни эрталаб қандайдир шовқин-сурондан уйғониб кетди: қараса, Дик хотини билан уришаётнитти. Холанинг жаҳли чиқди: қани энди уларни кўрмай қўя қолса. Қолгани умри шундай азобда ўтар экан-да. У секин-секин инграб жойида ётаверди. Билганларини қилишсин. Аммо келининг гаплари тепа сочини тикка қилиб юборади:

— Лаънати қароқчи! Қотил! Қани тегиб кўр-чи, қамоқда чиритиб юбораман!

— Ўзинг қотил!

Ҳақорат, кийимларнинг йиртилиши, ағанаётган буюмларнинг шовқини. Улар бир-бирларининг кийимларини йиртишар, қўлларига тушган нарсани улоқтиришар, идиш-товоқларни синдиришар, хола эса ётган жойида йиғлар эди.

Эр-хотин кун бўйин тумтайиб юришди, хола бўлса оч-наҳор ўтираверди. Бундан кўра келмаганлари ҳам яхши эли, деб ўйларди ўзича у. Аммо кечга бориб улар тинчланишди, келин вино олиб келгани кетди, кейин то-вуқ сўйди, эр-хотин тинчгина овқатланишди.

— Мени кечир, — деди келин ширин суханлик билан. — Жаҳлим чиққанда ақлим қочади, оғзимга келганини қайтармайман. Ўзинг ҳам қизишиб кетдинг.

— Майли, қўя бер эпди! Сен ҳам менн кечир,— делиг тўнгилтаб Дик.

— Худо хайриигни берсии!

Шундан кейин улар овқатланиши бошлашди, орасира бир-бирларига мулойим қараб қўйишар, чимидиқдаги келин-куёвлардек кулишар, ўйнашар эдилар. Хола ҳам кулар, ўзича: «Худди болаларга ўхшашади-я», дерди. Холада яна умид учқуни пайдо бўлди: «ёшлар» энди эҳтимол жанжаллашмас. Аммо эртасига эрталаб яна жанжал бошлианди. Кейин яна ва яна. Бу турмуш эмас, жаҳашамнинг ўзи. Тўғри, улар ҳар қайси жанжал-араздан кейин дарҳол ярашишар, тавба-тазарру қилишар, кўпинча ҳатто йиғлашар, аммо бир минутдан кейин тагин жанжал қилишарди. Навбатдаги ярашишлари шарафига ҳали дастурхонга ўтириб улгурмаган пайтлари ҳам бўлади.

Бир куни хотини бозордан кела туриб, худди ўзи сингари хунук, сурбет ва ориқ ўн бир яшарлар чамаси қизни бошлаб келиб, севиниб деди:

— Бу бизнинг асранди қизимиз бўлади. Кимнинг қизи эканлигини билмайман, ўзи ҳам билмайди, ота-онамни ёшитимда ийқотганман, дейди. Боқиб олган онаси шу қадар урар эканки, қочиб қутулибди. Бир неча кундан бери кўча-кўйда тентириб юрган экан. Бозордан келаётган эдим, ёнимга келиб, қучоқлаб олди, йиғлаб, олдимдан кетгиси келмади.

Дик хотинининг сўзига ишонмади-ю, жанжал чиқмасин деб қизни қабул қилишга рози бўлди. Шу кундан бошлаб турмушлари яна ҳам аччиқ ўтадиган бўлиб қолди. Хотини қизни эркалаб ардоқлар, Дикнинг ҳатто қўлинин ҳам тегиздирмас, сал нарсага шовқин кўтарарди.

Хотини илгари ҳам эрига қўпол муомала қилас әди-ю, энди жуда ҳам тўнини тескари кийиб олди. Унинг башараси ҳар минутда ўзгариб турар, кўзлари баъзан шу қадар даҳшатли тусга кирар эдикни, кўрган киши титраб кетарди. Бир кун кечаси Дик уйғониб қараса, хотини ёнида унга тикилиб ўтирипти. Сочлари тўзғиган, кўзлари қоронғида даҳшатли чақнаради. Дикнинг ўтакаси ёрилиб, қимирлашга ҳам мажоли қолмай, қотиб қолди. Узини бир оз босиб олиш учун кўзини юмди. Хотини эса хотиржамгина унинг ёнига чўзилди. Эрининг уйғоқлигини сездимикин?

Эҳтимол у одам эмас, уни жазолаш учун юборилгани  
аблиседир? Шундан бери Дик ундан чўчиб қолди. Қўрқ-  
масдан бўлмайди-да, уларниң қишлоғидек бундай паст-  
қам жойда ҳамма ҳам ногаҳоний фалокатдан қўрқади.  
Бамбуқ ўрмонлари кечалари аллақандай сирли шовил-  
лайди, боғлари эса қабристоига ўхшайди. Қишлоқда уй-  
данам боғ кўп, шунинг учун бир уйдан иккинчи уйга  
бориш учун қанча юриш кераклигини худонинг ўзи би-  
лади. Тхит холанинг похол ёпилган уйн ҳам банаnlар  
қуюқ ўsgan боғининг ўртасида жойлашган. Уйдан сал  
нарида кичкина бутхона ҳам бор, аммо у ерда бир йил-  
ла икки ҳафта ибодат қилинадар, бошқа вақтларда эса  
жимлик ҳукмрон эди, гоҳ-гоҳда фақат қуриған дараҳт-  
нинг қарсилашигина бу жимликни бузиб турар эди. Тў-  
син ва хариларнинг гўё алам ва мусибатдан нолигандек  
ғижирлашларини кимсасиз пастқам қишлоқда кўп яша-  
ган одамгина билади. Серқуёш, ям-яшил жанубдан кел-  
ган Дик учун туғилиб ўsgan қишлоғи ҳувиллаб қолган-  
дек туюларди. Нимага ҳам келди бу ерга? У ерда қўрқув  
нималигини билмасди. Ўлимни кўп кўрган бўлса ҳам,  
буначаиги балога дуч келмаган эди. У ернинг одамлари  
ҳам мард, бу ернинг одамларига сира ўхшамайди. Ҳар-  
га ҳамма нарса барибир — улар на гуноҳга-ю, на савоб-  
га ишонишади. Жанубга ҳамма томондан хўрланганлар  
келишар, булар орасида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган-  
лари ҳам бўларди, аммо улар Дикка ҳеч қандай зиён ет-  
казмадилар. Одам кўп бўлган ўша томонга, лоақал шах-  
тага кетсамикин? У ерда ўз баҳтини топиб, ҳар қандай  
зўравонга ҳам бас келарди. Уйда ўтириб, ботир бўлол-  
майсан, буни у жаҳонгашта бўлиб тушунди. Яшаш учун  
жонни аямай курашмоқ керак. Қишлоқдаги ҳаёт ҳам  
ҳаёт бўптими?

Бу ерда латтага ўхшаб қоласан киши. Бундай фикр  
Дикнинг бошига тез-тез келиб турарди, шунинг учун  
ҳам бир куни хотини уйида йўқлигида у кампирга шун-  
дай леди: «Унинг бунчалигини билмовдим. Қишлоқقا  
олиб борсам одам бўлар деб ўйлаган эдим, у бўлса ўша-  
ўша. Қайтанга мени ҳам гуноҳга ботирди. Қайтариб олиб  
кетаман. У ерга олиб бориб, думини тугаман. Бўлмаса,  
ҳойнаҳой мендан эrim қўрқади, деб ўйласа керак».

Тхит хола индамай, хўрсанибгина қўйди. Чунки  
уларнинг ишига аралашмасликни лозим топди.

Шу пайт уйга келини отилиб кирди.

— Үгривачча! Балога йўлиққур Момақалдироқ!

Дик тишлигини ғижирлатди. Унинг ота-онасини эслатишганда жини қўзиради. Бу гапни худди Ни айтган. Үлдирсаммикин у ифлосни. Дик даҳшатли тусга кирди, газабдан бурин катаклари керилди. Туришининг ўзи жуда қўрқинчли эди. Қани тағин бир нарса деб ҳўрсинчи! Қани! Хотинини ўлдиради, тилка-пора қилиб ташлайди! Қани пичоқ? Шунақаям чавақлаб ташлайдики у илонни!

Аммо хотиҷи ерга ўтириб олиб, юзини қўллари билан бекитганича йиғлай бошлади.

— Эй худо! Бу азоблар қаерда эди менга! Ҳаммапарсадан кечиб, орқасидан келсаму, у бўлса мени ҳўрласа. Уни деб одам ўлдиргандим, ўзи энди мени ўлдиromoқчи-я!

Дик бутуни жаҳлини оғир ҳўрсиниш билан ифодала-гандай ижирғаниб, бир оз юмшаган бўлди. Хотини йиғлаб-йиғлаб, охири уйга кириб кетди.

Улар эрталабдан бери ҳеч нарса ейишмади. Хотини деворга қараб ётиб олганича йиғларди, қизчаси эса унинг атрофида парвона бўларди. Дик виждан азобида қолжанини ҳис этиб, сал жаҳлидан тушай деб турган эди, бирдан қандайдир ғалати овоз эшилди: хотини куляптими ёки йиғлаляптими, буни билиб бўлмас эди. Эй худо, ақлдан озмадимикин? Дик уйга югуриб кирди. Ҳақиқатан ҳам хотини жинни бўлганга ўхшарди. Совун, ип, синъка, пайпоқ, қўлқоп — хулласи, бозорга олиб борадиган ҳамма нарсани туз ва балиқ қайласи билан аралаштириб корзинкага солди. Кейин ўрнига ўтириб, ҳаммасини корзинкадан калтак билан илиб олиб, бутун хонага соча бошлади. Дикни кўриб кулди:

— Бу ёққа кел, гапимга қулоқ сол! Мен ҳаммасини олиб ташладим.

У бошини чайқади.

— Ҳеч ким бозорга бормай қўя қолсин! Эшитяпсанми? Биз қизчам билан тез орада бу ердан жўнаб кетамиз.— Аёл жиннилардек хахолаб кулди. Кейин йиғлади. Қиз ҳам пиқиллаб йиғлади. Хотин дарҳол қизнинг кўз ёшларини артиб бақирди:— Бўкирмай Мен қаёққе борсам, сен ҳам шу ёққа борасаи! Оч бўлсам оч, тўқ бўлсам тўқ бўласан. Үладиган бўлсам сени ҳам ўлдираман!

Қиз қўрқа-писа йиғидан тинди. Дикнинг ҳайрон бў-

либ турганини кўрган хотин қўлидан ушлаб, ёнига ўт-қазди.

— Утири, сенга айтадиган гапим бор. Бу ерга келиб, ўтган гаплариниң ҳаммасини унтарман деб ўйлаган эдим. Сен бўлсанг... мени деб шунча азоб чекдинг ва ҳозиргача азобланяпсан. Яхшиси мен кетай.

Дик хўрсниди. Хотини Дикнинг қўлидан ушлаб, кўз ёши тўкиб уни алдай бошлади:

— Биз энди бирга яшай олмаймиз, кечир мени. Кетишингга рухсат бер.

Дик гўё унинг сўзларини эшитмаётгандай қимнир этмай ўтиради.

— Менга ҳеч нарса керак эмас: на пулу на қиммат-баҳо буюмлар. Улар сенга ҳам керак эмас. Ҳаммасини дарёга ташлаб юбор.

— Нима гап ўзи, ҳозир кетмоқчимисан? Ҳолинг нима кечади? — деб сўради Дик ниҳоят.

Хотини бош чайқади.

— Ҳечқиси йўқ. Бир амаллаб кун ўтказарман, тиланчилик қиласман!

— Сенга шима бўлди, ўзинги ўзинги ҳароб қилмоқчимисан? Кетмал

— Йўқ!

— Ундаи бўлса сен билан мен ҳам кетаман.

— Йўқ! Йўқ! — деди аёл қўрқа-писа.

Дик индамади.

— Хаёлнингга бошқа нарсани келтира кўрма, ҳеч кимим йўқ, ёлғиз ўзим кетаман,— қўшимча қилди хотини унинг фикрини сезиб.

— Майли, билганингни қил. Сени боғлаб қўя олмайман, — деди Дик ранжиб.

— Ростини айтдим сенга. Раҳминг келсин. Яхшиликча жўнатиб юбор, — деди ва бир оз ўйлаб қўшимча қилди: — Мен ўтганларни унту олсам... Бошқача одам бўлиб қолсам, қайтаман... — хотин йиғлади. — Аммо сен кутма... мен ҳеч қачон... ҳеч қачон...

Бирдан ҳамма нарса солинган балиқ қайлали сават унинг эсиға тушди, кулди, саватни оёғи билан тепди, ҳаммасини полга ағдариб, тепкилай бошлади, чинҳириб бақирди: «Эй қуриб кетгур! Момақалдироқнинг зоти! — Кейин қизчага қараб, — кетдик!» — деди.

Улар уйдан чиқиб, тўғрига кетишли. Дик эсанкираб уларнинг орқасидан қараб қолди.

— Момақалдироқ, момақалдироқ, қоринга тепар поқ-поқ! Момақалдироқ, момақалдироқ,— деб болалар гоҳ чапак чалиб, гоҳ ўйноқилаб бақиришарди. Улар Дикнинг жаҳли чиқишини кутиб, қочишга пайт пойлашарди. Дик болаларга ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Болалар қўрқиб четга қочишиди, аммо Дикнинг жойидан қўзғалмаганини кўриб, яна қаттиқроқ бақиришди: — Момақалдироқ, момақалдироқ, қоринга тепар поқ-поқ!

Дик даҳшат билан хўмрайиб, бармоқларини осмонга кўтарди. Болалар кулишди, унинг ўзи ҳам хаҳолаб қулди-да, болалар олдига писиб келиб, биттасини оёғидан ушлаб олди. Қолгайларичуввос солиб тўзиб кетишиди. Улар бир-бирларининг оёқларига урилишиб йиқилишар, яшириниш учун дуч келган эшикка ўзларини уришарди. Дик ўрнидан туриб, болаларга ажабланиб қаради. Болаларнинг кийимларига чақириканаклар ёпишиб қолган, ҳаммаси ифлос, гўё ҳозиргина ўрадан чиққандай. Сўнг атрофидагиларга қарамай, бошини виқор билан кўтариб нари кетди.

— У хотини кетгандан бери кун бўйи кўчаларда санқиб юрарди. Баъзан йўлда тўхтаб, осмонга узоқ тикилиб қолар, ҳавода нималарнидир чизган бўлар ёки дарахтга қўлинни бигиз қилиб дўқ уриб:

— Момақалдироқ! Момақалдироқ! — дер эди.

— Аnavи Момақалдироқ одамларни қурбақа сингари ўлдирап эди. Унинг гўри ҳозир куйяпти. Бир куни гўрини ковлаб учта илонни олдим. Шундай даҳшатли илонларки, асти қўя беринг. Иккитаси боши билан мурданнинг кўзинга, думи билан бурнига ёпишган, учинчиси эса оғзига заҳар сочарди. Мен икки юзта илонни ушлаб олдим, уларнинг ҳаммаси сандигимда. Сандигимда пул ҳам кўп, у ерда учта олтин узук, бешта каҳрабо тош ва жуда кўп бриллиантлар бор. Қани ўғирлашмоқчи бўлиб уриниб кўришсин-чи, икки юз илон кулча бўлиб ётипти...

Кейин у тамомила бошқа нарса ҳақида гапира бошларди:

— Менинг хотиним — ажина, унинг узун думи бор, биласизми, қанақа? Узун! У думини оёғига айлантириб ўраб олган. Унга сағал тегиб кетсанг борми, тилини маңа бунақангি қилиб чиқаради.

Дик тилини чиқариб, илон сингари вишиллатди-да,

хахолаб кулди. Кейин яна жиддий тусга кирди, бошини чайқади, лабларини буриштирди ва гүё бир нарсадан қўрқаётгандек ҳар томонга аланглади.

— Бу Ни, Хоанинг боқиб олган қизи... оппоқ,— дерди хахолаб туриб.— Энди у назоратчи Тайининг хотини, мен Нининг терисини шилдим.

— Демак, Ни ўлипти-да?

— Нега ўлар экан? Тирик! Яна шундай семизки! — деб жавоб берди Дик жаҳл билан.

— Нега бўлмаса терисини шилиб олдим деяпсан?

Дик бир дақиқа боши қотгандай бўлиб турди-да, кейин деди:

— Нима учун менга Момақалдироқнинг ўғлисан деб таъна қиласди? Нега менинг ёнимни олмайди? У тағин мени Тайга айтиб урдирмоқчи...

Шундан кейин у ўйнига тушиб, хотинларнинг ингичка овозига тақлидан бақирди:

— Ҳаром ўлаверсии! Ҳаром ўлаверсин! У шунга лойиқ!

У худди хотинлар сингари юриб, елкасини силкиб, қўлочини ёзиб нари кетди.

\* \* \*

Бу Дай қишлоғига яна одатдаги жимлик чўкди.

— Осмоннинг ҳам кўзи бор сингилларим!


— Отаси шўр нарса еган, чаңғов азобини эса боласи тортаяти.

— Бирорга кулма, ўзинг ҳам ундан қолишмайсан!

Бу жазо эканлигига ҳамма ишонарди. Тхит хола кечалари оғрийдиган елкасини силаб, набирасини эслар ва оғир хўрсинарди.

— Эй-худо, эй худо! Умримда бирорга ёмонлик қилмадим, нима учун бир оёғим гўрда бўлган пайтимда тинчлигим йўғ-а?..

## ТИ ФЕО



и Фео йўл-йўлакай сўкиниб борарди. Унинг одати ўзи шунаقا: виноси тамом бўлди дегунча сўкингани сўкинган. Аввалига осмон-фалакни лаънатларди. Ҳар қалай бу уичалик катта эмас. Чунки осмон ҳеч кимга тобе эмас-да! Қейин жами одамзодни сўка бошларди. Бу ҳам жиноятга кирмайди, ахир, ҳаммани аралашига сўқяпти, демак маълум бир кишини сўқаётгани йўқ. Жоҳиллиги тутиб бутун Ву Дай қишлоғи аҳолисини сўка бошлиди. Аммо қишлоқдаги ҳар бир одам унинг сўкишларини эшитиб, «Менга таалуқли бўлмаса керак» деб ўзини юпатарди. Қани бирон одам юрак ютиб унинг зидига бир нарса деб кўрсин-чи! Деб бўпти. Бусиз ҳам феъли айниб турибди, қаҳрини кимга сочишини билмайди. Уясига биқиниб олган бу лаънати каламушларни сўккаидан бирори фойда чиқармиди? Биронтаси ҳам кўзга кўринмайди-я! Биронтаси! Энди винога кимдан пул олиш керак? Ҳар қадамда баҳтсизликка дучор бўладиган бу дунёга уни ким келтирди экан. Лаънатлар бўлсин ўша зотга! Аммо ким экан у? Ти Фео буни билмас, ҳатто буни Ву Дай қишлоғининг аҳолиси ҳам билмас эди.

\* \* \*

Бир деҳқон бир куни эрта азоида балиқ овлашга чиқса, ташландиқ хўмдан олдида чақалоқ ётибди. Со-вуқдан кўкариб кетган, чақалоқни хотинларнинг юбка-

сиға ўраб ташлаб кетишибди. Балиқчи гўдакни бир кўр бева хотинга олиб бориб берди. Бева хотин эса уни бе-фарзанд бир ҳунармандга сотди. Ҳунарманд кўп ўтмай вафот этди. Боқимсиз қолган бола уйма-уй тентираб, ҳар кимларнинг юмушини қилиб юрди. Ти Фео йигирма ёшга тўлган йили собиқ оқсоқол ҳозирги маслаҳатчи Кисен уйида қароллик қила бошлади. Шунда оқсоқол нинг учинчи хотини ёш бўлишинга қарамай, кўпинча гўби қочиб, Ти Феога оёгини, қорнини, елкасини уқалатармиш, деган гап тарқаб қолди. Бу ҳам етмагандек, оқсоқол жанблари қишлоқ бошқармасида ўзларини даргазаб тутиб, бутун ўқнишлопкини зир югуртирадилару, уйларида эса севикли хотинларнинг товоини ялайдилар, деганлар ҳам бўлди. Хотини биққасемиз, иккى юзи қип-қизил, келишган аёл бўлиб, оқсоқол ҳамиша бод касалидан нолигани нолиган эди. Бундай эр-хотинчиликда одатда эрлар хотиндан ҳайиқишиди ва хотинларни рашк қилишади. Баъзилар, оқсоқол хотинини тоғни урса талқон қиласидиган қаролидан қизганармишу аммо қўрқанидан йигитга индаёлмасмиш, дердилар. Бошқалари, айтгани айтган, дегани деган уй бекаси бўлмиш учинчи хотиннинг ишончидан фойдаланган қарол йигит, бир қанча пул ва дон-дунни ўғирлаб кетибди, дейишарди.

Хуллас, ҳар ким оғзига сиққанича ғийбат қиласди. Аммо кунларнинг бирида қаролни ушлаб олиб уездга, у ердан қамоқхонага жўнатишиди. Қаролнинг қамоқда қанча ётгани номаълум, аммо етти йилми, саккиз йилми ўтгач, у яна қишлоқда пайдо бўлиб қолди. Одамлар уни зўрга танишиди. Қиртишланган бошига, бетель<sup>1</sup> чайнайвериб қорайиб кетган тишларига, шамолда қорайган юзига, йилтиллаб турган кўзларига қараган кишини даҳшат босарди. Худди қароқчининг ўзгинаси дейиз! Устбоши ҳам бошқача: қора ипакли иштон, сариқ нимча, унинг ёқасидан тушь билан аждаҳолар, фениклар<sup>2</sup>, наиза ушлаган генералнинг расми солинган кўкраги кўриниб турнипти. Бундай расмлар қўлида ҳам бор. Бу одамга қараб туриб кишининг юраги орқасига тортиб кетарди.

<sup>1</sup> Бетель — хуштаъм барг. Учирилган оҳак, зираворлар солиб тайёрланади.

<sup>2</sup> Феникс — Қадимги Гречия мифологиясида тасвиirlанишича, кулдан пайдо бўлган қуш.

-Эртасиғаёқ у бозорда пайдо бўлди. Пениндан то кечгача винч ичиб, ит гўштидан тамадди қилди-да, кайф билан қуруқ бутилкаши кўтарганича маслаҳатчи Киненинг уйи томон юрди. У дарвоза олдида туриб олиб, хўжайини бўралаб сўкар, ҳар сўкканда ушинг болалигидаги исмини аташии упутмас эди<sup>1</sup>.

Маслаҳатчи уйида йўқ эди. Катта хотинининг жони чиқиб, иккинчи хотинига бу ярамасни дарвоза олдидан ҳайдаб юборишини буюрди, бу ишни иккинчиси учинчи-сига, учинчиси эса тўртничи-сига буюрди. Аммо хотинлардан биронтаси безорига бир оғиз гап айтишга журъат этишолмади. Уйда фақат хотинлар бўлгач, бу жиннига, бунинг устига яна гирт маст одамга ким тенг келарди дейсиз? Аёллар дарвозани қулфлаб олишди. Мана энди истаганича сўкиб айюҳаниос солаверсин. Адабини итлар бера турсин! Дарвоза орқасидан итлар вовиллаб чиқди. Учта қопогон ит кўзи қонга тўлган мастга ёпишди. Бўлди қиёмат! Қўшниларининг қулоғи кар бўлай деди-ю, аммо ичларида роса суюнишди: маслаҳатчининг хотинлари жинларига ёқмаган бир одами қаребаб-илгашарди, энди ўзларини маст безори қандай сўқаётганини бир эшишиб кўришсин-чи. Тағин қанақанги сўқяптики! Улар умрларида бунақанги сўкишларни эшитишмаган.

— У маслаҳатчи билан ўғлини бутун қишлоқقا шарманда қилди, энди одамларнинг юзига қандай қарашади,— дейишарди деҳқонлар,— ота-бувалари ҳам гўрларида тик турадиган бўлди:

Баъзи бир босиқроқ ва эҳтиёткор кишилар:

— Яхши ҳам жаноб оқсоқол уйда йўқ...— дейишарди.— Бу вақтда маслаҳатчининг ўғли Клонг оқсоқол эди, у ўзининг такаббурлиги билан қишлоқ аҳолисининг нафратини қўзғарди. Агар оқсоқол уйда бўлганида бу қадар жанжал бўлмасди. Шу пайт оқсоқол ердан чиққандек пайдо бўлди.

— Нега сен бу ерда бемазагарчилик қилипсан? Беватан дайди! — деган даҳшатли овоз эшитилди. — Нега бақирияпсан?

— Оқсоқол келди,— оломон ўртасидан шов-шув кў-

<sup>1</sup> Болалигидаги исми— Вьетнамда болаларнинг алоҳида исми бўлади. Кайта одамни, айниқса кексаларни болалигидаги исми билан чақириши ҳақорат ҳисобланади.

тарилди. — Оқсоқол шу ерда! Мана, энди уни боплайди? Оббо сен-э! Мана буни тарсаки дейдилар! Э, ҳали униси ҳам туширади! Бир-бирларининг биқиниларига туширяптилар! Қаранглар! Ёқасидан бўғяпти-я! Сўкишини қара, худди бўғизлаётгандай бўкиради-я. Ёрдам беринглар, деяпти.

— Одамлар, қутқаринглар! Одамлар! Бу разил менга пичоқ урди! Сўйиб қўйди! Одамлар!..

Ҳамма Ти Феонинг қоп-қора қонга беланиб, дод-вой солиб ерда ётганини, юзини бутилка синиги билан тилиб ташлаётганини кўрди... Вовиллайвериб ҳаллослаб қолган итлар унинг атрофида сакрашарди. Оқсоқол Клонгнинг ранги қув ўчиб кетди. Нафратомуз кулим-сиради. У бу қадар пасткашликини сирайм қутмаган эди... Ахир бу чинакам муғамбирлик-ку! Унинг бу томонга келгани бежиз эмас экан-да!

Ходиса юз берган жойга ҳар тараффдан томоншабиннлар кела бошлашди. Қишлоқнинг тор кўчалари-ю, ёлғиз оёқ йўлларидан тумонат одам йиғиълди. Худди бозордагидек олағовур кўтарилди. Маслаҳатчининг хотинларини ҳам уйларидан югуриб чиқиб, Ти Феога ёпишишди.

Улар воқеа нима билан тугашини кўрмоқчи эдиар. Қарашсаки, эрлари учун яхшилик билан тугамайди.

Шу пайт маслаҳатчининг ўзи ҳам келиб қолди.

— Нега ҳалойиқ тўплаанди? — сўради у, қаттиқ овоз билан.

Ҳар томондан ҳурмат ва эҳтиром билан берилаётган салом овозлари эшитилди, одамлар четга чиқиб йўл беришди. Ти Фео ерга узала тушиб ётиб олди-да, чиндан ҳам пичоқ еган одамдек инграй бошлади.

Маслаҳатчи нима гап эканлигини дарҳол пайқади. У бекорга шунча йил оқсоқол бўлганми, энди эса тоғнинг<sup>1</sup> бошлаги. Бундай воқеаларга бириничн марта дуч келаётганий йўқ. У бошлаб хотинларини жеркиб берди, улар эрларига орқа қилиб яна ҳам қаттиқроқ бақириша бошлаган эдилар.

— Ўйга киринглар! Сенларнинг қўлингдан нима ҳам келарди? Бақир-буқурдан нари ўтмайсанлар!

У қишлоқ аҳолисига анча юмшоқ муомалада бўлди.

<sup>1</sup> Тоғнг — эски Вьетнамда бир неча қишлоқни бирлаштирган территория.

— Азизлар, уй-уйларингга борниглар! Бу ерда тўпланишдан сира фойда йўқ.

Халойиқ жимгина тарқала бошлади. Баъзилари маслаҳатчини ҳурмат қилганларидаи, баъзилари қўрққанларидаи тарқалишди. Қолганлар бу ерда қолиб нима қиламиз? Булардан нима яхшилик чиқарди, гувоҳликка судрайди ҳали, деган мулоҳазада кетдилар.

Ниҳоят ҳаммалари тарқашди. Маслаҳатчи Ти Фео ёнига келиб, елкасига секин туртди.

— Нега бунақанги шовқни соляпсиз, оға?

Ти Фео кўзини сал очди.

— Уляпман,— деди инграб Ти Фео,— ота-бала бир бўлиб бошимни единклар. Энди баъзи бирорвларниң бирмунча пул совуриши, бунинг устига қамоқхонада ҳам ўтириши керак бўлади.

Маслаҳатчи хаҳолаб кулиб юборди. Бу унга қанчалик қимматга тушгани ҳеч кимнинг эсига келмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўзини тута билиши туфайлигина обрў қозонган, деб бекорга айтишмайди ахир.

— Шу ҳам гап бўлдими! Нима учун ўлар экансан? Сенга ким тегди? Одам қурбақа эмаски, пақ этиб босиб кетилаверса! Кўриб турибман, ўлгудек мастсан.

У дарров сўз оҳангини ўзгартириб сўради:

— Қачон қайтиб келдинг? Нега бизникига кирмадинг? Қани, юр уйга кирамиз, чой-пой ичамиз...

Ти Фео жойидан қимирламади.

— Тур ўрнигдан!— давом этди маслаҳатчи,— олдин чой-пой ичиб олайлик-чи, кейин бемалол гаплашаверамиз... Шовқни-сурон кўтариб, халойиқни йиғишнинг нима кераги бор? Одамларга гап бўлишдан на фойда? — деди маслаҳатчи Ти Феони туртиб.— Ўйда бўлсам сени шу ҳолга солиб, қараб турармидим! Эркаклар бир-бirlарининг тилини тез топишади. Ҳаммасига мана шу бола, ўғлим сабабчи. Оғзига келганини вайсалаган-да! Ахир сиз у билан узоқ қариндошсиз-а!

Ти Фео улар билан қариндошлиги борлигини сира эшитмаган эди. Аммо бу гап унга хуш ёқди. У қўл-оёғини қимирлатса оғриётгандек ётган еридан жуда эҳтиётлик билан секин тура бошлади. Ти Феонинг юмшаганини кўрган маслаҳатчи ўғлига кўзини қисиб, бақирди:

— Сен ҳали ҳам шу ердамисан? Қилар ишни қилиб қўйиб, тағин қараб турибди-я! Югур, ичкари кириб чой тайёрлат! Тез бўл!

Маслаҳатчи Ти Феонинг ўрнидан туришига ёрдамлашди, бир неча ширин сўз айтди, Ти Фео унинг уйига киришга рози бўлар экан, юрганда оқсанаш кераклигини ҳам унутмади. Қайфи тарқаб, атроф жум бўлиб қолган, ҳеч ким шовқин солмас, бақирмас эди. Ти Феонинг ҳам жанжалга тоқати қолмаганди. Маслаҳатчининг ширин сўзлари унинг дилини юмшатиб юборди, халойиқ тарқаб кетди, Ти Фео ўзининг жуда ҳам яккаланиб қолганини ҳис этди. Унинг аввалги шахти қани? У галати бўлиб қолди. Юрагига ғулғула тушди. Ти Фео ортиқча тўйполон қилиб юборганини пайқади. Келиб-келиб ким билан яна! Қиенning ўзи билан олишипти-я! Ахир қишлоқни ва бутун тонгни унинг катта буваси сўраб келган. Қейин буваси ва отаси сўраган. Ти Феода ҳам фахрланиш ҳисси пайдо бўлди. Ахир унинг ўзи кимки, у бутун қишлоқнингина эмас, ундан четдагиларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлган Қиендек киши билан олишади? Ахир унинг на қариндошлари ва на дўстлари бор, бошига бир мушкул тушгудек бўлса ким унга ёрдам бериши мумкин. Шундай бўлса ҳам у бу бой билан олишишдан чўчимади. Бу ердаги солиқ тўловчи икки минглаб кишининг қайси бири шундай қила оларкин? Йўқ, у боши кетганда ҳам, боши-ку кетгани йўқ, ачинмайди, оғиздан доимо ўт пуркаб турувчи аждаҳо маслаҳатчи, ҳозир шундай марҳаматли бўлиб кетдик, Ти Феони уйига таклиф қиляпти. Нима учун кирмаслик керак? Бирдан Ти Фео иккиланиб қолди. Бу бир тузоқ бўлса-чи? Қари тулки дейман, уни алдаб уйига киритиб олиб ўч олмасмикин? Бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Қиендек одам бирон нарсанни ёки қимматбаҳо буюмни унинг елкасига атайн ортиб, кейин хотинлари орқали одам йигиши ҳам сира қийин эмас. Ти Феони ўғирликда айблаб, қўлинин боғлаши, ўлгунча уришлари мумкин. Унда нима бўлади? Қиен қари тулки, у билан муомала да эҳтиёт бўлиш керак. Аҳмоқ одамгина арслоннинг чангалига ўз хоҳиши билан тушади. Шу ерда қолиб, яна ерга ётиб, товушининг борича бақиргани яхши эмасмикин? Аммо Ти Фео яхшилаб ўйлаб, бақиргандан нима фойда? Маслаҳатчининг бир сўзи билан ҳамма тарқаб кетди-ку. Бақирасанми, додлайсанми, барибир, ҳеч ким келмайди, қайф тарқаб кетгандан кейин ўз баланини кесиш ҳам осон эмас. Майли, киравераман, пешонада нима бўлса шуни кўрамиз. Бош кетадиган бўл-

са, яхшиси кўчада кетгандан кўра, маслаҳатчининг уйида кетгани тузук. Жуда зўр келса қамашади-да, қамоққа ўрганимантими... деб тасалли берди ўзига.

Нима бўлса ҳам киравераман! Ти Фео уйга кирниб кўркуви беҳуда экалигиши англади. Маслаҳатчи ҳақиқатан ҳам уни тинчитиб қўймоқчи экан. У иродали, забардаст кишилардан ҳайиқарди. Бунақангидайнилар билан ади-бади айтишадиган аҳмоқлардан эмасди. Ти Фео иродали, забардастлардан эмас эди, шунинг учун у ҳеч нарса ютказмас эди. Бу муттаҳам билан тенг келиб ўтирамиди? Ҳаётда энг муҳими шуҳрат қозониш; керак бўлганда искаижага олиш, мумкин бўлмаганда ён бериш керак. Ҳар бир кишининг ўзига қараб муомала қилиш лозим, ўйламай-нетмай ўзингни балога гирифтор қилсанг бутун бойлигиндан ажраб, хонавайрон бўласан. Маслаҳатчи ўғлига доимо шуни насиҳат қиласарди. Агар отаси бўлмаганда, Клонг ҳеч қачон оқсоқол бўла олмас эди, чунки у табиатан қўпол, бемулоҳаза одам эди. Шунинг учун маслаҳатчи, ўлишим билан душманларим ўғлимнинг амалини тортиб оладилар, деб ўйларди.

Страсини айтганда, тонг бошлиғи бўлиш ҳам осон эмас. Қишлоқда икки мингдан ортиқ киши бор, шаҳар узоқ... Онда-сонда унча-мунча тушиб турарди, содда одамларгина, бошлиқ бўйра устида ўтириб, тайёр пулни йигиб ўтиради, деб ўйлашади. Бундан анча бурун, бир куни саёқ бир фолбин қишлоқнинг планига қараб туриб, бу қишлоқ аҳолиси бир-бири билан абадий жанжаллашиб ўтади, деган, негаки, қофоз бетидаги қишлоқнинг тарзи бир-биридан ўлжани олаётган балиқлар галасига ўхшарди. Оқсоқоллик мансабига ҳам маҳаллий бойларнинг ҳаммаси кўз тикарди, чунки оқсоқоллик жуда ёғлиқ ўрин эди-да. Улар кўчада бир-бирларини кўришиб қўлгудек бўлишса, ичларида еб қўйгудек бўлишса ҳам, бир-бирларига таъзим қилишарди.

Бутун қишлоқ бир-бирига душман аллақанча гурухга бўлинган эди. Ким билади дейсиз, манави Ти Феони маслаҳатчининг душманларидан биронтаси юбормаганмикин?

Агарда маслаҳатчи ўзини тута билмаганда эди, бу жанжал хунук натижка билан тугар ва қанчалаб пули сарф бўлиб кетарди. Оддий одамларга ишининг тушганинга идай яхши-я, уларни сочидан ушлаб олсанг бўлгани. Манави яланг бошни нима қилиш керак дейсиз? Ти

Феони қамоққа ўтқазиб қўйиш қийин эмас, аммо эртами-кечми, ишқилиб, қамоқдан чиқиб келади. Унда нима бўлади? Нам Тхо билан бўлган воқеани маслаҳатчи бир умр унутмайди.

Нам Тхо қишлоқда энг бўйсунмас, ўлгудай қайсар одам эди. Маслаҳатчи ўша пайтда эндигина оқсоқоллик мансабига ўтирганди, ярамас Нам Тхо эса оқсоқолга дабдурустдан гап қайтарди. Шундай кейин оқсоқол унинг адабини бериб қўйиш учун пайт пойлади, аммо бу осон бўлмади. Бирдан Нам Тхони қайдапдир талончиллик иши билан қамоққа олишди. Оқсоқол қамоқхонага фисқи фасод гапларни ташиди. Аммо бу тулоқиззинг қамоқхонадан чиқиб тағин қишлоқда пайдо бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз? Оқсоқол ундан қутулганига жуда хурсанд эди... Бир куни кечқурун оқсоқол ёлғиз ўзи хатхужжатларни тартибга солиб ўтиrsa, Нам Тхо катта пи-чиқ кўтариб унинг хонасига кириб қолса бўладими.

— Товушингни чиқарма, бўлмаса чавоқлаб ташлайман!— деб бақирибди у эшик олдини тўсиб.

Маълум бўлишича, бу ярамас қамоқхонадан қочибди, энди оқсоқолдан сохта ҳужжат ва бунинг устига юз-донг пул беришни талаб қилганди.

— Менга жин ҳам урмайди,— деган эди ўшанда қароқчи,— айтганимни қилсанг иккинчи марта кўзингга кўринмайман, бўлмаса шу жойнинг ўзида ишингни тўғрилаб кетаман.

Бошқа илож йўқ эди. Оқсоқол Нам Тхонинг айтганинни бажо келтирди, у бўлса шу кетганича иккинчи марта кўринмай, қишлоқдан гойиб бўлди. Аммо яна бошқа шунаقا бир иш бўлди. Маслаҳатчи Нам Тходан ҳали қутулиб улгурганича ҳам йўқ эдик, қаёқдандир солдат Тык пайдо бўлиб қолди. Илгари у ювош, қўй оғзидан чўп олмаган одам эди. Уни «Латта» дейишлари ҳам бежиз эмасди. Нима буюрсангиз сўзсиз бажаради, сал дўй урсанг қўрққанидан иштонига ўтиб кетарди. Солиқ йифишаётганда ундан ортиқча донг олиш ҳеч нарса эмасди, кўзи олдида чиройликкина хотинига шилқимлик қилишарди, эр бўлса уларга чурқ этолмасди-да, аламини бегуноҳ хотинидан оларди.

Маълумки, ҳаддан ташқари итоатгўйлик ҳам аҳмоқликка яқин бўлади. Аҳмоқнинг елкасига рўпара келган минаверади, мингандан ҳам шунақсанги минадики, бошини кўтара олмай қолади. Тык сургундаги маҳбусдек

Иил бўйи тинмай ишлаб, ҳаётида қорни тўйиб овқат ҳам емаганди. Ким нима деса, лақ этіб тушаверар эди. Ниҳоят жон-жонидан ўтгач, қишлоқдан кетиб, солдатликка ёлланди. Ёлланди-ю, қордан қутулиб ёмғирга тутилди. Қишлоқда яшаганида баъзи бошқалар билан баҳам кўрса ҳамки, ҳар ҳолда хотини бор эди, аммо солдатликка ёллангач, хотиндан батамом айрилди. Хотини икки болали бўлса ҳам, ҳали жуда ёш эди. Кўзлари чақнаб турар, икки юзи қип-қизил эди. Шундай гўзал хотин бирданига эрсиз қолса-я! Гўёки, пишиб турган мевадек мени ол деб турса-ю ким қўйл чўзмайди!

Унинг уйи йўл устида эди. Оқсоқолнинг ёрдамчиси кечаси қарта ўйнаб қайтаётганида, қоровул бошлиғи қоровулларни айланиб чиқиш пайтида тез-тез бу уйга келиб турадиган бўлиб қолди. Бошқалар ҳам, ҳатто қишлоқ бошқармасининг соч-соқоли оқариб кетган ходими ҳам бориб турарди. Бутун умри оқсоқолнинг югурдаги бўлиб ўтган Диен ҳам бу сахий аёлнинг уйига келиб-кетиб турарди. Тез орада, бу тирик беванинг уйига тунда йўқлаб бориш кўнгилли, энг муҳими қишлоқ бошлиқлари учун текин эрмак бўлиб қолди. Ҳатто оқсоқолнинг ўзи ўша пайтда уч хотинли бўлишига қарамай, бир хао сарфламасдан бу «момақаймоқ»дан тотиб турарди. Бу ҳам етмагандек, ундан фойда кўришнинг ҳам йўлини топди. Солдат хотини ҳар гал шаҳарга эрининг пулинни олиш учун борганда оқсоқолнинг олдига қофоз олгани киради. Бундай қофозларни берадиган биронта оқсоқол ўз ҳисобига қорин тўйғизармиди! Бу маълум. Аммо Киең солдат хотини берган пул ва совғалар билан кифояланмасди. Хотинни унинг ўзи шаҳарга олиб бориб қўярди. У ерда ҳам маншат қилишарди...

Натижада солдат хотини олган бир неча донгдан ҳеч қишлоқ қолмас эди. Эртасига болалари бир оз ширинлик ёки жуда нари борса гуручли ва ё чўчқа гўшти солингган сомса ёйишарди.

Буларнинг ҳаммасини солдат эшитдими ёки бошқа шир сабаби борми, у хизмат муддатини ўтаб бўлгач қишлоққа қайтиб келмади. Тез орада жиноятчи Чэп Ван Тъикини ушлаб ҳокимиятга топшириш ҳақида буйруқ олиниди. Оқсоқол мазкур шахс у ер-бу ерларда дайдиб орғон бўлса керак, қишлоқда турмайди, деб жавоб қилди. Оқсоқол бу хабарни жўнатиши билан Тъик қайтиб келди. Оқсоқол унинг ёнига хат ташувчи орқали повест-

ка юбориб, гезда келишини талаб қилди. Тык куттириб ўтирмади, ёлғиз әмас, хотини ва болалари билан бирга келди. Оқсоқол ҳали оғзини гапга жүпласданақ, у чүчқа сүядиган каттакон пичоқни олиб, оқсоқолга:

— Сизга ростини айтаман. Одам ўлдирганим учун мени жазолашыпти. Менга раҳмингиз келмай, ҳукумат-га тутиб берсанғиз, хотиним ва болаларим очдан ўлишади. Үндан күра, яхиси ҳозир уларни ўзим ўлдириб қўя қолай, кейин мени қамоқхонага жўннатаверасиз.

Тыкнинг кўриниши жуда даҳшатли эди. Кўзларига қои қўйилган, қўлидаги пичоқ ялтиради. Бунақаларга одам ўлдириш ҳеч гап әмас, хотини ва болаларини ўлдириш билан қаноат қиласмиди; хотини ва болаларини сўйишга қарор қилган киши учун яна бошқа бирон одамини бўғизлаш қийин бўптими? Оқсоқол шуларни мулоҳаза қилиб Тыкка уйингга боравер, деди ва кетидан чора кўрди: у Тыкни ҳокимиятга ушлаб бермади ва ҳар гал сўраганлариди, жиноятчи аввалгича дайдиб юрибди, деб жавоб қиласверди, солдат эса ўз қишлоғида бемалол яшайверди. Буни қарангки, хотини ҳам тўғри йўлга тушиб, эрига қарай бошлади. Энди оқеғол ҳам, унинг ёрдамчиси ҳам ва бошқалар бу хотинга тегажаклик қилишмай қўйишди. Эрипинг кўзи олдида ошиқ-маъшуқликни давом эттириш яхши әмас. Хуллас, солдатдан бошқа ҳеч ким қуюшқондан ташқари чиқмасди. Тыкни таниб бўлмай қолди. У боғи учун солиқ тўлашдан бутунлай бош тортди, тўла деб қисталанг қилишса сўкиб берар; агар ерига жарима тариқасида қозиқ қоқиб қўйишса ҳам суриштириб ўтирмасдан суғуриб ташларди. Унга ҳеч қандай чора кўриб бўлмасди: солиқ тўламаяпти, деб уни фош қилингудек бўлинса, жиноятчи қочоқни яширган деб оқсоқолга қийин бўларди. Аммо бу ярамас ҳамон норози эди. У оқсоқолнинг уйига яна пичоқ кўтариб бостириб кирди.

— Солдатликда юрганимда хотиним юз донгга яқин пул олган эди. Уларни қаёққа сарфланганини билмайман, балки кайф-сафо қилгандир, аммо ҳозир уйда бир чақа ҳам йўқ. Нима қилдинг деб сўрасам, уйда сақлашга қўрқиб, ҳаммасини сизга бериб қўйганини айтди. Балки у палид мени алдаётгандир, деб ҳар эҳтимолга қарши оёқ-қўлини боғлаб қўйдим. Энди эса сиздан ўтиниб сўрайман, қаранг-чи, пулларим жойида турганмикин. Бир амаллаб болаларини боқишим керак-ку ахир. Агар

бир донги кам бўлса ҳам, баъзи бирорлар билан ҳисоблашиб қўяман.

Оқсоқол кинояни фаҳмлаб мингиллаб жавоб берди:

— Шунақа дегин солдат. Бу пулларнинг ҳаммаси аллақачон сарф бўлиб кетган.

— Қайси бир аблак менинг пулларимга кўз олайтирди экан?!— деб бақирди солдат кўзларини ола-кулақилиб.

— Аммо сенга пул керак бўлса, — деди шоша-пиша оқсоқол,— айтган заҳотинг муҳайё қиласиз. Хотинингни ўлдиришдан нима фойда? Ахир пулларингни қайтиб ололмайсан-ку. Яхиси гуноҳга ботмаганинг маъқул.

Оқсоқол шундай деди-ю, қутичани очиб, солдатга беш донг ташлади. Солдат пулларни олиб ҳурмат билан таъзим қилди-да, пичноини кўтарганча гойиб бўлди. Шу кундан бошлаб у ҳар замонда пул бериб турадиган оқсоқолга сермулозамат бўлиб қолди ва унинг ҳамма топшириқларини бажону дил бажарадиган бўлди. Бу мулоzамат жуда узоқ, ўтган йили Тык вафот этгунча давом этди.

\* \* \*

Энди бўлса манави Ти Фео оқсоқолнинг бошига биттан бало бўлди. Қачонлардир бу ҳам жуда ювоща ва мулоийим эди. Ти Фео ўсмирлигига унинг учинчи хотининг оёқларини нақадар уят ва қўрқувдан титраб уқалагани оқсоқолнинг ҳали ҳам ёдида.

Аммо ҳамма нарсанинг ҳам ўз меъёри, чегараси бўлади, деб бёкорга айтишмаган. Оқсоқол бу нақлни жуда яхши биларди. Бир одамни шундай сиқасанки, қочгани жой тополмайди, ўрнашган еридан суриб чиқарасан, қарабсанки, орадан бир қаинча вақт ўтиши билан яна қишлоқда пайдо бўлади. Деярли ҳаммалари қайтиб келишади. Уриш-жанжал қилиб кишиларга шумшук кўрингандан кўра, бирорни сувга шундай усталик билан итаргинки, ўзи ҳам сезмай қолсин, шундан кейин уни қутқариб олсанг, ҳеч бўлмаганда сендан миннатдор бўлади. Еки, масалан, солиқ йиғаётган пайтинг бўлсин деяйлик. Бирорнинг уйини ост-уст қилиб тинтиб ташлайсан-да, беш донгини оласан, кейин, албатта, лоақал беш хаонни қайтариб бергина-да, «камбағаллигинг учун» деб қўй. Ҳа, ҳар бир кишига ўзига яраша муомала қилиш керак

бўлади. Ўзига тўқ одамларни, оиласи катталарнинг онла бошлиқларини ёки чиройли хотини бўлган одамларниң қўрқитиши осон, улар ҳар қандай бошлиқдан чўчнишвера дилар. Мана бундай сўққабошлар билан қийинироқ, бундай одамлар сув кечишдан ҳам тойишмайди. Бундайларни йўқ қилиб юборса бўлади албатта, аммо бундан нима фойда? Улардан ҳеч қандай фойда йўқ. Фақат шовқин-суронни бошлаб берасану душманнинг чакагини очасан... Ҳар қайси бойнинг ўз одамлари бўларди. Киеининг ҳам, отставкадаги сержант Таонинг ҳам, со-биқ амалдорлар, Дам ва Тунгнинг ҳам ўз одамлари бўлган... Бойлар бир-бирларини кўролмас эдилар, доимо бирни иккинчисига панд беришга ҳаракат қилади. Аммо гап деҳқонларни қаттиқроқ исканжага олиш ҳақида боргандада улар дарҳол бирлашиб оладилар.

Оқсоқол бир нарсанни яхши биларди: меҳнаткаш одам оқсоқолга ўхшашларни тўйдириш учун бўйин эгади, бойлар эса ўз навбатида ҳар қандай дайдидан пул аяшмайди, чунки бундай дайдилар истаган пайтингда бирон одамни, керак бўлиб қолса, ўзини ҳам йўлингда қурбон қилаверади.

Ҳар қандай қийинчилик олдида ҳам оқсоқол ҳеч қачон иолимас ва шикоят қилмасди; шикоятдан нима фойда? Деҳқонлар фақат иолишу ҳасратни билганларидан умр бўйни бош эгиб юрадилар. Оқсоқол ҳеч қачон руҳан тушкунликка тушмасди. Бир йўл билан уларни қўлга олиб бўлмаса, бошқача усул излаб топарди. Ўйлаб-ўйлаб ялангоеқларсиз, ҳеч қаёқса бориб бўлмайди, деган хулосага келди. Бошқа бандитларни уларсиз қаидай йўқ қила олади? Оқсоқол ҳамиша рақиби устидан ғалаба қилиш йўлини биларди. Чунки, одамлар билан ўзига хос муомаласи бор эди. Дайди-саёқларга ҳам шундай. Бу йигитлар пихини ёрганилардан. Шайтонга ҳам дарс беришади. Вино сотиб олишга етадиган беш хао берсанг бўлгани, истаган одамни бўйсундириб беришар, қайсалик қилганни ўлдирап ва ҳатто уйига ўт қўйишдан ҳам тоймасдилар. Бирмунча қўрқоқларнинг оёқлари тагига самогон бутилкасини ташлаб, жавобгарликка тортиришар, ёки шу ернинг ўзидаёқ ўзлари жанжал чиқариб, ёрдам беринг, деб бақириб халқ тўплашарди. Бу жанжаллар бўлмаса оқсоқолга кун йўқ эди. Ҳамма ёқ тинч ва осойишта бўлса деҳқонлардан ҳеч нарса ололмайсан, бунинг устига солиқ йиғишининг озлигини айтмайсизми?

Солиқларни эса йилига бир марта йигишади. Агар кунинг шунинг ўзига қолса қишлоқнинг мис печатини қўлга олиш учун сарфлаган бир неча минг пулнинг ўринини ота-бобонгнинг гўрини сотганингда ҳам тўлдира олмайсан...

Ти Фео маслаҳатчининг ёшидан жуда мамнун бўлиб чиқди. У ўйлаган тузоқ ўрнига маслаҳатчи Ти Феони яхши кутиб олди. Қиен Ти Феонинг ўзи учун алоҳида тоvuқ сўйидирди, винога одам юбортирди. Хайрлашаётгандарнида яра-чақасига суркайдиган дори учун қўлига пул берди. Ти Фео оҳиста тебраниб, илжайиб сўкинарди: дорингнинг нима кераги бор! Дорига уч су ҳам сарф қилмайман. У қамоқхонадалигида шундай дориларни эшигтганники, буларни камдан-кам одам билади. Бир тутам барг бўлса юзи жойига келади-қўяди. Қўй-э, бу пулга яххиси у ичади.

Ҳақиқатаган ҳам Ти Фео уч кун тўхтовсиз ичди. Тўртинчи куни пули тамом бўлгач, вино дўқонининг бекасига кўзини чақчайтириб:

— Қарзга бир бутилка вино бер. Кечқурун пулни бераман...— деди.

Бека дарров рози бўла қолмади. Шунда Ти Фео гугурт чақиб похол томни ёқиб юбормоқчи бўлди. Бека юрганича бориб қўлидаги ёшиб турган гугуртни тортиб олди-да, оёғи билан босиб ўчириди ва йиғлаб туриб бир шиша винони олиб чиқди.

Ти Фео қўлинин пахса қилиб бақирди:

— Аҳмоқлик қилма! Сотиб оламан, тиланчилик қилаётганим йўқ-ку! Еб кетади деб ўйлайсанми? Қишлоқдагилардан бир сўраб кўр-чи, бирон марта биронининг ҳақини еб кетибманми? Пулим бор! Пулларимни маслаҳатчига бериб қўйибман. Кечқурун олдига бориб олиб келаман, сенга ҳам ўшанда бераман.

— Сизнинг ҳалоллигингизга шубҳам йўқ,—деди бека хўрсиниб ва бурнини этагига артди,— аммо менга ҳозир пул керак-да.

— Бўпти,— деб тўнғиллади Ти Фео,— айтдимми, кечқурун оласан деб, вассалом, ҳозирча пулсиэ турсанг ўлиб қоласанми?

Ти Фео шундай деди-ю, бутилкани олиб, дўкондан чиқди-да, дарё бўйидаги кулба ёнига кетди. Унинг ҳеч қачон уйи бўлмаган. Йўл-йўлакай кимнингдир боғидан бир неча гўра банан узиб, йўлда учраган савдогар хо-

тиндан бир чимдим туз сўраб олди. Туз сепилган ғўра  
банан унга жуда totли туюлди. Вино ичгандан кейин  
унга ҳамма нарса ҳам ширин туюлаверарди.

Бир шиша винони ичиб бўлиб, лаб-лунжини артли-да,  
маслаҳатчининг уйига қараб йўл олди, у йўлда учраган  
одамларга маслаҳатчидан қарзимни талаб қилгани кет-  
япман, деб айтди. Ти Феонинг кўзи қонга тўлган бўлиб,  
кўкариб кетган лаблари асабийликдан титрарди. Масла-  
ҳатчи унинг авзойидан яхшилик чиқмаслигини пайқади.  
Худога шукурки, қўлида бўш шишаси йўқ эди.

— Қаёққа кетяпсан, Ти? — босиқ оҳангда сўради мас-  
лаҳатчи.

— Салом бердик, жаноблари,— деди шангиллаб Ти  
Фео.— Мана келдим, бир арзимас иш билан сизни безов-  
та қилмоқчиман.

Ти Фео ўзини анча сипо тутса-да, овози қандайдир  
ғайри табиий бўлиб, ундан яхшилик кутиб бўлмас эди.  
У гоҳ гарданини, гоҳ қулогини қашиб, гапида давом  
этди:

— Эсингиздами, ўшанда сиз мени қамоққа жўнат-  
гандингиз: хўш, у ер менга жуда ёқиб қолди, агар ғеон  
гапираётган бўлсам тил тортмай ўлай, у ерда маза  
қилдим. Ҳеч бўлмаганда овқат берарди-ку! Қишлоқда  
нима бор, бир парча ерим бўлмаса, қандай тирикчилик  
қилишни ҳам билмай қолдим. Мана, яна қамоққа юбо-  
ринг деб келдим.

— Яна ичдингми! — деб жеркиди уни маслаҳатчи.  
Ҳар доим у бунақа пайтда рақибининг ниятини билиб  
олиш учун дўқ урар эди.

Ти Фео бир сакраб маслаҳатчининг ёнига ўтиб олди-  
да, кўзини чақчайтириб, муштини дўлайтирди.

— Бир қултум ҳам оғзимга олганим йўқ. Ўзим шун-  
чаки қамоққа бормоқчиман, вассалом... Қани жўнатмай  
кўринг-чи... Мен... Мен...

Ти Фео бир чўнтагини, кейин бошқа чўнтагини ковлаб  
кичкина, аммо жуда ўткир пичоқ чиқарди-да, бошидан  
ошириб кўтарди.

— Ҳозир биронтасини сўйиб ташлайман,— деди Ти  
Фео тишлари орасидан овоз чиқариб,— ўшанда сиз мени  
уездга юборишинингизга тўғри келади...

Кейин Те Фео энгашиб, қимматбаҳо ёғочдан ишлан-  
ган столни пичоқ билан чиза бошлади. Маслаҳатчи ша-  
рақлаб кулиб юборди. У керакли пайтда бундай кула

Олиши билан жуда фахрланар эди. У ўзининг бу хислати билан худди Цао Цао<sup>1</sup> га ўхшаб кетарди. Кейин у ўрнидан туриб, Ти Феонинг елкасига қоқди.

— Росаям қизиққон экансан-ку! Бирон кишини сўйгинг келаётган бўлса, сўявер... Сержант Тао мендан эллик донг қарз. Олишга ҳаракат қилиб кўр. Эвазига bog оласан!

Отставкадаги сержант Тао кекса, қишлоқининг обрўли кишиси эди. У яхшигина пенсия олар, ёр-биродарлари ва қарнидош-уруглари кўп бўлиб, маслаҳатчи Қиенга анча ташвиш ва кўнгилсизликлар келтиради. Ана шу Тао маслаҳатчидан эллик донг қарз олганига худо билади қанча бўлган, энди бўлса бу пулни тўлашдан мутлақо бош тортяпти, сабаби, буни қараңг, маслаҳатчининг ўғли оқсоқол бўлиб, эвазига унга ҳеч қандай зиёфат қилиб бермаяптиш. Буни эслаганда маслаҳатчининг газаби қайнарди-ю, аммо иложсиз эди. Сержантнинг адабини бериб қўядиган ягона одам, унинг содиқ малайи солдат Тъик ўтган йили вафот этган эди. Мана энди тақдир маслаҳатчини Ти Феога рўпара қилди. Нима учун бир синаб кўрмайди? Ти Фео сержантнинг адабини берса, жуда соз! Сержант уни бопласа, бу ҳам ёмон эмас. Ундей бўлса ҳам, бундай бўлса ҳам маслаҳатчига фойда.

Ти Фео ўйлаб-нетиб ўтирумай, тўппа-тўғри сержантнинг уйига томон йўл олди ва йўл-йўлакай уни оғзиға келган сўз билди сўкиб-сувалаб кетаверди. Бошқа вақт бўлганда-ку, бу нарса жуда аянчли ҳодисага сабаб бўларди, негаки, одам ўлдириш сержантга ҳеч гап эмас эди. Унинг бахтига, тўғрироғи, Ти Феонинг бахтига шу куни сержант иситмалаб ётган бўлиб, ўрнидан туролмасди. Эҳтимол, у Ти Феонинг сўкишларини эшитмагандир ҳам, чунки ҳушдан кетиб ётган эди. Сержантнинг хотини эса маст Ти Феони узоқдан кўрибоқ, нима учун келаётганини билди-да, эридан ҳам сўраб ўтирумай, ўша машъум эллик донгни оқсоқолга жўнатишга шошилди. Хотинлар шунаقا бўлишади, тинчлик ҳамма нарсадан ҳам қиммат уларга. Ҳар қанча сарф қилиб бўлса ҳам жанжалдан қочишга тайёрлар. Бунинг устига эри ҳақиқатан ҳам қарздор эканлигини бу хотин яхши биларди... Бу оила учун эллик донг нима деган нарса? Жанжал бундан ҳам қимматга тушиши мумкин-ку!

<sup>1</sup> Цао Цао — хитойларнинг ўрта асрдаги «Уч шаханшоҳлик» романидаги муғамбирлиги билан шуҳрат қозонган қаҳрамон.

Қисқаси, Ти Фео ўзини ғолиб ҳис этди. Мағрурликдан тарс ёрилай деди: «Бу ердаги кишилардан ким мен билан беллаша олади?»— деб ўйлади. Маслаҳатчи ҳам мамнун бўлди. Ҳазил гапми! Ҳеч қандай шикоятсиз эллик донгни ундириб олди. Ти Фео шу заҳотиёқ мукофотланди. Маслаҳатчи унга беш донг бериб деди:

— Қилган ишинг эллик донгнинг ҳаммасига арзиди, аммо ҳаммасини берсам уч кунда тамом қилиб қараб қолаверасан. Яхшиси, мана шунга вино олиб, қолганига мендан боғ сотиб ола қол, ерсиз қандай қилиб кун кечирасан, ахир. Тўғрими?

Ти Фео ташаккур билдириб таъзим қилди. Бир неча кундан кейин маслаҳатчи Ти Феога дарё бўйидаги кичкина боғни беришни буюорди, бу боғ ўз вақтида кимдан-дир солиқ тўламаганлиги учун тортиб олинган эди. Шундай қилиб, Ти Фео йигирма саккиз ёшида уйчик-жойлик бўлди.

\* \* \*

Эҳтимол, у йигирма саккизда эмас, ўттиз саккизда, балки қирқ ёшдан ҳам ошиб кетгандир? Унинг афтидан ёшини аниқлаб бўлмас эди: Ти Фео на ёшга, на кексага ўхшарди. У қандайдир ҳайвонни эслатарди, ҳайвоннинг ҳам афтига қараб ёшини аниқлаш қийин-ку, ахир. Ти Феонинг кўкимтири-сағири юзини чандиқ босиб кетган. У атрофига одам йигиш учун шиша синиги билан бир неча марта юзини тилган бўлса керак. Умрида қанчадан-қанча жанжал-тўполон чиқаргани, зўравонлик қилгани, қанча одам ўлдирганини аниқ эслаёлмас эди. У бу ишларни баъзан ўз хоҳиши билан, баъзан бирорларнинг буйруги билан қиласарди.

Унинг кўрган-кечиргани шу эди.

У ҳатто дунёда неча йил яшаганини, қайси йили, қайси куни туғилганини ҳам билмас эди, чунки бу нарса ҳеч қаерда ёзишмаганди.

Юқори идораларга берилган маълумотларда одатда, у қаердадир санғиб юради, қишлоқда кўп йилдан бўён турмайди деб кўрсатиларди. Ти Фео қамалганида йигирма ёшда эканлигини, қамоқдан чиққанда эса йигирма бешга қадам қўйганини зўрга эслайди. Шундан кейинги кечанинг ҳам, кундузнинг ҳам фарқига боргани йўқ,

У доимо маст эди. Масть ҳолида овқатланар, масть ҳолида ухлар, масть ҳолида уйғонар, масть ҳолида бошини деворга урар, юз-күзини тирнар, даҳшат-ла ўкирар, ярамас сўзлар-ла сўкинар, яна баттарроқ масть бўлиш учун ичарди. У ўз ҳаёти ҳақида ўйлаш учун ҳеч қачон ҳушёр бўлмаган ва Бу Дай қишлоғидагиларнинг энг малъуни, ёвуз иблиси эканлигини билмаса ҳам керак. Деҳқонларнинг тинч ҳаётини неча марталаб бузганини, қанчадан-қанча оиласи баҳт ва қувоҷдан маҳрум этганини, унинг дастидан қанчадан-қанча қон ва кўз ёши тўкилганини билармиди? У ҳамиша масть ҳолда бирорларнинг буйруғини адо этиб юргач, қаёқдан ҳам билсин. Ундан ҳамма қўрқарди. Ти Фео доимо сўкинар, кўпинча ҳеч сабабсиз, масалан, виноси тамом бўлганда ҳам сўкинаверарди. Баъзи масть одамлар ашула айтишади, баъзилари сўкинишади. Агар у қўшиқ айтишни билганида эди, сўкинмасмиди, аммо одамлар орасида туриб ҳам қўшиқ айттолмасди. У ҳамиша сўкинар, ўша унутилмас кундаги сингари сўкингани сўкинган эди.

У еру осмонни, одамларни, бутун борлиқни сўкарди. Ў билан ким уришишни истамаса ўшани сўкарди. Газабидан бўғилиб, ҳеч кимга кераги бўлмаган бу дунёга уни келтирганни лаънатларди. Ҳаммадан ҳам шу нарса уни ғазаблантиради. Ўз-ўзини сўкишдан нима фойда? Ў биринчи учраган кишига қаҳр-ғазабини тўкишга аҳд қиларди. Барибир, ким бўлишидан қатъи назар... у ҳозир яқиндаги сўқмоқ йўллардан бирига қайрилади-ю, дуч келган биринчи уйга кириб, бузиб-ёриб ўт қўяди ёки бўлмаса жанжал кўтаради. Мана, сўқмоққа ҳам келди. Бу ёққа, тезроқ...

Аммо шу он гардишсимон, каттакон ой кўринди, йўлни заррин нурлари билан чулгади. Йўлда эса қандайдир қора, ғалати нарса кўзга чалинди. Бу нарса гоҳ ўнг томонга, гоҳ чапга ўтар, кейин оёғи тагида маймайдада бўлакчаларга бўлинниб кетарди. Бу нима экан-а? Ти Фео тўхтаб қараб турди-да, бирдан хахолаб кулиб юборди. Ичаги узилгудай, ҳоллан тойғунча кулди, ҳозиргина унинг оғиздан чиққан сўкишлар, мана бу ёввойи кулгига таққослаганда сеҳрли музика садосидай бўлиб қолди. Йўлдаги ғалати нарса ўз сояси экан. Ти Фео анчагача хахолаб кулди ва қайрилиши керак бўлган сўқмоқдан ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Энди унга рўпара келган сўқмоқ Ти Данг исмли, сийрак соқолли

Қишлоқ эмчиси уйига олиб борарди. Ти Фео бирдан ана шу бечора чолининг уйига бостириб киришга ва унинг данини<sup>1</sup> тилка-пора қилиб ташлашга жазм қўлди. Эмчи молларни даволар, чўчқаларни бичар ва ҳоказо ишлар билан шуғулланарди. Чўчқаларнинг чинқириги данининг тингиллашидан кўра ёқимлироқ эди. Ти Фео ҳовлига киргандан эмчи вино ичиб ўтирас, кайфдан мўйловини силаб, бошини у ёқдан-бу ёққа чайқатарди. Ти Фео бир оз чолга қараб турди, чол кўзига меҳрибон ва ёқимли бўлиб кўринди. Сирасини айтганда, у ичадиганларнинг ҳаммасини ёқимтой деб ҳисобларди. Ти Феонинг ҳам ичгиси келди Ичгиси келгандаям тагин қанақа денг! Гўё ҳалқумида бир нарса ёнаётгандек... У кўп ўйлаб ўтирмай, чолининг ёнига борди, бутилкасини қўлидан тортиб олди ва кўтариб бир шимирганча тугатди. Чол индамади. Пати юлиниг жўжаники сингари қотма бўйинии чўзиб, Ти Феога тикилганча қараб қолди. Ярим бутилка винонинг ҳаммасини ичиб қўйганидан, тили сира айланмай қолди. Ти Фео қолган ярим бутилкани ичиб бўлиб, қани тагин бўлса дегандек томогини тақииллатиб, лабини чўпиллатди. Кейин чолниг сийрак соқолидан ушлаб, башарасини ойга тутди-да, хахолаб кулди. Чол ҳам кули, иккови қадрдан дўстлардек қучоқлашиб, ерга ағанадилар. Орадан бир оз ўтгач Ти Данг уйдан яна икки шиша олиб чиқди. Ҳа, унинг яна икки шиша тўла виноси бор экан. Ти Феони ичишга таклиф қилди. Ичгандан кейин тўйиб ичиш керак-да! Айтмоқчи, энди чолга ҳеч ким халақит бермасди. У ёлгиз яшарди. Хотини бундан саккиз йил муқаддам вафот этган, қизи кимдандир беникоҳ ҳомиладор бўлиб қолиб, қишлоқдан кетиб қолганди. Чол ўзига ўзи хўжайин бўлиб, ҳеч ким жонига тегмас, истаганча ичаверар эди. Эй адашгани, ерга нах осмондан тушган дўстим, сен ҳам шундай ич! Ҳеч нарсага қулоқ солма, ич! Кулоқ, бурунларингдан чиққуңча ич! Нимага уяласан? Ҳамманинг ҳам борадиган жойи бир! Ҳатто энг бадавлат ва атоқли одамларнинг кетида ҳам мозоридан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Чол эллик беш ёшга кириб бирон кимсанинг ўлимидан кейин мартабаси ошганини кўрмади. Гўри-чи — гўр, гўр-да. Шундай экан, маст бўлибми ёки ҳушёрликдами ўлиш барибир эмасми. Охиригача ичавер, қўрқма!

<sup>1</sup> Даи — музика асбоби.

Ти Фео ҳеч қачон бунчалик хурсанд бўлмаган эди. Нима сабабдан шу пайтгача бу чол билан ичишмаган экан? Улар жуда кўп ичишди. Шунча вино билан бутун бир қишлоғин тўйғизиш мумкин эди.

Иккинчи шиша тамомланаётгандга Ти Данг ҳовлида қисқичбақақадек судралиб юрар ва Ти Феодан, одамлар тургиси келганда нимага таянади, деб сўрарди. Ти Фео уни чалқанчасига ётқизиб, соқолидан силади-да, гапни раклаганича зўрга уйи томон кетди. Йўлда қичинди. Айниқса кўкраги, бўйни, қулоқлари ва боши жуда қичи-шарди; баъзан тўхтаб жуда ҳам ғалати қиёфага кириб қашинарди. Ниҳоят, боғчаси ёнидан оқиб ўтадиган сувни тиник ариқ эсига тушди. Ариқнинг четларига тут дараҳти экилган эди. Шамол бу дараҳтининг ниҳолларини эга-вериб, бир-бирига чирмаштириб юборганди. Бөғининг ичкарисидаги банаи ёнида кичкина, торгина кулба қад кўтариб турибди. Садасимои хурмоларининг қоп-қора, юмалоқ сояси боғ ўйлига кўланка солиб турар, банаи дараҳтларининг бир оз энгашган новдалари ой ёруғида памхуш туюларди. Вақт-вақти билан аста эсган шабада новдаларни тебратар, улар гўё бир нарсадан безовтадек оҳиста шивирлашаётгандек эдилар.

Ти Фео башапларга маҳлиё бўлиб боққа кирди, аммо кулбасига эмас, тўғри ариқ бўйига юрди. Нафасиниг бўғиладиган кулбада нима бор. Ти Фео қичимасини босиши учун чўмилмоқчи ва бөғининг ўзида ётиб ухламоқчи бўлди. Бошини деворга уриб ёрадиган, юзини шиша билан тилладиган одамга шудринг ва шамол кор қиласмиди? Ти Фео ариқ лабига борди-ю, сувга тушмай тўхтаб қолди, ариқ бўйида кимдир бордек туюлди. Ти Фео яна ҳам диққат билан тикилди: ҳа, одам бор! Бўлганда ҳам хотин кишига ўҳшайди. У сув тўла икки катта кўза ўртасида, дараҳтга суяңганича очиқ-чочиқ ҳолда ўтиради. Ҳа, бу хотин киши эди, албатта. Унинг узун ўрилмаган соchlарни елка ва кўкрагини тутиб ётипти. Қўли гавдаси ёнида бўшгина шалпайиб турибди, боши орқага ташлаинганроқ, оғзи очиқ. Гўё бу хотин ойга тикилаётгандек туюлди унга. У ухляяптими ёки ўлиб қолганими, буни билиб бўлмасди. Хотин оёқларини узатиб юборган, юқори кўтарилган кўйлаги ўғон сонини бутунлай очиб қўйган. Ой жуда ёруғ эди, шунинг учун аёлнинг тапаси жуда ҳам оқ кўринарди. Ой ёруғида ҳамма нарса чиройли туюлади кишига. Ти Феонинг оғзи қақраб қолди. У қулт этиб ту-

пугини ютди ва ўзида қандайдир ҳаяжон сезди. Титроқ аъзойи баданига тарқади. Нима бўлди ўзи? Титраш керак бўлса манави тасқара, бефаросат хотии титрасини! Худли унинг уйи ёнига келиб, тагин мана бунақанги шармандаларча қиёфада очиқ-чочиқ ётиб ухлашини қаранг-а!

Аммо, ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди. Тхи Но бе-фаҳмликда халқ әртакларидағи ҳар қандай аҳмоқ билан баҳслаша олар эди, башараси шу ҳадар хунук эдики, уни яратган худонинг ўзи ҳам учрашиб қолгудай бўлса, қўрқиб кетган бўларди. Гёё табиат бу аёлни масхарала-гандай: боши тепа томондан япасқилигидан юзи янада чалпакдай кўринар, бунинг устига лунжалари ичига бо-тиб кетган бўлиб, кишида айниқса кўнгилсиз таассурот қолдиради. Агар лунжалари тўла бўлгандами, юзи чўч-қанинг тумшуғинга ўҳшаган бўларди, шундоқ бўлганда тузук эди, негаки, бунақа башара оз эмас. Тхи Нонинг катта, гўштдор бурни апельсин сингарни ғадир-будур бў-либ, ҳамиша қип-қизил эди. Бурни лабига ёпишиб ту-рарди, лаби ҳам қалин ва гўштдор эди. Бетель чайнайве-риб ўпкаси чиқиб кетган оғзи янада катта кўринарди. Ҳар ёмоннинг бир яхши томони бор деганиларидек, бу қизиллик унинг табиий кўкимтири лабининг айбини би-линитирмасди. Гёё ана шу хунук лаблари дарҳол кўзга туша қолмасин дегандек, тишлари ҳам сўйлоқ эди. Булар ҳам етмагандек Тхи Но ўтакетган даражада бефаҳм эди, аммо бу унинг учун фалакнинг марҳамати ҳисобланарди: бир озгина ақл-фаросати бўлгандами, биринчи марта ойнага қарагандан бошлаб ғирт азобда қолган бўларди. Устига-устак камбағал ҳам эди, шунинг учун ҳеч ким унга ўйланмади, ўйланганда борми, дунёда яна бир баҳт-сиз кўпаярди. Зотида мохов бўлганлигини айтиш эсдан чиқипти. Доим яккалигининг сабаби ҳам шунда. Йигит-лар Тхи Нони кўрганларида заҳарли илондан қочгандек қочар эдилар. Ёши ўттиздан ошганди. Ву Дай қишлоғи-да эса қизларни саккиз ёшлигидаёқ эрга бернишар, ўн беш ёшларида улар болалик бўлишарди. Йигирма ёши-да она бўлмаган хотинни камдан-кам учратиш мумкин эди. Тхи Нонинг ҳеч кимсаси йўқ эди, эригина эмас, қариндош-уруғлари ҳам йўқ эди, битта қари холаси бў-либ, у ҳам эр кўрмай ўтганди. Улар бирга туришарди. Ҳеч ким бу дунёда ёлғиз бўлмасин, деб тақдир китобида ёзилган. Холаси бана ва бетель сотувчи савдогарникида

Хизмат қилар, елканли кемага солинган молларни Хай-Фонгга баъзан Хонгайга ва Қамфага олиб борарди. Тхи Но бирвларникида кунбайнига ишларди. Улар бамбуқ қулбада яшашарди. Бу жой Ти Феонинг боғидан бир шарда девор билан ажралиб турарди. Ти Фео сув бўйида яшаса, улар қишлоққа яқин жойда туришарди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Тхи Но бутун қишлоқ аҳолиси қалти-файдиган Ти Феодан қўрқмайдигандир. Ёнингда юравер-гандан кейин Азроилдан ҳам қўрқмайдиган бўлиб қолар экаансан. Ҳайвонот боғининг қоровуллари одатда йўлбарс ва қоплонлар мушук сингари ювош дейишади. Бу хотин иега ҳам қўрқсан? Ҳали ҳеч ким бадбашаралик, камбағаллик ва бефаҳмликка сунқасд қилган эмас, Тхи Но эса шу уч хислат эгаси эди. Бунинг устига Ти Фео ҳамиша қаердадир лақиллаб юрар, уйнга фақат ухлагани келарди. Матъумки, уйқуда ҳамма ҳам тинч ётади.

Тхи Но кунига икки марта, баъзан уч марта унинг боғидан ўтарди. Бу ерда дарёга олиб борадиган ёлғиз оёқ йўл бор эди. Авваллари кир ювиш ёки сув олиб келинг керак бўлса, дарёга ҳамма шу йўлдан ўтар эди. Бу ерга Ти Фео кўчиб келгандан бери мулоҳазали одамлар айланма йўлдан юрадиган бўлишиди. Аммо Тхи Но бе-Фаҳм ва ўжар бўлиб, ўз билганидан қолмас эди. Эҳтимол, худди апа шу сабабли ёки шунчаки одат бўлиб қолганиданми, у аввалги йўлдан юраверар эди. Бир куни ҳатто у Ти Феодан чўғ сўраб кирди, иккинчи марта оёғига суртиш учун озгина ароқ ҳам сўради. Ти Фео уйғониб кетиб, ароқ бурчакда турганини, қайча керак бўлса олаверишини, фақат уни безовта қилмаслигини айтиб тўнғиллади. Хулласи, Тхи Но нима учун ҳамма Ти Феодан қўрқишига тушунолмасди. Бу кечаси Тхи Но одатдагича сув олиб келиш учун дарёга борди. Ой ҳеч қачон бугунгидек ёритмагандек туюлди унга. Дарё бетидаги кичкина мавж минглаб заррин учқунларини сочарди. Агар кўз чарчамаса бу гўзалликни абадий томоша қилиш мумкин эди. Салқин шабада катта елпирчдек майнин елпирди. Тхи Нонинг уйқуси келиб, киприклари юнила бошлади. У қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин кўпинча шунаقا бўларди, ўзини уйқудан тутолмай қоларди. Ана шунинг учун ҳам холаси унга бефаҳм деб лақаб қўйган эди. Тхи Но ҳомузга тортди-да, ўйлади: сув қочиб кетмайди. Кўзаларни бу ерга қўйиб бир озгина дам олай. Тхи Но тушвақтидан то қош қорайгунча тошдек қаттиқ ерни кетмон-

чурук бўйра билан устини ёпди. Ти Фео бир оз исиди, титроғи ҳам қолди. Пича мудрагандек бўлди. Тхи Нони ҳам уйқу боса бошлади, аммо лаънати чивинлар сира тинчлик бермасди. Кутимаганда Тхи Но кўйлагини эслади, у кўйлагини боғда қолдирган эди. Тезгина кўйлагини кийди-ю, кўзани тўлдириб олиб жўнаб қолди.

Ой ҳали ботмаган, афтидан, тонг отишига ҳали анча вақт бор эди. Тхи Но яна ухлашга қарор бериб, ўрнига ётди. Аммо шу кечаси бўлган воқеалар унга уйқу бермасди. У кулар, у ёқдан-бу ёққа ағанар эди, ниҳоят уйқуси қочиб кетди.

Ти Фео уйғонгандан унинг кулбаси чидаб бўлмас даражада дим бўлиб, ташқаридан қушларнинг сайроғи эшлиларди. Бундан чиқдикни, кун ёйниб кетибди, аммо унинг хафагазак, қоронғи хонасида кундузи ҳам зимиштон эди.

Сурункасига ичишдан кейин ҳушёр тортган Ти Фео ўзини бўшашган ва ҳориган сезди. Оғзи bemазa, қўл ва оёқлари бегонадай, дили ғашлиқдан сиқилар эди. Бош оғриқ қилиш керакдир? Винони ўйласа сесканиб ўқчиғи келарди. Баъзи касаллар овқатдан қўрққандек, у энди ғинодан қўрқа бошлади. Қушлар нақадар қувнаб чуғурашяпти-я! Деконлар қаттиқ кулишяпти. Бозорга кетишяпти шекилли. Эшкак овози эшлиляпти — қайиқчи балиқларни тўрга ҳайдаяпти. Нима учун у шу пайтгача ҳеч қанақа товушни пайқамас эди? Эй, худойим! Юрак сиқиляпти-ку!

- Бугун қанча ундиридинг?
- Уч су кам...
- Демак, фойда кўрмабсан-да!
- Савдо қила билиш керак, унда ҳар қайси бўлакдан беш судан ишлаб олишинг мумкин.
- Албаттаку-я, лекин ҳар ҳолда...

Икки хотин ўзаро гаплашиб боришарди, булардан бири Намдиндан газлама сотиб олиб келган бўлса керак. Ти Феонинг дили яна ғаш тортди. У узоқ ўтмишни эслади. У ҳам оила қўришни орзу қилган эди. Ўзи батраклик қилиши, хотини эса бичиш-тикиш ва уй ишига қараши мумкин эди. Кейин бир оз пул тўплаб бир парча ер сотиб олиш ҳам мумкин бўларди.

Хозир эса у кексайиб, ёлғиз бўлиб қолганини ўйлаб кетди. Ҳа, унга осон эмас! Аммо нега у шу кўйга тушиб қолди? Айтарлик кекса ҳам эмас. Қирқдан сал ошган...

Аммо энди оила қуриб бўлмайди, вақт ўтган. Ёшликнинг охири, қарилликнинг олди бошланди. Уни ҳеч нарса бука олмасди, шу қадар чайир эди. Мана энди касал бўлиб қолди. Демак, ҳаёт унинг тинкасини роса қуритибди. Куз охиридаги ёмғир аралаш совуқ шамол, қиши яқнилашаётганидан хабар берганидек, Ти Фео биринчи марта кексалик ҳақида ўйлади: совуқ, касаллик, ҳаммасидан ҳам қўрқинчлиги ёлғизлик.

Тхи Нонинг кириб келиши унинг хаёlinи бўлди. У кириб қолмаганида борми, Ти Фео жуда ҳам эзилиб, йиғлаб юборган бўлармиди? Тхи Но буғи чиқиб турган пиёз шўрвали кувачани саватга солиб кириб қолди. Тхи Но ўша кетганича ухламай, бу дайди одамга раҳми келди: яқинида биронта тирик жон бўлмаса-да, қорни санчиб тиришиб ётиши яхшими? Шу ерда туриб ёрдам бермаса бу бечора ўлиб қолади-ку! Тхи Но бир одамни ўлимдан сақлаб қолаётганини фахр билан эслаб қўйди. У Ти Феони қутқариб қолаётгани учунгина эмас, балки Ти Фео ҳам унга марҳамат қилганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Тхи Нога ўхшаш одамлар бироннинг яхшилигини асти унүтишмайди. Уни ҳозир ёлғиз ташлаб кета олармиди? Агар шундай қисла жуда инсофсизлик бўлади-ку! Ахир, у Ти Фео билан эр-хотиндек бўлишди-я. Бу нарса эсига тушганда ҳам уялар ва шу билан бирга ҳузур қиласди. Бу бебахт аёл ҳам эрга чиқишни орзу қилмаганими? Ти Фео билан бўлган яқинлик эҳтимол, унда ўзига ҳам шу вақтгача маълум бўлмаган туйғуларни уйғотиб қўйгандир?

Тхи Но тезроқ Ти Феони кўришга ва тунги воқеани ёслатишга шошиларди. Роса кулги бўлади-да. Шунақа ҳаёсиз одамлар ҳам бўлар экан? Тинчгина ўз ҳолингча ўтиранг, олдингга узала тушиб оладилар, биронни ёрдамга чақирсанг, сен қолиб, ўзлари бақиришга ўтишади. Агар бошқа бирор шундай деса, Тхи Нонинг ўзи ҳам ишонмас эди. Вой, ярамас-ей, нимага бақирди-я? Майли! Эрталабки титроқ босгани энди сира эсидан чиқмайди. Ажаб бўлди! Бари бир раҳмим келяпти! Унга ейдиган бирон нарса олиб борсамикин. Ҳар қандай касалга ҳам пиёз шўрва даво бўлади: терлайсану, тузаласан қоласан.

Тхи Но шўрвани келтирганда, Ти Фео ажабланганидан ҳеч нарса дёйлмай қолди, кейин кўзи намланганини хис этди. Умрида биринчи марта хотин кишининг ғам-

хўрлигини кўриши эди. Илгари ҳеч ким ўз хоҳишича унга ҳеч нарса қилмаган, у ҳамма нарсага дўқ уриш ва куч кўрсатиш орқали эришарди. Бир коса шўрвани ичиб олиб, кўнгли яна ғаш тортди.

Тхи Но сездирмай Ти Феони кузатиб турди ва бирдан жилмайгандай бўлди. Бу пайтда у Ти Феога жуда ёқимли бўлиб туюлди. Чиндан ҳам Ти Феода пайдо бўлган ҳис-ҳаяжон Тхи Нони унинг кўзига энди яхшигина қилиб кўрсатарди. Ти Феонинг дилидаги ғашлик ўрнини шодлик эгаллади, айни пайтда ўқинишга ўхшаш бир ҳол бор эдиким, бу табиий эди. Инсон ҳолдан тойғанда гуноҳ қилишга кучи етмайди, афсус қиласди.

Тхи Но шўрвани иссиғида ичиш кераклигини айтди. Ти Фео унинг гапига қулоқ солиб, косани оғзига олиб борди. Ё худо, ҳиди нақадар ёқимли! Шунақа ноз-нельматлар бор экан-ку дунёда! Ти Фео бир қултум ютди. Мазасини қаранг-а! Нима учун у умрида бирон марта бўлсин пиёз шўрва ичиб кўрмабди-я?

Ҳа, ҳеч ким унга овқат пишириб бермаган. У аёлларнинг ғамхўрлигини сира-сира билмаган. Ти Феонинг ёсига маслаҳатчининг учинчи хотини тушди, бу ялмоғиз оёғини уқалашга мажбур қиласарди... Унга ўз шаҳвоний ҳирсини қондириш бўлса бўлгани эди, бўлмаса, Ти Феони севармиди? Йигит энди йигирма ёшга кирган эди. Йигирма ёшда инсон, албатта тош эмас, аммо баданнинг уйгониши ҳаётда ҳал қилувчи нарса эмас, ундан ташқари, унинг маслаҳатчининг хотини билан алоқаси борлигини сезиб қолишса борми, қишлоқда ҳамма ундан ҳазар қилиши турган гап эди. Ти Фео бу хотин билан яқинлашганда уят-номусдан ерга кирай дерди. Хонимнинг истагини англаған ондаёқ қўрқувдан дағ-дағ титрар эди. Дегани деган, айғани айтган, бу аёлнинг сўзини қайтариб бўлар эмишми? Барибир, у аёл истагини пайсалга солаверарди. Хонимнинг жони ҳалқумига келарди:

— Вой бефаҳм, бефаросат-е! Ким айтади сени йигирмага кирган деб? Чолсан, чол!

У ҳамон ўзини гўлликка соларди.

— Оёғини уқалатишга чақирган, деб ўйлајпсанми?— деб ўшқирарди хоним Ти Феога кўзини чақчайтириб, қарғаб-илгаб.

Ҳа, ўшандада у фақат уялишни биларди. Уни ҳеч қачон бирон аёл севмаган эди. Шунинг учун ҳам Тхи Но келтирган бир коса шўрва унга шу қадар таъсир қилдики,

шунда у ўйлаб туриб ҳамма ҳам душман бўлавермайди-  
жу, одамлар орасида дўстлар ҳам бўлиши мумкин деб  
қўйди.

Ти Фео косани бўшатиши билан Тхи Но уни яна тўл-  
дириб берди. Ти Фео қора терга ботиб кетди. У юзидағи  
терни қўли билан артиб, бурнини тортди ва бир кулиб  
қўйиб, яна шўрвани ича бошлади. Тхи Но бошини ғамгин  
чайқаб унга ачиниб қараб турарди. Ти Феонинг болалиги  
эсига тушиб кетди. Жанжалкаш бошини деворга уриб,  
пичоқ кўтариб одамларга ташланишнингина биладиган  
бу одам ўз онасиға қилгандек, Тхи Нога ҳам хархаша  
қилгиси келиб кетди. Бунга ишониш қийин эди. Эҳтимол,  
қалбининг бирон ерида эзгулик ва яхшилик хислати ҳам  
яшириниб келгандир? Ёки касаллик уни шу кўйга солди-  
ми? Заиф одамлар кўпинча раҳмдил бўладилар, чунки  
шафқатсизлик кўпинча зўравонларга хос хислат. Қани  
энди ундаги куч!

Касаллик Ти Феони ишдан чиқариб қўйгандан бўён,  
тез-тез ваҳима босар эди. Ўғирлик, зўравонлик қила ол-  
майдиган бўлиб қолса ҳоли нима кечади? Қандай ҳаёт  
кечириади? Ахир у жиноят ва қабиҳлик қилишга қобилли-  
ги учунгина ўзини одамлардан устун тутарди-ку. Бир кун  
келиб, бу ишнинг ҳам поёни чиқиб қолар, унда нимг  
бўлади? Ҳамма сингари батартиб одам бўлишга не е’  
син! Тхи Но унга ёрдам берарди. Улар тинч ва аҳил ҳаёт  
кечиришарди, шунда ҳеч ким Ти Феони ярамас одам ді  
масди. Ҳалол, виждонли одамлар энди уни яккалаб қў-  
йишмас, ўз ораларига тортишар, уларда ҳамма нарса  
ҳаққоний ҳал этилади. Ти Фео Тхи Нога ҳаяжон билан  
боқди. У аввалгидек индамай, кулимсираб турарди. Ти  
Феонинг кўнгли юмшади.

— Мен билан бирга яшашни истармидинг?— деб сў-  
ради у қиздан.

Тхи Но ҳеч нарса демади. Унинг қалин ва қип-қизил  
бурун катаклари янада кенгайгандек бўлди. Аммо унинг  
бу ҳолати ҳам Ти Феони жиркантиргади.

— Меникига кўчиб кела қол, икковлон яшаш кўнгил-  
ли бўлади!— деб қўшимча қилди у эътиrozга ўрин қол-  
дирмагандек.

Тхи Но бунга жавобаюн кўзини чақчайтириди. Ти  
Фео шарақлаб кулиб юборди. Ҳушёр пайтидаги унинг  
кулгиси нафрат қўзгамас ва унчалик даҳшатли туюл-  
мас эди. Тхи Нога бу кулги ҳатто ёқиб ҳам қолди.

Пиёз шўрва Ти Феога шунчалик таъсири қилдики, у ҳатто Тхи Нони чимдилаб ҳам олди, қиз бир иргиб тушди.

— Кечагини эслаяпсанми, а?

Тхи Но бунга жавобан уни шарақлатиб урди ва хўмрайиб қўйди. Бу Ти Феога жуда ғалати туюлди ва у маза қилиб кулди. Шундай бадбашара-ку, тагин қийшанглашини қаранг! У Тхи Нонинг сонини яна қаттиқ чимдилади. Тхи Но энди чидай олмади, бақирганича Ти Феонинг устига ташланди-да, унинг бўйнидан сиқиб ерга босди. Улар бўсасиз ҳам эпини қилишди: қурғоқчиликда ёрилиб кетган ердек лабдан ёки ошхона таҳтасидай энинга ҳам, бўйига ҳам ёрилиб кетган юздан бўса олишининг кимга кераги бор? Уз ҳисснётини англатишнинг бошқа кўп усуллари ҳам бор. Бир-бирини чимдилаш ёки гур силлатиб тушириш ҳам мумкин. Бу жуда осон... Хуллас, улар жуда яхши жуфт бўла олишларига қаноат ҳосил қилдилар.

Тхи Но Ти Феонинг кулбасида беш кеча-кундуз қолиб кетди. Овқат учун пул топишгагина ташқарига чиқиб кирарди, холос. Ти Феонинг винога бўлган нафрати аста сўниб, оз-оздан ича бошлади, бу қисман иқтисод қилиш учун бўлса, асосан янги ҳис аввалги ҳавасини сўндира бошлади. Ахир хотин киши ҳам эркакни маст қиласида! Аммо олтинчи кунига ўтганда Тхи Но бирданига холаси борлигини ва у худди шу бугун уйига қайтишини эслади. Шундан кейин Тхи Но севги ўз йўли билан, аммо бу масалага холам қандай қарашини аввал билиш керак, деган қарорга келди.

Холаси аввалига жияним ҳазиллашяпти, деб ўйлаб роса кулди. Кейин жуда қўрқиб кетди: Тхи Нонинг қўлидан ҳамма нарса келади. У ана шу қароқчига тегиб, авлод-аждодларига иснод келтириши ҳам ҳеч гап эмас. Холаси шуларни ўйлаб титраб кетди. Эҳтимол, қари қизлика зое ўтган умри учун ўқинаётгандир. Умуман Тхи Нони роса қарғади. Ноилож ўзини тутиб олиб саёқ жиянига жаҳл билан ташланди. Бу қандай беодоблик! Ўттизга кирипти-ю, ҳали ҳам эсини йигиб олмаса-я! Ўттиздан ошганда ким эр қидиради? Ким? Ана холос! Бунинг устига яна беватан дайдини топмасанг, қишлоқда эркак зоти қуриб кетиптими? Етти иқлимда шунақаси бўлганми ўзи! Бир безори ва жанжалкашга тегасанми, ал Эй худойим! Уят бўлганда ҳам қандоқ-ал! Хо-

ласи телбалардек бобиллаб, уни ота-буваларининг арво-  
хига солар ва қўлини бигиз қилиб, шангилларди:

— Шу пайтгача эрсиз ўтдингми, бундан кейин ҳам  
ўтавер. Топган одамингни қара-я, Ти Феога тегасанми?

Тхи Ноининг бу гаплардан жаҳли чиқиб кетди. Аммо  
холасига гап қайтаришни эп билмади, чунки у катта.  
Ундаи кейин эллик ёшга кирган бу аёлнинг эр ҳақида  
ўйлаши ақлга ҳам сиғмайди-да ахир!

Тхи Но нима қиласини билмай, жаҳлидан бўғилди,  
у қаҳр-ғазабини кимгадир сочишини ўйлаб, севгилиси-  
нинг кулбаси томон югурди. Ти Фео зерикканидан ичип  
ўтиради. У ҳеч қачон бирорни кутиб ўрганмагани учун  
ҳам Тхи Нони кеч қолгани учун роса бўралаб сўкарди.  
Ахир ўшанинг дастидан яна ича бошлади-да! Йидими,  
оғзига келганини қайтармай сўкаверарди. Хўш, Тхи Но-  
нимагуноҳ қила қолипти экан? Нима учун уни сўкяпти?  
Умуман олганда сўкишга нима ҳақи бор? Тхи Ноининг ға-  
забдан қутуришига сал қолди. У ер депсиниб, иргишлай  
бошлади. Бу Ти Феога жуда ғалати туюлди, у кўнгилчан-  
лик билан бош ирғаб кулди: ўҳ-ҳў, яна куляпти-я! Мени-  
мазах қиляпти! Тхи Но жаҳли чиққанидан ўзини йўқо-  
тиб қўйди. У икки қўлини белига тираб олиб, бошини та-  
кабурона кўтарди-да, қалин лабларини чўччайтириб,  
ҳозиргина холасидан эшитганларини унинг юзига тўкиб  
солди. Ти Фео дастлаб ҳайрон бўлиб қолди, кейин ўзи-  
ни тутиб олиб, ҳаммасига тушунди. У бақрайганича ин-  
дамай, жим ўтиради, шу пайт пиёз шўрванинг ҳиди ди-  
моғига урилгандек бўлди.. Ниҳоят, Тхи Но жаҳлидан  
тушди. Ти Феони боплаганига қаноат ҳосил қилди шекил-  
ли, бурун катаклари фолибона кенгайди. Оёқларини унда-  
ли-бундали қўйиб қулбадаи чиқди-да, уйга қараб йўл ол-  
ди. Ти Фео уни чақирди. Бу қанақаси, келармикин деб-  
кутиб ўтирадими энди. Эки яна гапирадиган гапи борми-  
кан? Ти Фео унинг орқасидан югурди, ушлаб қолмоқ-  
чи бўлди, аммо Тхи Но уни шундай қаттиқ итариб юбор-  
дики, гандираклаб бориб йиқилди, ана энди унинг  
сўкинишини эшитсангиз. Эски одатини қилди. Бўлак-  
бўлак ғишт топиб бошини уриб ёрмоқчи бўлди, аммо ўй-  
лаб туриб, бу фикридан қайтди, чунки унчалик маст эмас  
екан. Бу ерда бақиргандан нима фойда? Яхшиси, тўппа-  
тўғри анави фоҳиша Тхи Ноининг ёнинг бориш керак. Ик-  
ковини, энг аввало анави қари ялмоғиз холасининг таъ-  
вирини бераман. Агар уларни ўлдиролмасам, у ҳолда

халойиқни йигиб, ўз бошимни ёраман. Бунинг учун эса керагича ичиш, лоақал бир бутилка ичиш керак. Қизиқ, Ти Феонинг сира кайфи ошмай, борган сари күнгли ғаш тортаверди. Унинг димоғига ҳамма вақт келиб турадиган пінәз шұрва исини ҳатто вино ҳам қайтаролмас эди. Ти Фео юзини құли билан бекитиб, бутун вужуди-ла ўкраб йиғлади. Қейин яна вино ичди. Ниҳоят, шу қадар күп ичдикі, аззойи бадани караҳт бўлиб, қўл-оёқлари ҳатто унга бўйсунмай қўйди.

Ти Фео пичоқни белига қистириб: «Мен у лаънатини тамом қилишим, тамом қилишим керак», деб тўнғиллаганича кулбадан чиқди, аммо у Тхи Нонинг уйигача борадиган ёлғиз оёқ йўлга қайрилмади, унга нимадир ҳалақит берди. Телбалар ва маст одамлар кўпинча қилмоқчи бўлган ишларини унутадилар.

Кун жуда иссиқлигидан Ти Фео йўлда ҳеч кимни учратмади. У кетаверди, кетаверди, йўл-йўлакай сўкиниб бораверди, ҳамон ўша «лаънатини» ўлдирмоқчи. Ти Фео бирдан маслаҳатчи Киенning уйи олдидан чиқиб қолди ва унинг уйига олиб борадиган ёлғиз оёқ йўлга кескин бурилди. Маслаҳатчиникидагиларнинг ҳаммаси далада бўлиб, маслаҳатчининг ёлғиз ўзи эса салқин жойда дам олмоқда эди. У Ти Феонинг овозини эшитиб ниҳоятда ғазабланди.

Эрталабданоқ боши оғриётганидан кайфи йўқроқ эди. Кимнингдир муздек қўли пешонасини босишини истарди. Эҳтимол, кайфининг бу қадар ёмонлигига тўртинчи хотинининг анчадан бери ғойиб бўлиб кетгани сабабдир? Ким билсин, қаерларда тентираб юрганикин? Ҳали жуда ёш бўлса! Қирқقا яқинлашган бўлса ҳам чакки эмас. Киенning ўзи олтмишдан ошиб кетгандан кейин унинг ёш ва гўзал бўлишининг нима кераги бор! Бу фикр уни жуда қийнэр эди Ҳа, хотини аввалгилик ёш, чиройли, енгилтак, гўё йигирмага киргандай. Унга қарашининг ўзи бир ҳузур албатта, аммо барибир алам қиласи. Олдингда бир парча юмшоқ лаҳм гўшт турса-ю, чайнашга тишиңг ўтмаса! Шу он Киен унинг ноёб, бир оз қисиқ кўзларини, ҳамиша маккорона табассум аримайдиган, ажаб бир ҳис қўзғовчи қип-қизил лабларини ва анор юзларини эслади. У хотинининг атрофида ҳамиша үймалашиб юрадиган ўғли тенги санқи йигитларни кўяррага кўзи йўқ эди. Уларнинг сийқа, ахлоқсиз ҳазилларига, бўлар-бўлмасга хахолайдиган аҳмоқона одатларига то-

қат қилолмасди. Унинг мўътабар шахс эканлигини бир пулга олнишмайди улар! Лаънатилар! Қани энди ҳаммасини қамоққа тиқсанг!

Ана шунақа чалкаш-чулкаш ўй-хаёллардан кишининг тинкаси қурийди, бунинг усигига Ти Феонинг бемаҳал келиб қолишини кўрмайсизми? Яна вино сўраб келганлирда, бўлмаса нимага келарди. Тезроқ йўқолсин, деб беш хао итқитмоқчи бўлди-ю, аммо жим туролмай бақирди:

— Яна судралиб келдингми! Жойинингни топ энди, бу ер сенга хазина эмас-ку!

У шу гапларни айта туриб таангани ерга ташлади.

— Ол, бундан кейин қорангни кўрсатма. Ҳалол пул топишга ўрган, деб сенга неча марталаб айтдим!

Ти Фео маслаҳатчига қаҳрини сочиб бақирди:

— Беш хаонг бошингда қолсин, мен пул учун келганим йўқ!

Маслаҳатчи қўрқиб кетиб, анча мулойим оҳангда қўшимча қилди:

— Майли энди, ол, бундан ортиқ пулим йўқ.

— Сенга айтдим-ку, мен пулга келганим йўқ, деб,— деди Ти Фео бошини дадил силкиб.

— Худога шукур! Бу гапни сендан биринчи марта эшитяпман. Сенга нима керак?

— Одам бўлмоқчиман!— деб бақирди Ти Фео.

— Жуда соз,— деди маслаҳатчи ҳиринглаб.— Омадингни берсин! Бутун қишлоқнинг номидан шуни истайман.

— Жиндек кечикдим!— деди Ти Фео бошини бир силкиб.— Энди қандай қилиб одам бўламан? Юзимдаги ямоқларни ким текислайди. Умр ўтди! Билдингми... Энди битта ишим қолди! Биттагина! Бу иш нима эканлигини ҳозир биласан!

Шундай деди-ю, Ти Фео пичоқни олиб маслаҳатчига ташланди. У қўрқиб ўрнидан турди ва бир марта бақира олди, холос. Ти Фео жон-жаҳди билан пичоқни санчиб, товушининг борича бақириб одамларни чақираверди. Аммо қўни-қўшни бу таниш бақириққа илгаридан ўрганиб қолгани учун унча эътибор беришмади. Ниҳоят, одамлар келишиб Ти Фео билан маслаҳатчини ерда қорақонга беланиб ётганини кўришди. Ти Феонинг кўзи қинидан чиқиб кетган, гўё бир нарса демоқчи бўларди-ю.

оғзини қамраб ололмасди. Бўйнидан эса тирқираб қон оқмоқда эди.

\* \* \*

Кишлоқ аҳолиси уяси бузилган аридаӣ ғувиллашарди. Ҳамманинг оғзида ана шу фавқулодда воқеа ҳақида гап. Баъзилар пинҳоний севиниб ўзаро: «Қодир худо ҳар нарсага ҳозир» дейишса, баъзилар тӯппа-тӯғри: «Ҳамма-га ачинилса ҳам, бу иккисига ачиниб бўлмайди... Ҳеч кимда айб йўқ. Эҳтимол, ўзлари бир-бирларини ўлдиришгандир!» дейишарди. Ҳаммадан ҳам бойлар ўзида йўқ хурсанд эдилар. Улар оқсоқолникига таъзия билдириш учун келсалар ҳам, аслида марҳум маслаҳатчининг ўғлига: «Энди ҳолинг нима кечади? — демоқчи эдилар. Ҳеч кимдан тап тортмайдиган сержант Тао бозор ўртасида очиқдан-очиқ:

— Отаси асфаласофилинга кетди, ўғлини ҳам бирон кимса гумдон қиласр энди! — деб юрди.

Ҳамма «бирон кимса» сержантнинг ўзи эканлигига шубҳа қилмасди албатта. Ёшлар секин-секин гаплашишарди.

— Бу қари қонхўрсиз енгилроқ нафас оламиз-ку, энди ҳар ҳолда.

Кексароқ ва тажрибалироқ одамлар эса гумонсираб лабларини тишларди:

— Эски бамбуқ ўрнидан унинг ёш новдалари ўсиб чиқарди. Бири ўлиб, бошқаси қолди. Илгари қандай бўлган бўлса шундайлигича қолаверади.

Тхи Нонинг холаси суюниб:

— Аҳмоқ, бахтингни қара-я! Унинг этагини тутганингда яхши бўлармиди!

Тхи Но кулиб юборди-ю, ҳеч нарса демади.

Бир оздан кейин:

— Кеча протокол ёзишибди. Оқсоқолга бу иш юз хага тушибди, дейишяпти. Ҳам отасидан айрилибди, ҳам пули кетибди.

Тхи Но ичиди: «Қизиқ, Ти Фео қўйдек ювош, беозор бўлиши ҳам мумкин эди-ку ахир», деб ўйларди.

У Ти Фео билан бирга бўлган кунларини эслади, яширинча холасига, кейин ўз қорнига назар ташлади: «Ҳомиладор бўлиб қолган бўлсан-а, унда нима бўлади?»

Шунда у йўл четидаги ташландиқ ғишт хумдону вайронна кулбаларни эслади.

## КИТОБ АВТОРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

А тоқли Вьетнам ёзувчиси Нам Као (Чан Хиу Чи) 1914 йил 29 Өктябрда Шимолий Вьетнамнинг Ханам вилоятидаги Дай Хоанг қишлоғида туғилди. Унинг болалик ва ёшлик йиллари шу қишлоқда ўтди ва шу ерда мактабга кирди. Аммо оғир бери-бери<sup>1</sup> касаллиги ва юрак хасталиги туфайли мактабни тугата олмади.

У пайтларда унинг ватани оғир кунларни бошидан кечирад әди, мамлакатда француз империализми ҳукмронлик қиласарди. Ерларнинг йирик заминдорлар ва католик черковлари қўлида бўлиши майда деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилган әди. Бўлажак ёзувчининг онласи бошига ҳам ана шундай оғир қисмат тушди. Отаси ўғлини узоқ қариндошларидан биринга хизматкор қилиб берди, бу онла 1936 йилда Сайгонга кўчиб кетди. Кўпчилик деҳқонлар ишлаб пул топиш учун бу ерларга келардилар.

Ёш Нам Као Сайгонда яшар экан, ҳалқининг инҳоятда қашшоқ ва эзилганлиги ҳақида ўйларди. У Сайгонда жуда қийналди. Тириклий ұтказиш йўлида унинг қилмаган иши қолмади: ҳаммоллик қилди, қора ишчи бўлиб ишлади, ҳатто касалхонада бемор боқувчилик ҳам қилди. Нам Као бу даврни кейинчалик ўзининг «Хорзорлик» деб аталган автобиографик романидаги (1944) муфассал тасвиirlади.

Ёзувчининг Сайгонга келиши миллий озодлик ҳаракатининг кучайнши ва барча прогрессив партиялар ҳамда ҳақиқий ватанларварларни бирлаштирган Демократик фронтнинг барпо қилинishi вақтига тўғри келди. Нам Као аста-секин мамлакатининг сиёсий ҳаётига жириб борди: Сайгон докерларининг биринчи май намойиншига қат-

<sup>1</sup> Гуручни кўп истеъмол қиласидиган мамлакатларда учрайдиган касаллилар.

нашади, въетнам революционерларнга берилган амнистияни табриклайди. Бу пайтда у қунт билан ўз устида ишлайди, француз, рус ва хитой классикларнинг асарларини кўплаб мутолаа қиласди.

Нам Као номи въетнам адабиётида 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кўрина бошлади. Аммо уннинг дастлабки асарларинча етук эмасди.

Нам Као «Эски ғашт ҳумдон» (1940), кейинчалик асосий қаҳрамонлар номи билан «Ти Фео» деб юритилган повестини ёзгандан кейин адабиёт оламига ташилди. Бу асари билан у Въетнам қишлоғининг революцияга қалар бўлган аҳволини яхши билган етук реалист ёзувчи сифатида майдонга чиқди. Ўша даврда ижтимоий шароит тазийиқи остида кўлгиша деҳқонлар аҳлоқи бузуқ, уй-жойсиз дайниларга, ўғри, кazzобларга айланниб кетган эди. Ёзувчининг «Ти Фео» повестида ана шунаقا хонадонлардан бирни акс эттирилади.

«Ти Фео» повестидаги бу мавзу ёзувчининг бошқа ҳикояларидан кейинроқ янада ривожлантирилади, бу ҳикоялар ҳам мазкур тўпламдан жой олган.

Ёзувчининг дастлабки ижодидаги асосий қаҳрамонлар қашшоқлишган зиёлилар, майдада хизматчилар, қишлоқ ўқитувчилари ва хонавайрон бўлган деҳқонлардан иборат эди. Автор бу образлар орқали мавжуд муҳитдаги зулм, жаҳолат, нодонлик ва камситишларга бардош беролмасдан эзилаётган абгор оммани кўрсатади. Аммо буларнинг биронтаси мавжуд зулмдан қутулиш йўлини топа олмайди. Улар ё жимгина азоб чекадилар, ё жиноят йўлига ўтадилару, тушкунликка тушнаб, ниҳоят жамият «ўпқони» нинг вакилларига айланадилар.

1943 йилда Нам Као иш ахтариб Ханойга келгач, Ҳиндихитой Компартияси билан яқин алоқада бўлган «маданият арбобларининг ватанпарварлик жамияти»га киради. Нам Као асарлари бу ташкилотдаги илфор фикрлар таъсири остида, ижодининг дастлабки пайтларida етишмаган социал кескинликни кашф этади.

1945 йилда Въетнамда революция бўлди. Нам Као эски дунёнинг ёмирилишини ҳаяжонланиб табриклайди. У ўз вилоятида ҳалқ ҳокимияти ўрнатилишига бевосита иштирок этади, шундан кейин у яна Демократик Республика пойтахти Ханойга келади, бу ерда у ватанпарварлик жамиятининг ишига ўзига хос ғайрат билан киришади. Нам Као бу даврда кўп сонли мақолаларида, қатор бадиий асарларидан ҳалқ ҳокимиятидан, революцион ғайратга тўлиб-тошган меҳнат-кашлардан бениҳоя қувонганини ёзади. Шу билан бирга у француз империалистлари билан тил бириктириб, Жанубий Въетнамда сепарат автоном ҳукумат тузмоқчи бўлган ҳалқ хоннларини лаънатлайди. («Юзларни қирминг қиэларининг қайғуси».)

Нам Қао, ёзувчининг ижодий фаолиятини Қаршилик кўрсатиш урушининг муҳим вазифаларидан ташқарида кўрмас эди. У ўзининг «Адабиёт ва санъат ҳақида баязи муроҳазалар» сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзган эди: «Қаршилик кўрсатиш уруши бизнинг дунё-қарашларимизни, идеологиямизни, тил ва турмуш тарихимизни тамомила ўзгартиб юборди. Биз эди аввалги оламлар эмасми. Бизнинг атрофимиздаги одамлар ҳам тамомила бошқа одамлар бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозир илгаригидек ёзишимиз мумкин эмас!»

Ёзувчининг революциядан кейин ёзган асарлари орасида машҳурлари «Кўзлар» ҳикояси (1946) ва ёзувчининг «Чанглзорларда» кундалигидир (1947). Бу унинг «Киу Куок» («Миллий-озоллик») газетасида ишлаган даврдаги жанговар ижодий ҳисоботидир. Бу асарда Қаршилик кўрсатиш урушининг оғир кунлари, мамлакатнинг ташқи дунёдан тамомила ажralиб қолгандаги энг оғир дамлари тасвирланган.

«Кўзлар» ҳикоясининг муваффақияти шундаки, ёзувчи въетнам зиёлиларининг революциядаги ўрни ва уларнинг Қаршилик кўрсатиш урушига муносабатидек катта ва муҳим масалани ўртага қўяди ва тўғри ҳал қиласди. Нам Қао янги тиپдаги ёзувчи — у коммунист ва жангчига, революция бўлишига қарамай, ҳақиқатга ҳамон ўзининг «маниманлиги» билан қараб, эски ҳаётдан умидини уза олмайдиган буржуа зиёлисини қарама-қарши қўяди.

Нам Қао бу кичкина ҳикояси орқали янги, революцион назариянинг эски, буржуа назарияси устидан ғалабасини моҳирлик билан талқин қиласди.

Нам Қаонинг революциядан кейинги асарлари — революцияни, тарихининг ижодкори ва эски жамияти қайта қурувчи халқни мадҳэтган ҳаяжонли гимидир. Нам Қао революциядан кейинги қишлоқ, озод ватанинг ажойиб, ёрқин келажаги ҳақида катта роман ёзмоқчи эди, аммо бевақт ўлим унинг орзусини рўёбга чиқармади. Талантли ёзувчи, революциянинг толмас солдати Нам Қао душман вақтинча босиб олган территорияда партиянинг навбатдаги топширигини баражарив туриб, 1951 йил 30 ноябрда хоинлар қўлида фожиали ҳалок бўйди.

T. МХИТАРЯН

## МУНДАРИЖА

### ҲИҚОЯЛЛАР

Нигорон. <i>А. Эминов ва Л. Парнихўжаев таржималари</i>	3
Очкӯзлик. <i>А. Эминов таржимаси</i>	11
Бир жуфт чўчқа сони. <i>А. Эминов таржимаси</i>	22
Шамланское. <i>С. Юнусов таржимаси</i>	29
Ўқубатли ҳаёт. <i>С. Юнусов таржимаси</i>	35
Кўзлар. <i>Л. Парнихўжаев таржимаси</i>	46
 <b>ПОВЕСТЛАР</b> 	
Момақалдироқ. <i>С. Ҳасанов таржимаси</i>	62
Ти Фео. <i>С. Ҳасанов таржимаси</i>	89
T. Мхитарян. Автор ҳақида қисқача маълумот. <i>С. Ҳасанов таржимаси</i>	121

*На узбекском языке*

*Нам Као*

**О ЖИДАНИЕ**

**Повести и рассказы**

Перевод с издания Издательства художественной литературы

Москва 1983

*Редактор С. Иўлдошева*

*Расмлар редактори Э. Валиев*

*Техн. редактор Л. Ильина*

*Корректор М. Жўраева*

Босмахонага берилди 22/XII-66 й. Босишга  
руҳсат этилди 13/V-67 й. Формати 84×108 $\frac{1}{16}$ .  
Босма л. 3.875. Шартли босма л. 6.47.  
Нашр л. 7.72. Тиражи 15000. Рафур Ғулом  
номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тоши-  
кент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 113—66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот  
Давлат комитетининг З-босмахонасида тайёр-  
ланган матрицалари Бухоро шаҳридаги „Бу-  
хоро ҳақиқати“ босмахонасида 2-көнгозга бо-  
слиди. 1967 йил. Заказ 3646. Баҳоси 39 т.

БИБЛИОТЕКА № 584

ИНВ. № 116226

